

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Г.З.ТЎЛАГАНОВА

С.Р.БАЗАРОВ

ЖИНОЯТ ИШЛАРИДА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

ЎҚУВ - ҚЎЛЛАНМА

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
томонидан магистратуранинг 5А380111 мутахассислиги
тингловчилари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган*

ТОШКЕНТ – 2009

ТДЮИ “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” кафедраси 2009 йил 25 августдаги 1-сонли баённомаси мажлисида муҳокама этилган ва нашрга тавсия этилган

Тўлаганова Г.З., Базаров С.Р.

Жиноят ишларида адвокат иштироки. Ўқув-қўлланма. Масъул муҳаррир: –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –165 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Такризчилар: **З. Иноғомжонова** ТДЮИ “Жиноят процесси” кафедраси мудири, ю.ф.д., проф.
Р. Ҳақбердиева ю.ф.н., доцент.

Мазкур ўқув қўлланма “Жиноят ишларида адвокат иштироки” фани юзасидан ўқув дастури асосида тайёрланган ҳамда жиноят ишларида адвокат иштирокининг ҳуқуқий асослари, жиноят ишларининг биринчи инстанция, апелляция, кассация ҳамда назорат тартибида адвокат иштирокининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.

Ўқув қўлланма юридик олий ўқув юртларининг магистратура ва бакалавриат босқичида таълим олувчи талабалар ҳамда жиноят ишларида адвокатнинг фаолияти билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.

© Г.З.Тўлаганова, С.Р.Базаров.

© Тошкент давлат юридик институти, 2009 йил.

Кириш

Мустақил республикамиз ҳозирги кунда демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан борар экан, бу даврда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шахс эркинлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилди. Бундай ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим тамойиллардан бири бу фуқароларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан биргаликда инсон ҳуқуқларини поймол этилишига йўл қўйилмаслиқдир.

«Кучли демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ ташқи сиёсатга, мустаҳкам бозор иқтисодиётига асослантирилган фуқаролик жамиятини қуриш пировард мақсад бўлиши керак».¹

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига фуқароларнинг асосий ҳуқуқлар эркинликлари мустаҳкамланган. Улар таснифига кўра шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларга бўлинади. Шахснинг ҳимояга бўлган ҳуқуқи унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини қаторига киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча, у айбдор ҳисобланмайди.

Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади» дейилган. Конституциянинг ушбу моддаси асосида ҳар бир кишининг ҳимояга бўлган ҳуқуқи кафолатланади. Қоидага кўра шахснинг бу ҳуқуқи адвокатлар орқали амалга оширилади, адвокат ҳар қандай ҳуқуқий масалалар юзасидан малакали ёрдам бериб, жиноий ва фуқаролик ишларида иштирок этади ва уларга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатини ҳимоя қилади.

Шуни қайд қилиш керакки, айбланувчини ҳимоя билан таъминланмаслиги жиноий ишларни терговга қайтариш ёки ҳукмни бекор қилиш учун асос бўлади. Шунингдек, фуқаролик ишларида ҳам даъвогар ёки жавобгарни ҳимоя ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳал қилув қарорни бекор бўлишига асос бўлади. Айрим шахслар юридик хизматга ҳақ тўлай олмаганларида, уларга давлат томонидан бундай ёрдамни бепул берилиши ҳам ҳимояга бўлган ҳуқуқининг конституциявий кафолатларидан биридир.

¹ И. А. Каримов. «Ўзбекистон ўз тараққиёт ва ривожланиш йўлида». Тошкент «Ўзбекистон» 1992 й. 8-б.

«Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалдаги тенглиги ва таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор».¹

Мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёни кечмоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамиятининг муҳим демократик институтларидан бири бўлган адвокатуранинг мавқеи ва мақомини юқори босқичга кўтариш, унинг фаолиятини такомиллаштириш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Президентимиз И.А.Каримов «Биз адвокатура тизимини кучайтириш ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мақомини прокуратура мақомига тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам, амалий ишлар соҳасида ҳам кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз»² деб бежиз таъкидламаган эдилар, чунки ҳозирги вақтга келиб адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, адвокатларнинг ҳуқуқи ва ваколатларини кенгайтирилмоқда.

Мустақил республикамиз босиб ўтган қисқа давр ичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида анча ишлар қилинди. 1996 йилда қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида» ва 1998 йилдаги «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар давлатимиз томонидан жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қаратилган фаол сиёсатнинг амалга оширилаётганлигининг ёрқин исботидир.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ тўртинчи сессиясида юртбошимиз И.А.Каримов суд-ҳуқуқ ислоҳотига оид масалалар тўғрисида сўзлаб, ҳозирда эски тузумдан мерос қолган адвокатура фаолият кўрсатаётганини, бугунги кунда бирорта ҳам номдор, элга танилган, кучли адвокатлар йўқлигини куйинчаклик билан таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, «собик совет тузуми даврида адвокатнинг вазифаси социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, социалистик одил судловга хизмат қилиш бўлиб, бу нарса уни сиёсий функцияларни бажарувчи давлат хизматчисига айлантириб қўйган эди».³ Адвокат жиноятчига ён босувчи шахс сифатида

¹ И. Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2-чақириқ 1-сессиясидаги маърузасидан. «Халқ сўзи» 2000 й. 23 январ № 17.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.14.

³ Резник Г.М. Адвокатура в постсоветском обществе. –М.:Приор, 1998. –Б. 8.

эътироф этилиб, унга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан салбий назар билан қаралар, унинг фаолияти унчалик эътиборга олинмас эди. Ҳаттоки, совет ҳокимиятининг турли йилларида «Совет судига ҳимоячи керакми», «Совет адвокатурасини ташкил этишда коммунистлар адвокат бўлиши мумкинми» деган мавзуларда олимлар ўртасида илмий мунозаралар бўлиб турган ва бу жараёнда ҳимоя институтининг ўзи ҳимояга муҳтож эди.¹

Бу даврда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминланишига адвокатуранинг шаклланишига имкон бўлмаган. Афсуски, бундай шароитда совет давлатининг «демократик ниқоби» вазифасини ўтаган адвокатура юзага келди ва у бизга мерос бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда аҳолимизнинг айрим қатламларида адвокатлик фаолиятига нисбатан тушунмаслик ёки ишончсизлик кайфиятлари мавжуд.

Мамлакатимизда қабул қилинган адвокатура тўғрисидаги қонунларнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти талабларига тўла жавоб берадиган кучли, мустақил адвокатура барпо этиш, одил судловни амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш борасида адвокатларни қўллаб-қувватлаш, уларни турли тазйиқлардан ҳимоялаш, адвокатларнинг ижтимоий ҳимоясини, моддий таъминотини яхшилаш ва рағбатлантириш, адвокатларнинг касб этикасига қатъий риоя қилишларини таъминлаш ва бошқалардан иборат.

Адолатли фуқаролик жамиятининг, инсонпарвар ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири - адвокатурага, унинг фаолиятига чуқур ҳурмат асосида муносабатда бўлишдир. Республика-мизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида адвокатурага берилаётган алоҳида эътибор мустақил республика-мизда ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоясига нисбатан худди шундай муносабатлар шаклланаётганидан дарак беради.²

Шу вақтга қадар адвокатнинг жинойт процессидаги иштироки, айниқса, унинг дастлабки тергов ва суддаги ваколатлари, умуман, адвокатнинг ҳимоячи, вакил сифатидаги процессуал ҳаракатлари олимларимизнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган эди.

¹ Саломов Б. Мамлакатимизда адвокатура тарихи: кеча, бугун, эртага. // Адвокат. -1999.-№1.-Б. 13.

² Тўлаганова Г. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолиятини такомиллаштириш муаммолари хусусида. // Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. -Т.:ТДЮИ, 2003. -Б. 117.

Мустақил Ўзбекистонимизда кейинги йилларда адвокатлик фаолияти билан боғлиқ қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан адвокатнинг ҳуқуқий мақоми ўзгарди, адвокатура тизимида «Адвокатлар фирмаси», «Адвокатлар бюроси», «Адвокатларнинг малака комиссиялари» сингари тушунчалар пайдо бўлди ва адвокатура фаолияти янги прогрессив қарашлар билан мазмунан бойиди. Адвокатлик фаолиятига янгича назар билан қаралаётганлиги, адвокатлик фаолиятини такомиллаштириш ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалардан бири эканлиги мазкур ўқув қўлланманинг яратилишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикасида ҳимоя институти пайдо бўлишининг тарихи, адвокатлик касбига қўйилган талаблар, унинг асосий принциплари, адвокатнинг жиноят процесси турли босқичларидаги иштирокининг ўзига хос томонлари, бу тўғридаги хорижий мамлакатлар тажрибаси қисқача ёритиб берилган.

1-МАВЗУ

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АДВОКАТ ИШТИРОКИНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

- 1. Ҳимоячининг жиноят ишида иштирок этиш асослари.**
- 2. Ҳимоячини таклиф этиш ва тайинлаш.**
- 3. Адвокатнинг жиноят ишлари бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, ҳамда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида жалб этилиши. Адвокат ва ҳимояси остидаги шахс ўртасидаги муносабат.**
- 4. Ҳимоячининг процессуал функцияси.**
- 5. Ҳимоя ва айбсизлик презумпцияси.**

Жиноят ишлари бўйича адвокатнинг иштироки адвокатлик фаолиятининг турлари ичида марказий ўринни эгаллайди, зеро жамият аъзоларининг аксарият қисми адвокат деганда, жиноят ишларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқларини дастлабки тергов ва судда ҳимоя қилувчи шахсни англайди ва шу боис, аҳоли орасида унинг бу фаолиятига оқловчилик деб баҳо берилади.

«Ҳимоячи-бу қонунда кўрсатилган тартибда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга шахсдир».

Маълумки, жиноят процессида ҳимоячи сифатида асосан адвокатлар иштирок этади. Шу сабабдан ҳимоячи деганда, аввало адвокат назарда тутилади.

Адвокатнинг жиноят ишлари бўйича дастлабки терговда ва суддаги фаолиятини расмийлаштириш. Адвокатни жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ва суд жараёнига жалб этиш тартибининг бошқа туркумдаги фаолият турларидан фарқли ўзига хос хусусияти шундан иборатки, жиноят ишлари юритишда иштирок этиш учун адвокат жалб этилиш ҳам, тайинланиш ҳам мумкин.

Жиноят ишлари бўйича адвокатни жалб этишда ўз ҳуқуқини ёки яқин кишиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини истаган фуқаро адвокат (адвокатура) билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома тузиб, ўзи танлаган адвокатни ишга ҳимоячи сифатида иштирок этади. Адвокатнинг мазкур шахс билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома тузиши ихтиёрий бўлиб, ҳар қандай босқичда шартномани тузишдан воз кечишга ҳақлидир.

Шунингдек, дастлабки тергов ва суд органларининг ҳимоячи иштирокини таъминлашга қаратилган топшириғи дейилганда, қонунда ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолатлар мавжуд бўлган жиноят ишларга адвокатнинг адвокатура орқали таклиф қилиниши тушунилади. Адвокат (ҳимоячи) давлат ҳисобидан таклиф қилинганда, дастлабки тергов ва судда муайян ҳимоячининг ишда иштироки шарт эканлигини сўраб, мурожаат қилишга ҳақли эмас. Қайси ҳимоячи иштирок этиши лозимлигини адвокатлар палатаси мустақил ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 49-моддасига биноан, ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарурий юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига унинг томонидан адвокат гувоҳномасини кўрсатилганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилгани тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига биноан, айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади, унга тергов ва суд ишини юритишнинг барча босқичларида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳимоячи жиноят ишлари бўйича гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш учун зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга. Ҳимоячи сифатида фақат адвокатлар иштирок этиши мумкин. Ҳимоячи вазифасини бажармоқчи бўлган адвокатни ишда иштирок этишига, аввало, ҳимояга муҳтож шахснинг бевосита розилиги бўлиши шарт. Адвокат билан бир қаторда гумон қилинувчининг, судланувчининг яқин

қариндошлари ёки қонуний вакилларида бири ҳам ҳимоячи сифатида иштирок этиши мумкин. Лекин бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи илтимоснома билан тегишли равишда суриштирувчига, терговчига ёки судга мурожаат қилиши лозим. Илтимоснома юзасидан суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Илтимоснома рад этилганда, албатта, бунинг асослари кўрсатилиши шарт. Бу каби ҳимоячи иш бўйича ушбу Кодекснинг 53-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланади. Жумладан, ЖПКнинг 51-моддасига мувофиқ, ишда ҳимоячининг иштироки шарт бўлган ҳолларда, албатта ҳимоячи бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ, чунки ҳимоя шахсга малакали юридик ёрдам берилишини тақозо қилади. Айбланувчи ёки гумон қилинувчи ҳимоячи таклиф этилишини илтимос қилган ёки ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда ҳимоячисиз ўтказилган ҳар қандай процессуал ҳаракат қонуний кучга эга бўлмайди. Ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлган шахсдан турли йўللار билан олинган “Ҳимоячига муҳтож эмасман” таъбиридаги тилхат ҳимояланиш ҳуқуқини чеклашга олиб келади. Ҳимоячининг асосий вазифаси – жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, суриштирув ва тергов олиб боришда ҳамда одил судловни амалга оширишда қонунийликка риоя қилинишига эришишдан иборат. Ҳимоячи ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига риоя қилиш, жумладан, “Адвокатура тўғрисида”ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ, адвокатнинг мустақиллиги, касб этикаси, адвокатлик сири ва қасамёди, қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва воситаларни қўллаш тамойилларига суяниши лозим. Ҳимоячи сифатида адвокатни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бевосита ўзи танлайди ёхуд адвокат танлашни ўзининг яқин қариндошлари, қонуний вакиллари, шунингдек ишончли кишиларга топшириши мумкин. Бу ҳақда шартномани адвокат ва уни танлаган ҳимоячига муҳтож шахс ёки унинг вакили имзолагач, адвокат муайян жиноят ишини юритишга ваколати борлиги ҳақида ордерни суриштирувчи, терговчи ёхуд судгача тақдим қилади ҳамда адвокатлик гувоҳномасини кўрсатади. Шу вақтдан бошлаб адвокат иш бўйича ҳимоя функциясини бажаришга ҳақли. Терговчи ва судья муайян адвокатни ҳимоячи сифатида иштирок этишига монелик қиладиган қонуний асослар бўлса, рухсат бермаслик тўғрисида ўз қарорида (ажримда)

бунинг сабабларини аниқ ва батафсил баён этишга мажбур. Бу ҳақда терговчининг қарори устидан прокурорга, суднинг ажрими устидан юқори судга гумон қилинаётган, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, ҳимоячи шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли. Бир гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи бир неча ҳимоячига эга бўлиши қонун билан таъқиқланмаган. Бир ҳимоячи бир неча шахсни ўз ҳимоясига олиши ҳам мумкин, лекин бу ҳолда ҳимояланувчиларнинг манфаатлари ўзаро мос бўлиши яъни бир-бирига зид келмаслиги шарт.

Ишда иштирок этаётган ҳимоячи ўз ҳимоясидагиларнинг манфаатлари бир-бирига зид эканини билгани ҳамоно, улардан бирини ҳимоя қилишдан воз кечиши ҳақида сўраб, тегишлича терговчига ёки судга мурожаат қилиши лозим. Ҳимоячи жиноят ишининг бошланишидан охиригача барча босқичларда ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Бу ҳимояланаётган шахснинг хоҳишига боғлиқ. Ҳимоя остидаги шахс истаган вақтда ҳимоячидан воз кечиши, уни ишда қатнашмаслигини талаб қилиши мумкин. Ҳимоячи эса ўзи олиб бораётган ҳимояни тўхтатишга ишни ўзидан соқит қилишга ҳаққи йўқ. Ҳимоячи жиноят ишининг мазмуни билан танишгач, ўз ҳимояси остидаги шахсга унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини батафсил, ишнинг моҳиятини ҳисобга олиб тушунтириши ва ҳимоя йўналиши, услуби ва воситалари ҳақида ҳимояланувчини хабардор қилиши, ўзаро келишиб олиши лозим. Ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахсга ўз фикрини ошкора билдириши ва у билан энг мақбул ҳимоя услубини танлаб олиши шарт. Бу масалада ҳимоячи ўз ҳимоясидаги шахснинг измидан четга чиқиши мумкин эмас. Ҳимояланаётган шахс ҳимоя остидаги маслаҳатлари ва фикри ҳақида ўзига ишончли шахсга айтиши, у билан муҳокама қилиши мумкин. Ҳимоячи эса, аксинча, ҳимоя остидаги шахснинг унга берган маълумотларини сир сақлаши лозим. Ҳимоячининг бу ҳақида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши ЖПКнинг 115-моддасига биноан таъқиқланган. Ҳимоячи мазкур иш бўйича иштирок этишига монелик қиладиган бирор асос борлигини аниқлагач, ЖПКнинг 79-моддасига биноан ўзининг рад этилишини илтимос қилиб суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судьяга мурожаат қилиши шарт. Адвокат муайян гумон остидаги шахсни, айбланувчини, судланувчини ўз ҳимоясига олишига тўсқинлик қилиш, шу муносабат билан унга, оила аъзолари, қариндошлари, таниш-билишларига, мол-мулкига таҳдид қилиш, зўрлик ишлатиш, қўрқитиш каби хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган.

Ҳимоячи жиноят ишларини юритишда прокурор билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ва тортишув тамойилига мос равишда тенг фаолият олиб боради. Айни вақтда ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндириш ва бошқа қонунга ҳилоф уринишлар орқали ишни тўғри юритилишига тўсқинлик қилгани ҳолда тегишли жавобгарликка тортилади.

Адвокатнинг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги жиноят процессида, яъни жиноят судлов ишларини юритишда адвокат иштирокининг шарт ҳолатларини ҳам назарда тутган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига кўра вояга етмаганларнинг, соқовларнинг, қарлар, кўрлар ва ўзининг жисмоний ёки руҳий нуқсонлари сабаби ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошира олмайдиган бошқа шахсларнинг ишлари тергов қилиш ва судда кўриш пайтида ҳимоячининг иштирок этиши мажбурийдир. Шунингдек судлов олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этиши шартдир.

Амалиётда қотиллик жиноятини содир этишда айбланаётган фуқаро айбини бўйнига олади ва ҳимоячи олишдан қатъиян воз кечади. Шунга қарамай Бувайда туман прокуратурасининг терговчиси Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 51-моддасига амал қилган ҳолда ишда ҳимоячининг иштирок этишни таъминлайди.¹

Шунингдек, айбланувчи ёки судланувчи илтимос қилган ҳолларда, айбланувчилар ёки судланувчиларнинг манфаатлари ўртасида зиддият бўлганида биттаси ҳимоячига эга бўлган ҳолларда ёки суд мажлисида давлат ёки жамоат айбловчиси иштирок этган ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги ишлар кўрилган ҳолларда ҳам ҳимоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади.

Фикримизча, терговда ва судда фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили, айниқса, бу вакил сифатида юрист маслаҳатчи ёки адвокат иштирок этаётган ҳолатларда ҳам ҳимоячининг иштироки мажбурийлиги қонунда кўрсатилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ачиқ ҳақиқат бўлса ҳам айтиб ўтиш зарурки, жамиятимизда ҳали ўз исм, фамилиясини ҳам тўғри ёза олмайдиган, ўқий олмайдиган, саводи етарли даражада бўлмаган шахслар ҳам учрайди. Агар жиноят иши материаллари асосан ёзув билан қайд

¹ Бувайда туман суди архивидан. 2000 й.

қилинишини ҳисобга олсак, улар манфаатларини ҳимоя қилишдаги бу техник камчиликни бартараф этиш долзарб маъно касб этади. Маълумки, бу каби (саводи етарли бўлмаган) шахсларни қонунда ҳимоячи билан таъминланиши шарт бўлган шахслар қаторига киритиб бўлмайди. Чунки «саводсизлик» ни жисмоний ёки руҳий камчилик деб ҳисоблаб бўлмайди.

Шу сабабли қонунга «саводи етарли бўлмаган, интеллектуал даражаси паст бўлган шахсларнинг жиноят ишлари бўйича ҳам адвокат иштироки шартдир» деган норма киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Баъзи терговчилар қонуннинг ҳимоячи иштироки шартлиги тўғрисидаги талабини фақат айбланувчига нисбатан ҳимоячи тайинлаш йўли билан амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаб, айбланувчига унинг муҳим процессуал ҳуқуқи ҳимоячини танлаш ҳуқуқи тушунтирмайдилар. Баъзан бу тушунтириш айбланувчи ва унинг қонуний вакилига шунчаки расмийатчилик юзасидан ва бевақт бўладики, бу амалда айбланувчининг ўз ихтиёрига кўра ҳимоячини танлаш имкониятидан маҳрум этади.

«Баъзи ҳолларда судлар вояга етмаганларга оид ишларни кўришда судда уларнинг қонуний вакиллари иштироки билан чегараланиб, бу ҳолда ҳимоячини ишга жалб қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бир неча бор вояга етмаган шахснинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи қонуннинг бу талабини шунчаки расмийатчилик билан ёндашиш мумкин эмаслигини уқтириб ўтган»¹.

Амалиётда асосан ўтиш ёши ҳақида баҳс юзага келади. Чунки баъзида вояга етмаган пайтда жиноят содир этган шахслар дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш пайтида вояга етиб қоладилар.

Баъзи терговчи ва судьялар бу масалага расмийатчилик билан ёндашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «вояга етмасдан жиноят содир этган, лекин ишни судда кўриш даврида вояга етган шахсга нисбатан суд содир этилган жиноятнинг характерини, иш ҳолатларини, айбланувчининг шахсини ҳисобга олиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга оид қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳимоячининг иштирокини мажбурий деб топиши мумкин» деган тушунтиришини эътиборсиз қолдирадилар.

Маълумки, руҳий ёки жисмоний камчиликлар мавжуд бўлганда айбланувчини албатта ҳимоячи билан таъминлаш зарур. Албатта,

¹ Г. П. Саркисянц. «Защитник в уголовном процессе» Ташкент. 1971 г. Ст. 13.

карлик, кўрлик, соқовлик каби камчиликлар бу тўғрида мунозарага сабаб бўлмайди. Лекин шу билан бирга айбланувчи-ларда яққол кўзга ташланмайдиган, яширин характердаги жисмоний ва руҳий камчиликлар бўлиши мумкинлиги, башарти айбланувчининг ота-онаси ёки қариндошлари бу ҳақида мурожаат қилган тақдирда, тегишлича суд-тиббий ёки суд-психиатрик экспертизаси ўтказилиши лозим. Бу экспертиза натижалари мазкур масалани тўғри ҳал қилиш имконини яратади.

Айбланувчида жисмоний ва руҳий камчиликлар борлиги унга айб эълон қилинган ва муайян ҳаракатлари ўтказилгандан сўнг аниқланган ҳолатда қандай йўл тутиш лозим?

Фикримизча, терговчи дарҳол ҳимоячини жалб қилиб, сўроқ қилиш ва ҳимоячи ҳамда айбланувчи илтимоси қилган тергов ҳаракатларини ўтказиш лозим.

«Қуйида кўтарилган масала ҳам муҳим: агар ишда давлат айбловчиси эмас, балки жамоат айбловчиси қатнашаётган бўлса, суд ишни ҳимоячини жалб қилмаган ҳолда кўриши мумкинми?

Бу саволга жавоб қонуннинг мазмунидан келиб чиқади, яъни қонун буни рад этади. Зеро, жамоа айбловчиси ҳам тўла маънода айблов функциясини бажаради ва бундай ҳолатда ҳимоячи йўқлиги айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатган бўлар эди»¹.

Кассация инстанциясида ҳимоячининг иштироки судланувчилар вояга етмаган ёки соқов, кўр, кар ёхуд бошқа жисмоний ёки руҳий нуқсонли туфайли ҳимоя ҳуқуқини амалга ошира олмайдиган ҳолларда шартдир.

Фикримизча, ушбу рўйхатга прокурор томонидан оқлов ҳукмига ёки жазо енгиллаштиришга нисбатан шикоят келтирилган ишларни ҳам кўриш зарур. Бу кассация инстанцияси судида ишни ҳолисона мазмунан ҳал қилиш учун ёрдам беради.

Назорат инстанциясига ҳам адвокат қатнашиши ижобий ҳал қилинган ҳолда, жисмоний ва руҳий нуқсонли бор шахслар, вояга етмаганларнинг ишларни ҳамда оқлов ҳукмига ёки жазо енгиллигига нисбатан назорат протести келтирилган ишлар бўйича мавжуд бўлган тақдирда, ЎзР ЖПК да ҳимоячининг иштироки шартлиги тўғрисида норма киритиш одил судлов тамойилларига мувофиқ бўлар эди.

Жиноят судлов ишларини юритишда ҳимоячи иштироки шартлиги ҳолатлари доирасини кенгайтирилиши айбланувчининг ҳимояга

¹ Г. П. Саркисянц. «Защитник в уголовном процессе» Ташкент. «Ўзбекистон» 1971 г. Ст. 15

бўлган ҳуқуқини амалда таъминланишининг қўшимча кафолати бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, маълумки, давлат ҳисобидан адвокат таклиф қилиш фақат жиноят ишларида ЎзР ЖПКнинг 50-моддасида кўрсатилган асосларга биноан¹ адвокатнинг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларда у кўрсатган юридик ёрдами учун давлат томонидан ҳақ тўланишини аниқлатади.

Шунингдек, адвокатни, ҳимоячини таклиф этиш, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан амалга оширилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир. Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакили ҳимоячини ўзи танлаши ва таклиф этиши мумкин. Гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи унинг илтимоси билан бошқа ҳар қандай шахс таклиф этган ҳимоячининг ишда қатнашишига розилик бермаслиги ҳам мумкин. Кимнинг ҳимоячи сифатида ишда иштирок этиши ҳимояга муҳтож шахснинг хоҳишига боғлиқ. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан танланган ҳимоячи 24 соат ичида ишда иштирок этишга имконияти бўлмаса ва шу вақт давомида ҳозир бўлмаса, бошқа ҳимоячи таклиф этилиши зарур. Бу ҳақда гумонланувчи, айбланувчи, судланувчи истаган адвокатлар ҳайъатига, фирмасига ёки бюросига

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент, “Адолат”, 1999 йил.

мурожаат этиши мумкин. Агар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи адвокат таклиф этиш учун маблағи етарли ёки иқтисодий ночор бўлса, уни адвокат учун меҳнат ҳақи тўлашдан тўла ёки қисман озод қилиш мумкин. Бу ҳақда суриштирувчи, терговчи, прокурор асослантирилган қарор, суд эса ажрим чиқаради. Бундай ҳолларда адвокат давлат томонидан тайинланган ҳисобланиб, унга давлат бюджетидан ҳақ тўланади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан танланган ҳимоячининг ўрнига ишда бошқа адвокат иштирок этиши, ҳимоячини асоссиз четлатиш, процессуал нормаларни жиддий бузилиши деб ҳисобланади. Айниқса, дастлабки терговда иштирок этган ҳимоячини, судланувчи рози бўлмаса, бошқа адвокат билан алмаштиришга йўл қўйилмайди. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи процессуал ҳаракатларни ўтказиш чоғида ҳимоячининг ҳозир бўлмагани муносабати билан ҳимоячидан воз кечиши ҳақида оғзаки ёки ёзма тарзда олинган тилхат инобатга олиниши мумкин эмас. Ҳимоячидан бундай ҳолатда воз кечиш бошқа адвокатнинг ҳузурида, уни ишда иштирок этишига реал имконият борлигида билдирилсагина, қонуний кучга эга. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги “Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорида тушунтириш берилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини жиноят ишлари бўйича суриштирув, дастлабки тергов ва судда ҳимоя қилиш учун шахс адвокат билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида шартнома тузгандан кейин, у истаган вақтда мустақил равишда ҳимоячидан воз кечиш ёки бошқа ҳимоячиларни олиш ҳуқуқига эга, лекин ўзганинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун адвокат билан шартнома тузган шахслар бундай ҳуқуқга эга эмас. Сабаби, бундай шахслар ўзининг яқин қариндоши, дўсти ёки танишини ҳимоя қилиш учун адвокат билан шартнома тузганлиги ўз-ўзидан, ҳимоячи бевосита жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади ва шу боис, ҳимоячидан воз кечиш, алмаштириш ёки яна бошқа ҳимоячиларни ишга жалб қилиш фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилиши лозим.

Бундан ташқари, ЎЗР ЖПКнинг 80-моддасида ҳимоячининг ўз-ўзини рад этиш ва “Адвокатура тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасида юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилмаслик

асослари кўрсатилган бўлиб, бошқа сабабларга кўра ҳимоячининг ўзига юкланган ёки юкланмоқчи бўлган топшириқдан воз кечишига йўл қўйилмайди.

«Адвокат ўз профессионал фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокат қасамёдига риоя этиши, ўзига юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларида фойдаланиши шарт.

Адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки аввал юридик ёрдам кўрсатган шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, мутахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган ҳолларда, шунингдек ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлмиш мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлса ва бу ҳол унга ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимояси остидаги шахснинг) манфаатларига зид келса, юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Адвокат қайси шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш топшириғини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга, агар уни бундан ишонч билдирувчи шахснинг (ҳимояси остидаги шахснинг) ўзи озод этмаса, ҳақли эмас.

Адвокат доимий равишда ўз билимларини такомиллаштириб бориши, Адвокатлар палатаси томонидан белгиланган тартибда уч йилда камида бир марта касбий малакасини ошириши шарт.

Жиноят ишини кўриб чиқишда иштирок этишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 51-модданинг учинчи қисмига мувофиқ, «Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига кўра ёхуд уларнинг розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан

белгиланадиган адвокатлик тузилмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ҳимоячи тайинлаш тўғрисидаги қарори ёки суднинг ажримига биноан қарор ёки ажрим Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармасига келиб тушган пайтдан эътиборан тўрт соатдан кечиктирмай жиноят иши бўйича ҳимоячининг иштирокини таъминлаши шарт».

Айбланувчини ҳимоя билан таъминлаш ҳуқуқи Конституциявий тамойил бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида мустаҳкамланган. Айбланувчига ўзининг конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш учун қатор процессуал ҳуқуқлар берилган (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддаси). Бу ҳуқуқлардан фойдаланиб, гумон қилинувчи ёки айбланувчи унга эълон қилинган айбни тўлиқ ёки қисман рад этиш учун ўзининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда маълум процессуал ҳаракатлар ва муносабатлар ҳимоя функциясининг таркибий қисмини ташкил этади. Жиноят процессида айбланувчига ҳуқуқий ёрдам бериш бунинг учун бошқа шахсларнинг жалб қилинганлигидан қатъи назар амал қилади. Иккинчидан, махсус жалб қилинган шахслар, яъни ҳимоячилар томонидан амалга ошириладиган ҳимоя. Учинчидан, дастлабки тергов, суриштирув, прокуратура, суд томонидан амалга ошириладиган ҳимоя. Ҳимоя функцияси - айбланувчини оқловчи, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки истисно қилувчи ҳолатларни аниқлашга, шунингдек унинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган процессуал фаолиятдир.

ЎЗР ЖПК 23-моддасида ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунга қадар айбсиз ҳисобланиши таъкидланган.

Республикамызда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли «Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги» ги қарори ҳам муҳим ўрин тутаети. Мазкур қарорда ҳимоя ҳуқуқи тўғрисида қуйида билдирилган фикр диққатга сазовор: «гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш конституциявий қоида ҳисобланади ва жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичларида унга қатъий риоя қилиниши керак. Шунинг учун уларнинг процессуал ҳуқуқларига оғишмай риоя этиш, иш ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва

холисона ўрганиш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини айбловчи ва оқловчи, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, иш бўйича мавжуд бўлган тахминларни синчиклаб текшириш, далиллар тақдим этиш ва уларни келтиришда процесс иштирокчиларининг тенг ҳуқуқларини таъминлаш зарур».

ЎЗР ЖПК 23-моддаси 2-қисмида кўрсатилишича, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008 й.

2. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатлари - олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маъросимда қилган маърузаси. // Халқ сўзи. 2005 йил 10 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.-Т.:Ўзбекистон, 2001-384 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001.

5.Ўзбекистон Республикаси "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997. Ўзбекистон янги қонунлари. 15 сон, Адолат, 1998.

6. Кучерена А.Г. Адвокатура. Учебник. -М.: Юристь, 2005.

7. Бардевский М.Ю. Организация и деятельность адвокатуры в России: Научно - практическое пособие. - М.: Юристь, 1997.

8. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари // М.Х. Рустамбоев, Е.Н. Никифорова ва б.; З.Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи, 2005.

9.Саломов Б. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки. -Т.: Адолат, 2007.

10. Саломов Б. Ўзбекистон Республикасида адвокатлик фаолияти. 1-2 жилд, -Т.: 2007.

11.Г.Тўлаганова. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. - Т.: 2007.

12. Саломов Б. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг суд томонидан қўлланишида адвокатнинг иштироки. -Т.: Ўзб. Рес. Фанлар академияси, "Фан" нашриёти, 2008.

2-МАВЗУ

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИДА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

1. Гумон қилинувчининг ушланган пайтидан бошлаб адвокатнинг иштироки.

2. Шахсга айб эълон қилинган вақтдан ёки унинг гумон қилинувчи деб эътироф этилган пайтдан бошлаб адвокатнинг иштирок этиши.

3. Айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек унинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида адвокатнинг иштироки.

4. Дастлабки терговни тўхтатиб туриш даврида адвокат иштироки.

5. Дастлабки тергов тамомланганда адвокатнинг иштироки.

6. Адвокатнинг иш материаллари, илтимоснома аризаси билан танишиши.

7. Адвокатнинг суриштирувчи, терговчи ва прокурор ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг ЖПК кодекси 49-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, «Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушлаб турилганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи ҳақиқий чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади»;

Жиноят процессининг вазифаларига фақат жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларни топиш, фош этиш, қонунларни тўғри қўллашни таъминлашгина кирмай, балки жиноят содир қилган ҳар бир шахсни адолатли жазолаш ва ҳеч бир айби бўлмаган шахсни жавобгарликка тортмаслик ва асоссиз суд қилмаслик киради. (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 2-моддаси). Жиноят процессининг бу вазифасидан келиб чиқиб, жиноят процессуал фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири жиноят содир этишда жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Жумладан, жиноят процессуал қонунчилигига биноан суд, суриштирувчи, терговчи, прокуратура органларининг барча ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ҳолисона текширишлари, айбланувчининг айбини кўрсатувчи ва оқловчи, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи, истисно қилувчи барча ҳолатларини

текширишлари, «айбланувчига қонунда белгиланган ҳуқуқий усул, воситалар ёрдамида ўзини ҳимоя қилиш учун имконият беришлари, унинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларини муҳофаза қилинишини таъминлаши кўрсатилган» (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 24-моддаси).

Бундан ташқари, прокурор айбланувчининг ҳуқуқларини қонунга ҳилоф бўлган ҳар қандай чекловларни бартараф этиши лозим: масалан, «Агар дастлабки тергов органи чиқарган қарори айбланувчининг ҳуқуқлари ёки қонунӣ манфаатларини чекласа, уларнинг қарорларини бекор қилади, иш юзасидан тергов олиб бориш жараёнида қонунни бузса, уни тергов олиб боришдан четлатади, судда айбловни қўллаб-қувватлашдан воз кечиши ва унинг Маҳкум ҳолатини яхшилаш зарур бўлганда ёки айблов ҳукми асослантирилмаган, деган ҳулосага келганда протест келтиради».

Дастлабки тергов ва прокуратура органлари юқорида қайд этилган ҳаракатларни бажариш орқали айбланувчининг ҳимояга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширилишини таъминлайдилар.

Айбланувчининг ҳимоя билан таъминланиш ҳуқуқи айбсизлик презумпцияси билан боғлиқ бўлиб, айбланувчининг айбсиз эканлигига асосланади, «ҳимояга бўлган ҳуқуқ фақат айбловни рад этишдан иборат бўлмай, жиноий ҳаракатни тўғри таснифлашда, енгил жазо тайинлашни асослашда айбланувчи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал қилишда аҳамиятга эгадир».

Ҳимоянинг процессуал аҳамияти эса шунда номоён бўладики, у аввало айбланувчининг ҳуқуқ ва қонунӣ манфаатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Шунингдек, жиноят судлов вазифаларини бажаришда ёрдам беради, ҳимоя институтининг мақсади - иш бўйича ҳақиқатни аниқлашнинг кафолатларидан бири сифатида хизмат қилишдир.

Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб туришнинг ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асосларидан биттаси мавжудлигини бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг сўзларидан аниқласа, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланганлигини билдиришлари ва ундан яқин орадаги милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга бирга боришини талаб қилиши шарт, шу билан бирга ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёки

хабар бериш, ҳимоячига эга бўлиш, кўрсатувлар беришдан бош тортишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига таълуқли далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириши шарт. Бунда ушлаётган шахс ўзини таништириши ва ушланаётган шахснинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши шарт. Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга ва олиб қўйиш ўтказишга ҳақлидир. Шахсий тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш тўғрисидаги баённома ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг холислар ҳузурида тузилиши мумкин. Ваколатли шахслар ва фуқаролар қонунга ҳилоф ёки асоссиз ушлаб турганлик ёхуд ушлаш вақтида ваколатлари доирасидан четга чиққанлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс бевосита кўриб ёки бошқа шохидларнинг тушунтирувлари бўйича ушбу Кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган ушлаб туриш асосларидан бири мавжудлигини аниқласалар, даставвал ушланаётган шахс ўзгаларга ҳамда ўзига нисбатан хавфли ҳаракатлар содир этмаслиги учун уни қуролсизлантириши ва ҳаракатланишини чеклаш чораларини кўришлари лозим. Қуролсизлантирилган ва ҳаракатланиши чекланган шахсга ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ўзларини таништиришлари, ушланганнинг талабига кўра шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишлари, унга қандай жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланганлигини билдириб, яқин орадаги милиция ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига бирга боришни талаб қилишлари лозим.

Шу билан бирга ушлаб туришни амалга оширган ички ишлар органи ходими, бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахсга қуйидаги процессуал ҳуқуқларини тушунтириб бериши шарт:

- а) адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғирок қилиш ёки хабар бериш;
- б) ҳимоячига эга бўлиш;
- в) кўрсатувлар беришни рад этиш.

Шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини билдириш лозим. Ушланаётган шахсда қурол борлиги ёки у жиноят

содир этганлигини фош қилувчи далиллардан қутулиш ниятида эканлигини тахмин қилишга етарли асослар мавжуд бўлса, ушлаётган ваколатли шахс уни шахсий тинтув қилишга, унинг ёнидан топилган нарсаларни олиб қўйишга ва бу ҳақда ушланган шахс милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг холислар ҳузурида баённома тузишга ҳақлидир. Шахс жиноят содир этилган жойда далилий ашёлар билан қўлга тушган ҳолларда, уни ушлаб туриш тўғрисида дарҳол баённома тузилиши ҳамда ушбу баённомада ушланган шахсдан далилий ашёлар қандай ҳолатда олинганлиги акс эттирилиши лозим. Бундай имконият бўлмаган ҳолларда шахс зудлик билан милиция ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига олиб борилиб, ўша ерда тегишли баённома тузилади. Милиция ходими, бошқа ваколатли шахс ёки фуқаро шахсни қонунга хилоф ёки ЖПКнинг 221-моддасида кўрсатилган асосларсиз ушлаб турганлиги ёхуд ушлаб туриш вақтида улар ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек, ушлаш шароитига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати тақозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказган ҳолларда қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳимоячининг айбланувчига айб эълон қилиш ва сўроқ қилишдаги иштироки.

Амалдаги қонунчилик дастлабки терговда вояга етмаганлар, соқов, қар, кўр ва бошқа руҳий ва жисмоний камчиликларга кўра ўз ҳимоя ҳуқуқини амалга ошира олмайдиган шахслар ҳамда судлов ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларга нисбатан айб эълон қилиш чоғида ҳимоячининг иштирок этиши мажбурийлигини назарда тутган. Бу борада амалиётдан қуйидаги мисолни келтириш мумкин. Бувайда туман ИИБ терговчиси, милиция майори Мадаминов Л. ўғирлик жиноятини содир этган, вояга етмаган Абжалов С. га нисбатан айблов эълон қилиши чоғида, ҳимоячи айбланувчининг қонуний вакиллари томонидан қақрилмаганлигига қарамай, жиноят процессуал кодексининг 21, 550, 552-моддаларига амал қилган ҳолда, (ҳимоячини) ўз ташаббуси билан ҳимоячини ишда иштирок этишини таъминлаган.¹

Ҳимоячи ишда қатнашишига айб эълон қилиш ёки гумон қилинувчи деб эътироф этиш ёхуд ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилган пайтдан бошлаб қўйилиши мумкин.

¹ Бувайда туман суди архивидан. 2000 й.

Баъзида амалиётда терговчилар айб эълон қилиш чоғида ҳимоячини ишга таклиф қилиб, шу билан бирга уни ишнинг барча материаллари билан таништириш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар.

Юридик адабиётларда ва амалиётда амалдаги қонунчиликнинг ҳимоячи ишда иштирок этишга қўйилгандан сўнг унинг иш материаллари билан танишиши ва кўчирмалар олиш ҳуқуқига оид баъзи бир-бирига зид қоидалар хусусида мунозара мавжуд. Бу ҳуқуқнинг айбланувчига дастлабки тергов тамом бўлганлиги ва ишнинг барча материаллари билан танишиши учун тақдим этилган ҳолларда тўла амалга оширилиши мунозара келтириб чиқармайди, албатта. Шу билан бирга айбланувчининг дастлабки тергов тугагунга қадар иш материаллари билан таништириш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонунда кўрсатилган ҳолат амалда таъминланмаган бўлиб қолади. Чунки ҳимоячи айбланувчи билан учрашувда ўзига иш материаллари билан танишишида маълум бўлган маълумотларни билдириш имкониятига эга. Бунинг устига у айбланувчи билан баъзи ҳолатларни аниқлаштириб олиш заруриятини назарда тутсак, бу табиий ҳол ҳисобланади.¹

Юқоридагиларнинг барчаси шу хулосага олиб келадики, қонунда бу борада айбланувчининг ҳуқуқлари билан тенглаштирилган бўлиши зарур. Бинобарин, тергов органи ҳақиқатдан ҳам асос бўладиган етарли объектив далиллар тўплаган бўлса, айбланувчини иш материаллари билан таништиришдан чўчимаслик лозим.

Бу терговчига яна бир бор иш бўйича терговни тўла, ҳар томонлама, объектив ўтказиш ва айб эълон қилиш пайтида бунинг учун тўла асосга эга бўлиш мажбуриятини юклайди, маъсулиятини оширади.

Ҳимоячининг вазифаси эса дастлабки тергов давомида айбланувчининг процессуал ҳуқуқларини ҳар қандай чеклашлардан фаол қўриқлашдир.

Ишда иштирок этишга айб эълон қилиш пайтидан киришган ҳимоячи аввало терговчининг айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарори билан танишиб чиқиши лозим. Бу ерда у бутун диққатини айблов учун асос бор ёки йўқлигига қаратиши лозим. Аммо баъзи бир ҳимоячилар айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор билан юзаки танишадилар ва фақат терговчининг хулосасига асосланиб қоладилар. Шу билан бирга, бунда ҳақиқатан ҳам жиноят кодексида кўзда тутилган жиноят

¹ Г. П. Саркисянц. «Участие защитника в уголовном процессе» Ташкент. «Ўзбекистон» 1971 г. Ст. 39.

ходисаси юз берганми, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги айб мавжудми ёки йўқми, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар борми, жиноят содир этиш вақти, жойи, усули ва бошқа ҳолатлари, етказилган зарар тўғри аниқланганми, квалификация тўғрими ва ҳоказоларни аниқлаш муҳим ааҳмиятга эга. Айниқса, айбланувчи бир неча жиноятни содир этишда айбланаётган, ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноятлар юзасидан қарор билан синчковлик билан танишиб чиқиши зарур. Бунда айбланувчига қўйилаётган барча қилмишларни аниқ равшан санаб ўтилганлигига, гуруҳли ишда айбланувчининг конкрет ролига баҳо берилганлигига эътибор қилиш лозим. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир айблов қатъий индивидуаллаштирилган ва баён этилган бўлиши керак.

Баъзан ҳимоячилар тергов материалларида, тиббий хулосаларда айбланувчиларнинг ёши тўғрисида тахминий ёзилган маълумотларга ишониб қоладилар ва бу ҳолатни жиддий текширмайдилар. Оқибатда субъект ёшини белгилашда хатога йўл қўйиб, шахсни ноқонуний равишда жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учрайди. Кўпинча ҳимоячилар терговчининг айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортиш ҳақидаги қароридаги жиддий камчиликларга эътибор бермайдилар. Ваҳоланки, бундай камчиликларни бартараф қилиш ҳимоячининг асосий бурчидир. Шунингдек, ҳимоячи зарурат ҳолларда, жиноят ишини тўғри ва тўла таржима қилинганлигини кузатиш, зарур бўлса, бошқа малакали таржимон таклиф қилиш ҳақида илтимоснома киритиши лозим. Айб эълон қилиш чоғида баённомада терговчи, таржимон ва айбланувчиларнинг имзоси билан мустаҳкамланиши зарур. Бу имзоларнинг йўқлиги одил судловнинг асосий принципларидан бири бузилишига олиб келиб, қайтадан айб эълон қилиш ҳақида илтимоснома киритиш учун асос бўлади. Шунинг учун ҳам қонунда эълон қилинган айбнинг моҳияти тушунтирилганлиги айбланувчи ва терговчининг имзоси билан қарорда мустаҳкамланган бўлиши зарурлиги белгиланган.

Айбланувчи айб эълон қилиш ҳақидаги қарорни имзолашдан бош тортганда, терговчи бу ҳақда албатта, прокурорга хабар қилиши лозимдир. Фикримизча, айбланувчининг қарорни имзолашдан бош тортиши сабаби айбланувчининг манфаатлари нуктаи назаридан ҳам, дастлабки тергов устидан прокурор назорати нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлганлиги учун имзолашдан бош тортиш сабаблари баённомада тўла кўрсатиши зарур. Маълумки, бу ишда иштирок этаётган ҳимоячини ҳам қизиқтириши табиийки, у ҳам

бунда айбланувчининг ҳуқуқлари бузиш ҳолатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш лозим. Агар айбланувчининг ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари мавжуд бўлса, ҳимоячи бу ҳақда терговчига маълум қилиши, зарур бўлса, буни бартараф қилиш учун назорат қилувчи прокурорга мурожаат қилиш лозим. Баъзан ҳимоячилар вояга етмаган шахсларга айб эълон қилиш пайтида қатнашганда, уларнинг ёшини, ўзига хос хусусиятини, руҳиятини назарга олмайдилар.

Биринчи марта жиноят содир қилишда айбланаётган айбланувчилар, айниқса вояга етмаганлар ўзлари учун нотаниш бўлган ҳолатда ўзларини йўқотишлари, адашишлари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаса ҳам айбловнинг барча бандларига рози бўлишлари мумкин.

Бундай ҳолатни олдини олиш учун айбланувчининг эълон қилинган айбловга нисбатан муносабатини аниқлаш, зарур факт ва ҳолатларни конкретлаштириш, эълон қилинган айбловнинг мазмунини тушунтириш, унинг шахсига оид маълумотларни аниқлаш мақсадида айбланувчининг ҳимоячи билан яккама-якка учрашувини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Айб эълон қилингандан сўнг терговчи унга айбланувчи тариқасидаги ҳуқуқларини тушунтириш ва бу ҳақда дастлабки сўроқ баённомасида қайд қилиши зарур.

Баъзи вақтларда бу ҳолат баённома, аниқроғи алоҳида баённома жиноят процессуал кодексининг тегишли моддаларига ҳавола қилинган ҳолда баён қилиниши лозим деб ҳисоблайдилар. Фикримизча бу нотўғри, чунки бу ҳолатни сўроқ баённомасида қайд этилишининг ўзи кифоя, алоҳида баённома тузиш ортиқча қоғозбозликни келтириб чиқаради.

Ишда иштирок этаётган ҳимоячи қонуннинг сўроқ кунинг кундуз вақтида ўтказилиши ҳақидаги талаби бажарилишига алоҳида эътибор қилиш зарур. Чунки, айбланувчиларни айниқса вояга етмаганларни заруриятсиз тунда сўроқ қилиш, терговчи томонидан турли суистеъмолликларга олиб келиши мумкин.

Агар айбланувчининг касалланганлиги аниқланса, ҳимоячи аввало бу сўроқ қилишга тўсқинлик қиладими-йўқми, билиши зарур. Бунинг учун у терговчи олдида тиббиёт ходимини чақириш масаласини қўйиши, зарур бўлса сўроқ пайтида шифокор иштирокини талаб қилиш лозим. Айбланувчи ўзи жавобгарликка тортилаётган иш бўйича ҳам, ўзи жавобгар бўлмаётган бошқа ишлар бўйича ҳам сўроқ қилиниши мумкин. Биринчи ҳолда унинг кўрсатуви айбланувчининг

кўрсатуви сифатида, иккинчисида эса гувоҳнинг кўрсатуви сифатида баҳоланади.

Амалиётда айбланувчининг кўрсатуви эркин сўзлаб бериш тариқасида олинади. Айбланувчи ўз кўрсатувларини турли хил схемалар, чизмалар ёрдамида тушунтирмоқчи бўлса, бунга тўсқинлик қилмаслик зарур. Ишда қатнашаётган ҳимоячи айбланувчининг кўрсатувини ҳам исботлаш воситаси, ҳам ҳимоя воситаси сифатида ҳисобга олиши зарур. Ҳимоячи айбланувчининг кўрсатувларини, шу жумладан унинг айбини тан олиш ҳақидаги кўрсатувларини ҳам синчковлик билан таҳлил қилиши зарур. Чунки, жиноят содир этиш мотивлари ўта муҳим аҳамиятга эгаки, буларни ўрганиши билан ҳимоячи ғараз ният ёки бошқа оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини аниқлаши мумкин бўлади.

Айбланувчининг айбини тўла тан олиш фактига дуч келиб, жиноятни содир этиш ҳолатлари, сабаблари, мотивларини аниқлашга ҳаракат қилмаган, пассив муносабатда бўлган ҳимоячилар мутлақо ноҳақдирлар. Чунки жуда кўп ишлар, масалан, одам ўлдириши билан боғлиқ жиноятлар жиноят қасддан содир этилганми ёки эҳтиётсизликданми зарурий ҳолат ёки охириги зарурат ҳолатида содир этилганми ва бошқа шу каби ҳолатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Айбланувчининг барча кўрсатувлари, айниқса, айбни тан олиш ҳақидаги кўрсатувларига танқидий ёндашиш ва бошқа далиллар билан солиштириб кўриш йўли билан ўрганиш зарур. Чунки айбланувчи турли шахсий характердаги ёки бошқа сабабларга кўра аслида содир этилган қилмишини тан олиши мумкин бўлиб, бу ҳолатга шубҳасиз туғилганда ҳимоячи айниқса фаолроқ ҳаракат қилиб, асоссиз жавобгарликка тортилишини олдини олиши зарур.

Айбланувчи кўрсатувларидаги зиддиятлар ва ўзгаришлар ҳам ҳимоячи назаридан четда қолмаслиги зарур. Ҳимоячи бу зиддиятлар ва ўзгаришлар сабабини аниқлаши ва айбланувчига фақат тўғри кўрсатув беришгина ишни адолатли ҳал қилишига олиб келишига ишонтириши лозим. Буни тахминлар асосида эмас, балки айбланувчининг кўрсатувларини ишнинг бошқа материаллари билан солиштириб, чуқур таҳлил қилиш йўли билан амалга ошириш зарур. Ҳимоячи айбланувчининг бошқа шахсларни жиноятда иштироки ёки жиноят бутунлай бошқа шахс томонидан содир этилганлиги тўғрисидаги сўзларини ҳам ҳимояни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки бу ҳимоя воситаларини тўғри танлашда муҳим аҳамиятга эга. Гуруҳ томонидан содир этилган

жиноятлар бўйича ҳар бир иштирокчининг ўрни ва ролини аниқлаш мақсадида айбланувчининг кўрсатувларини конкретлаштириш ҳимоячидан алоҳида эътиборни талаб қилади. Шунини айтиш керакки, кўпинча айбланувчилар сўроқда кўрсатув беришдан асоссиз равишда бош тортадилар. Бу ҳолда ҳимоячи бош тортиш сабабини аниқлаши ва айбланувчига унинг кўрсатувлари ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга эканлигини тушунтириши лозим.

Ҳимоячи айбланувчини сўроқ қилишда иштирок этиб, терговчининг рухсати билан иш ҳолатлари, айбланувчининг шахсига оид саволлар бериши мумкин. Бу саволлар аниқ, равшан ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши лозим.

Қонунга мувофиқ терговчи ҳимоячининг айбланувчига берган у ёки бу саволини рад этиши мумкин. Бу ҳолда ҳимоячи ушбу ҳолатни сўроқ баённомасида албатта акс эттирилишини талаб қилиши лозим, бу кейинчалик терговчининг асоссиз ҳаракати устидан шикоят қилиш имконини беради. Ҳимоячи терговчи томонидан сўроқ ўтказиш чоғида, айниқса вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда қонуннинг бу тергов ҳаракатига оид талаблари қатъий бажарилишига эътибор бериши лозим. Айбланувчини сўроқ қилишда бирон бир ғайриқонуний чора қўллаш, таҳдид қилиш, ёлғон ваъдалар бериш ва бошқа шу кабиларга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай фактларга ҳимоячи ўзининг қатъий норозилигини билдириши, зарур ҳолларда эса бундай терговчини рад этиши ва жавобгарликка тортиш масаласини қўйиши керак.

Айбланувчига нисбатан ғайриқонуний чоралар қўлланилиши сўроқ баённомасининг далилий аҳамиятини йўқотишига олиб келади.

Ҳимоячининг ўзи ҳам айбланувчини ҳимоя қилишда фақат қонуний усул ва воситалардан фойдаланиши лозим.

Шуниси ачинарлики, баъзи бир ҳимоячилар вояга етмаган айбланувчига малакали юридик ёрдам кўрсатиш ўрнига ўз вазифаларини расмий тергов ҳужжатларига шунчаки имзо чекиш билан бажарилган, деб ҳисоблайдилар.

Шу билан бирга ҳимоячининг ишга сидқидилдан ёндашиши, айбланувчини сўроқ қилишда фаол қатнашиши ва керакли далилларни тақдим этиш амалиётида шахсни оқланиши ёки айбини енгиллаштирган ҳолатларга доир мисоллар келтириш мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси ЖК 104-моддаси билан айбланаётган фуқаро Усмонов И. нинг ишини Бувайда туман суди кўриб чиқиб, ҳимоячи келтирган ишончли далиллар ва у исботлаган ҳолатларга асосланиб, қилмишини яъни қасддан баданга оғир шикаст етказиш

зарурий муҳофаа ҳолатида содир этилган деган хулосага келган ва ишни қайтадан тергов қилиш учун қўшимча тергов юритиш учун юборган»¹.

Агар ақлий ривожланиши жиҳатдан қолоқ деб топилган бўлсалар, 16 ёшдан ўтган вояга етмаганларни сўроқ қилишда ҳам педагог иштирок этиши мумкин.

Ўсмирларни сўроқ қилишда педагогнинг, ўсмирлар руҳияти бўйича мутахассиснинг қатнашиши, улар ҳаракатининг асл мотивини аниқлашда уларнинг тергов билан боғлиқ ҳолатларда реакциясига баҳо беришида муҳим аҳамиятга эга. Бу улардан иш юзасидан тўғри кўрсатув олишни таъминлайди.

Вояга етмаганларнинг ҳимояси манфаатларида болалар психологияси бўйича мутахассиснинг қатнашиши назарий жиҳатдан деярли ўрганилмаган. Шунинг учун юристлар, руҳшунослар билан биргаликда педагог, психиатрларни суд ва терговда қатнашиши услубиятини ишлаб чиқсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айбланувчини сўроқ қилиш муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланиши сўроқ баённомасида қайд этилади. Демак, ҳимоячи мазкур ҳужжатга ҳам алоҳида эътибор бериши лозим. Бироқ, баъзи бир ҳимоячилар буни ортиқча деб ҳисоблайдилар. Амалиётда эса бунда арзимаган бўлиб кўринган деталлар ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринади. Масалан, сўроқ баённомасида айбланувчининг ёшини нотўғри кўрсатилиши муайян ёшга етмаган шахснинг жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қонун талабини бузилишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ҳимоячи баённомада баъзи бир терговчилар томонидан атайлаб саволларни, уларга берилган жавобгарликни бузиб кўрсатиш ҳолларининг олдини олиш, агар бундай ҳолатлар юз берган бўлса, баённомага тегишли қўшимчалар, тузатишлар изоҳлар киритилишини талаб қилиши зарур. Баённома техник ёзув воситалари ёрдамида ёзилган бўлиши унга аудио ёки видео тасвир ёзуви илова қилинган бўлиши мумкин.

Техник воситалари, жумладан, аудио ёзувини қўллаш уларни сохталаштириш, бузиш айбланувчига руҳий таъсир кўрсатиш имкониятларига йўл қўймайдиган, қатъий процессуал кафолатларини талаб қилади.

Юқоридаги ва бошқа техник воситаларнинг қўлланилиши улардан фойдаланиш тартиби ва шартлари олинган натижалар қўлланган воситалар баённомада қайд қилинган ва бу воситалар қўлланилиши

¹ Бувайда туман суди архивдан. 2001 й.

ҳақида тергов иштирокчиларига билдирилганлиги ёзилган бўлиши лозим. Бундан ташқари, ҳимоячи тергов ҳаракати ёзилган тасмалар айбланувчига қайта эшиттирилган, намойиш этилгандан сўнг келгусида таъмагирлик қилиш ёки бошқа усул билан сохталаштирилишини олдини олиш мақсадида тасмалар ўралиб, муҳрланган ва тегишли имзолар билан мустаҳкамланганлигига эътибор бериши керак.

Таржимонлар орқали ўтказилган сўроқ баённомасига ҳимоячи алоҳида эътибор бериши зарур. Бунда оғзаки таржима айбланувчининг кўрсатувларига тўла мос келиши керак. Ҳимоячи шуни эсдан чиқармаслиги керакки, бу ҳолатда айбланувчи ўз имзоси билан баённома тўғрилигини эмас, балки фақат оғзаки таржиманинг тўғрилигини тасдиқлайди, холос.

Агар вояга етмаган айбланувчининг сўроқ қилишда педагог иштирок этаётган бўлса, у сўроқ баённомаси билан танишиши ва унда ёзилган ёзувларни тўлалиги ва тўғрилиги ҳақида ёзма изох билдириши мумкин. Бунда сўроқ бошланишидан олдин терговчи педагогга унинг ҳуқуқларини тушунтириши ва бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритиши лозим. Буларнинг барчаси вояга етмаган айбланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Агар айбланувчи ўз кўрсатувларини ўз қўли билан ёзиб бериш истагини билдирса, ҳимоячи буни маъқуллаши лозим. Амалдаги қонунчилигимизда айбловни ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мумкинлиги тўғрисида норма мавжуд. Бироқ, баъзи терговчилар эълон қилинган айбловнинг бир қисмини бекор қиладиган ёки жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланганда ҳам, бу фактларни ишга қўшиш билан айбловни ўзгартиришга ҳаракат қилмайдилар. Бунда улар ёки буни қилишни хоҳламайдилар ёки ишни кўришда айблов ҳукмини суднинг тегишли енгиллаштирувчи томонидан ўзгартиради, деган мулоҳазага борадилар. Шунинг учун ҳимоячи юқоридаги енгиллаштирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда айбловни ўзгартириши ёки бир қисмини чиқариб ташлаш ҳақида терговчи илтимоснома киритиши, тегишли ўзгартириш киритилишига эришиш зарур.

Баъзи ҳимоячилар назорат қилувчи прокурор юқоридаги айбланувчининг аҳволини енгиллаштирадиган ёки айбловнинг бир қисмини чиқариб ташланганлигига етарли эътибор бермайдилар. Шу билан бирга янги қарорни прокурор томонидан бекор қилиниши аввалги айблов ҳукмини механик тарзда қайта тикланганлигини англатмайди. Бунда олдинги айблов ҳукми айбланувчига қайтадан эълон қилиниши лозим.

Шундай қилиб, айб эълон қилиш ва айбланувчини сўроқ қилишда ҳимоячи иштирокининг баъзи томонларини таҳлил қилинди. Мазкур тергов ҳаракатларида ҳимоячининг фаол ва сидқидилдан иштирок этиши жиноят процессининг кўриб ўтилган босқичида айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳимоячининг гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилиш, юзлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатларидаги иштироки.

Дастлабки тергов босқичида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар мажмуасида гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш муҳим ўрин тутди. Улар кўрсатувларининг аҳамиятини таъкидлаб ўтишининг зарурати йўқ. Гувоҳ тариқасида иш бўйича бирон бир ҳолатни билган ёки айбланувчини шахсини тавсифлашга оид маълумотларга эга бўлган ҳар қандай шахс чақирилиши мумкин. Агар ҳимоячининг бирон бир шахс айбланувчини оқловчи ёки жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга эканлиги маълум бўлиб қолса, у мазкур шахсни гувоҳ тариқасида чақирилиши хусусида илтимоснома киритиши лозим. Агар гувоҳнинг кўрсатувидан яна бирон бир шахсни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, ишга янги ҳужжатлар қўшиш, нарсаларни кўздан кечириш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати борлиги аниқланиб қолса, ҳимоячи ҳимояланаётган шахснинг қонуний манфаатларидан келиб чиқиб, тегишли илтимоснома киритиши лозим. Шундай ҳолатлар бўладиги, ҳимоячи у ёки бу гувоҳни чақириб сўроқ қилиш ҳақида илтимоснома киритганда, терговчилар бу шахс айбланувчига яқинлиги, қариндошлиги ва бошқа шунга ўхшаш вазиятларни асос қилиб, бу илтимосномаларни рад этадилар. Бундай амалиёт қораланиши керак, чунки биргина қариндошлик ёки яқинлик муносабати мазкур гувоҳни кўрсатуви раъ этишга асос бўлмайдиган. Мазкур гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳам ишнинг бошқа материаллари каби синчковлик билан танқидий ўрганилиши ва баҳоланиши лозим.

Гувоҳ одатда дастлабки тергов ўтказиш жойида сўроқ қилинади. Лекин иш бўйича муайян жойда кўп гувоҳларни сўроқ қилиниши зарурияти туғилиб қолса, тергов узайиб кетишини олдини олиб, сўроқ кўпроқ гувоҳлар бор жойда ўтказилиши мумкин. Баъзи ҳолларда мазкур тергов ҳаракатларини жиноят содир этилган (ёки аниқланган) жойда ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Ишда иштирок этаётган ҳимоячи бу борада ўз фикрини билдириши мумкин. Унинг фикри тергов органлари учун мажбурий бўлмасада, бу ишнинг тўғри ҳал этилишида кўмаклашиши мумкин.

Баъзан тергов амалиётида сўроқ ўтказишнинг қонунда белгиланган тартиб ва усулларида қўпол чекинишлар ҳам учраб туради. Тергов ходимларининг бундай ноқонуний ҳаракатларига ҳимоячи ўз муносабатларини зудлик билан билдириши лозим.

Бошқа бир томондан, афсуски, айрим ҳимоячиларнинг гувоҳларни айбланувчи фойдасига ёлғон гувоҳлик беришига бевосита ёки билвосита ундаги каби номақбул ҳаракатлари фактлари учраб туради. Бундай ҳимоячилар тергов ва суд органини чалғитишга уринганликлари учун тегишли жавобгарликка тортилиши зарур. Гувоҳни сўроқ қилишда қатнашаётган ҳимоячи терговчининг руҳсати билан унга саволлар бериши мумкин. Бунда у гувоҳнинг айбланувчи ва жабрланувчи муносабати, гувоҳнинг кўрсатувларини тўғрилиги ва холисоналиги даражаси, ишнинг бошқа материалларга мувофиқ, уларда айбланувчи оқловчи ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд ёки йўқлигини аниқлайди.

Гувоҳни сўроқ қилиш тартиби бузилган тақдирда ҳимоячи асоссиз тарзда бунга ўз муносабатини билдириши, бундай ҳолатни бартараф қилишини талаб қилиш, агарда терговчи бундан манфаатдор бўлса, уни иш юритувидан четлатиш масаласини кўтариш зарур. Гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилишига ҳимоячи олдиндан пухта тайёрланиши, материалларини, айниқса сўроқ қилинаётган шахсга оид қисмини яхши ўрганиши, сўроқ қилиш режасини, бериладиган саволларни ва уларни бериш тартибини белгилаб олиши керак.

Сўроқ қилишда иштирок этаётган ҳимоячи гувоҳ ёки жабрланувчилар баён қилаётган маълумотларнинг манбаи билан қизиқиши ва агар бу маълумотларни гувоҳ ёки жабрланувчи бошқа шахслардан билганликлари аниқланса, адвокат бу каби дастлабки манба бўлиши, шахсларни сўроқ қилишини мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан бу ҳақда илтимоснома киритиш лозим.

Ҳимоячининг саволлари аниқ, равшан бўлиши, икки хил маънони англатмаслиги, йўналтирувчи бўлмаслиги, балки кўрсатувларни аниқлаштириш ва деталлаштиришга қаратилиши, уларни тўғрилигини текшириши ва барча зиддиятли ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бўлиши керак. Сўроқ қилиш сўроқ қилинувчи шахснинг руҳияти, унинг табиий ҳаяжонланишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши лозим.¹

Ҳимоячи, айниқса вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш масаласига алоҳида эътибор бериши, бунда вояга етмаганларнинг руҳияти

¹ Н. Жогин, В. Фатхулин «Предварительное следствие» Москва. 1965 й. Ст. 225.

хусусиятлари, бўлган воқеани тўла баён қилишга қийналишлари, хаёлпарастликка мойилликлари эътиборга олиниши зарур. Бу ерда ўсмир билан зарур алоқа ўрнатиш, уни очик гапиришга ундаш, айбланувчи такдири учун унинг тўла, тўғри кўрсатувларининг аҳамиятини тушунтириш муҳим аҳамиятга эга. Унга барча саволлар мақсадга мувофиқ тарзда тушунарли берилиши лозим.

Шунингдек, жисмоний ва руҳий камчиликларга эга шахсларнинг сўроқ қилишда қатнашиши ҳам ҳимоячидан тегишли тарзда ёндашишни талаб этади.

Гувоҳни сўроқ қилиш баённомасига қўйиладиган талаблар ҳам айбланувчини сўроқ қилиш баённомасига қўйиладиган талабларга ўхшаш бўлади. Шунинг учун, гувоҳ кўрсатувларини расмийлаштиришда ҳимоячининг функцияси албатта юқоридагига ўхшаш бўлади.

Агар ҳимоячи гувоҳнинг у иштирокида берган эркин сўзлаб бериш тарзидаги кўрсатувларининг ёзма баённомаси билан танишаётиб, оғзаки баён билан ёзма баённомада фарқ борлигини аниқласа, бу ҳақда тегишли қўшимча, ўзгартиш киритиш масаласини кўтариши зарур.

Жабрланувчини сўроқ қилиш масаласига келсак, бу ҳам қонунга биноан гувоҳни сўроқ қилиш тартиби каби ўтказилади. Лекин бу ерда ҳимоячи жабрланувчининг алоҳида ҳолатини, биринчи ўринда уларнинг манфаатдорлигини эътиборга олиши лозим. Чунки бу айбланувчининг манфаатига зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги айбланувчини, гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилиш билан бирга юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, олиб қўйиш, тинтув, кўздан кечириш ва гувоҳлантириш каби дастлабки терговдаги далилларни тўплаш ва текширишнинг усуллари кўзда тутган.

Юзлаштириш ўтказишда қонунда кўрсатилган ҳолатларда ҳимоячи иштирок этиши, терговчининг руҳсати билан саволлар бериши, юзлаштириш баённомаси тўғри ва тўла ёзилганлиги хусусида ёзма изоҳлар билдириши мумкин.

Ҳимоячи айбланувчи, гувоҳ жабрланувчи томонидан бирон бир шахс ёки предметни таниб олиш ҳаракатини ўтказишда қатнашиши мумкин.

Таниб олиш учун кўрсатиш ўтказганлигини ва унинг натижалари ҳақида батафсил баённома тузилиши лозим. Баённомада таниб олиш объектлари, уларнинг белгилари, таниб олиши учун кўрсатиш шароитлари, таниб олувчиларнинг жавоблари, илмий-техника воситаларини қўлланилиши ва бошқалар қайд этилиши лозим.

Таниб олиш ўтказишда ва таниб олиш учун кўрсатиш баён-номасини тузишда айбланувчининг манфаатларига зарар етказувчи ҳар қандай қонун бузилиши ҳолатларига ҳимоячи дарҳол ўз муносабатини билдириб, уларни бартараф этишга эришиши керак.

Тергов ҳаракатларида иштирок этиб иш материаллари билан танишар экан, ҳимоячи тинтув, олиб қўйиш каби тергов ҳаракатларига ҳам эътибор бериши зарур. Тўғри, ҳимоячи бу каби тергов ҳаракатларида камдан-кам қатнашади. Асосан у ҳимоя остидаги шахснинг илтимосига кўра ушбу тергов ҳаракатларида қатнашиш мумкин. Бошқа ҳолларда эса у бу тергов ҳаракатлари ҳақида иш материаллари билан танишишда ёки тергов жараёнида айбланувчининг хабаридан маълумотга эга бўлади.

Хусусан, мулкни хатлашда асоссиз равишда айбланувчига тегишли бўлмаган мулкни ёки турмушда зарурий буюмларни хатлаш ҳолатлари ҳам учраб туради. Баъзан эса моддий зарар айбланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан қопланганлигига қарамай зарурати бўлмаган ҳолатларда хатлаш ҳам учраб туради.

Бу ноқонуний ҳаракатлар фуқароларнинг мулкӣ манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлганлиги сабабли, ҳимоячи асослантирилган илтимоснома ва шикоятлар билан мурожаат қилиб, мазкур қонунбузарликларни бартараф этилишига эришиши зарур.

Дастлабки тергов материаллари ичида кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тергов эксперименти ва бошқа ҳаракатларни бажариш билан боғлиқ бўлган баённомалар ва бошқа ҳужжатлар тегишли ўрин эгаллайди.

Тергов амалиётида айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби тергов ҳаракатлари ҳам кўп қўлланилади.

Мазкур тергов ҳаракатларининг баённомалари ҳимоячи томонидан бошқа тергов ҳаракатлари билан биргаликда синчковлик билан танқидий таҳлил қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Олиб қўйиш, тинтув, хатлаш тергов ҳаракатларида ҳолислар иштироки мажбурийдир.

Ишда қатнашаётган ҳимоячи ҳолис тариқасида ишни ҳал қилинишидан манфаатдор бўлмаган шахслар қатнашиши лозимлиги тўғрисидаги қонун талабини ёддан чиқармаслиги керак.

Ҳимоячи ҳолисларнинг тергов ҳаракатларида қатнашиши, жиноят шини тўла, ҳар томонлама, ҳолисона тергов қилинишининг муҳим воситаси эканлигини назарда тутиши лозим. Кейинчалик

тергов ҳаракатларининг алоҳида ҳолатларини аниқлаштириш зарура-ти келиб чиқса, ҳимоячи ишда қатнашган холисларни гувоҳ тариқа-сида сўроқ қилиш ҳақидаги илтимоснома киритиши мумкин.

Тинтув, олиб қўйиш каби тергов ҳаракатларида кўпинча тегиш-ли мутахассислар иштирок этади.

Зарурат туғилганда, ҳимоячи мутахассис таклиф қилиш ҳақида илтимоснома киритиши ва унинг олдига қўйиладиган саволларни олдиндан тайёрлаб қўйиши мумкин. Шу билан биргаликда ҳимоячи муайян мутахассисни малакасизлиги, лаёқатсизлиги ёки манфаатдор-лиги сабабли уни четлаштириш масаласини қўйиши мумкин.

Ҳимоячининг айбланувчини вояга етмаганлар иши бўйича комиссияга топшириш муносабати билан жиноят ишининг тугатили-ши ҳақидаги масалани ҳал қилишнинг аҳамияти каттадир.

Ҳимоячи шу ўринда вояга етмаганнинг турмуш шароитлари ва тарбияси, жиноятнинг сабаб ва шароитларини, унинг содир этили-шига кўмаклашган шахсларнинг кўрсатганлиги, ҳуқуқбузарнинг чин кўнгилдан пушаймон эканлигини таъкидлайди ва жиноят ишини тугатиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ҳамда уни вояга етмаганларни иши бўйича комиссиясига топшириш кераклиги ҳақида хулоса беради.

Шу билан бирга амалиётда айрим ҳимоячиларнинг вояга етмаган ҳуқуқбузар учун ўта муҳим бўлган масалани ҳал қилишда пассив муносабатда эканлиги ҳақидаги фактлар учраб туради.

ЖПКда белгиланганидек, терговчи айбланувчига ишни тугаган-лиги ва тугатиш асослари ҳақида ёзма хабар қилади. Агар айбланувчи қарорнинг асосига норози бўлгани учун ишни тугатиш ҳақидаги қа-рорни устидан шикоят қилишни истаса ҳимоячи ҳимоя қилинувчига самарали ёрдам кўрсатиши мумкин. Шунингдек ҳимоячининг томо-нидан руҳий касаликка чалинганларнинг жамоат учун хавfli ҳаракат содир этган, ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган айбланувчиларга ёрдам кўрсатилиши самарали ҳисобланади.

Терговни иш бўйича тугаган, тўпланган далилларнинг эса айб-лов хулосасини тузиш учун етарли деб топиб, терговчи айбланувчига иш бўйича терговнинг тугатилиши хабар беришидан аввал, Ўз.Р. ЖПКнинг 375-моддасига амал қилган ҳолда жабрланувчининг, фуқа-ровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ёки вакилларининг иш мате-риаллари билан танишиб чиқиши керак. Уларнинг иш материаллари билан танишиб чиққанлиги ҳақида баённома тузилади, унда қайси материаллар билан танишганлиги ва бунда улар қандай илтимослар

билан мурожаат қилганликлари кўрсатилади. Ёзма илтимосномалар ишга тикиб қўйилади. Барча илтимосномалар терговчи томонидан асослантирилган қарорда ҳал қилинади.

Бу ҳолат юқорида кўрсатилган шахсларнинг фикрлари ва уларнинг берган илтимосномаларининг моҳиятига бефарқ бўлмаган айбланувчини ва унинг ҳимоячиси учун муҳим аҳамиятга эга. Барча иш материаллари айбланувчининг танишиб чиқиши учун, юқорида кўрсатилган шахслар танишиб чиққанларидан сўнг берилиши қонунчилик томонидан бекорга таъкидланмаган. Бу билан айбланувчининг барча иш материаллари ва жиноят процесси иштирокчиларининг фикрлари билан танишиб чиқиш таъминланади.

Шу ўринда дастлабки терговда у ёки бу жисмоний ёки юридик шахсни фуқаровий даъвогар деб тан олиш ҳақида айбланувчини жавобгар сифатида жалб этиш тўғрисидаги масала келиб чиқишини таъкидлаш зарур. Бу ерда ҳимоячи берилган жиноятда унинг асосланлигига эътибор бериши керак.

Фуқаровий даъвонинг миқдори тўғри аниқланганлиги катта аҳамиятга эга. Шу ўринда фуқаровий жавобгар ва унинг вакилига қонунда белгиланган ҳуқуқлари тушунтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш муҳимдир.

Шу билан бир қаторда айбланувчи учун муҳим бўлган жабрланувчи шахснинг берган кўрсатмаларининг тўғрилигига ва асослилигига ишонч ҳосил қилиш керак, агар иш бўйича у ёки бу шахсга ҳақиқатдан ҳам маънавий, жисмоний ёки моддий зарар етказилганлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаган бўлса, унда бундай шахсий жабрланувчи деб топилиши мумкин эмас.

Ҳимоячининг айбланувчини барча иш материаллари билан таништиришдаги бевосита иштирок этишига келсак, унда у ЎзР ЖПК нинг 53, 375-моддаларида мустаҳкамланган қоидаларга амал қилиш керак.

Айбланувчининг барча иш материаллари билан танишиши, унинг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш кафолатларидан бири ҳисобланади ва дастлабки тергов материалларининг тўла ҳар томонлама текширилиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Қонунчилик терговчи зиммасига айбланувчига унинг иши бўйича тергов тугаганлигини, шахсан ўзи ҳимоячининг иштирокида материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда зарурат туғилганда, дастлабки тергов материалларининг тўлдирилиши ҳақида илтимоснома бериши мумкинлигини эълон қилишни

юклайди. Бу ҳолат шунингдек, айбланувчига ҳақиқий ҳимоя ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини таъминлашга кўмаклашади.

Айрим терговчилар бу талабларни юқорида кўрсатилган ҳолатлардаги тартибда иш материаллари билан танишиш масалалари ҳақида айбланувчиларга керакли тушунтиришларсиз расмий тарзда бажарадилар, натижада эса айбланувчилар ҳимоячи билан бирга иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи борлиги ҳамда дастлабки терговни тўлдириш ҳақида илтимосномалар бериши мумкинлиги ҳақида баъзан ҳатто билмайдилар ҳам.

Агар айбланувчи терговчининг иш материалларини тақдим этиш билан боғлиқ тушунтиришларни тўғри тушинган бўлса ва ҳимоячини таклиф этиш ниятини билдирмаган бўлса, терговчи унга барча материалларини танишиб чиқиши учун тақдим этади.

Албатта, барча материаллар билан танишиш айбланувчининг мажбурияти бўлмасдан, балки ҳуқуқидир ва унинг бу каби раддияси ҳеч қандай юридик оқибатларни келтириб чиқармайди.

Ҳимоячининг айбланувчини барча материаллари билан таништиришдаги бевосита иштирок этишга келсак, унда у ЎЗР ЖПК нинг 53-моддаси, 375-моддасида мустаҳкамланган қоидаларга амал қилиш керак.

Айбланувчининг барча иш материаллари билан танишиши, унинг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш кафолатларидан бири ҳисобланади ва дастлабки тергов материалларининг тўла ҳар томонлама текшириши учун муҳим аҳамиятга эга.

Қонунчилик терговчини айбланувчига унинг иши бўйича тергов тугаганлигини, шахсан ўзи ёки ҳимоячининг иштирокида материаллар билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда зарурат туғилганида дастлабки тергов материалларининг тўлдирилиши ҳақида илтимоснома бериш мумкинлигини эълон қилишни юклайди. Бу ҳолатлар шунингдек, айбланувчига ҳақиқий ҳимоя ҳуқуқини ва қандай манфаатларини таъминлашга интилиш ҳисобланади.

Лекин бундай рад этиш айбланувчининг манфаатларига зарар келтириш мумкин. Шунинг учун ҳимоячи рад этиш сабабларини аниқлаши ва керакли тушунтиришларни бериши, зарурат туғилганда эса ҳимояланувчига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши керак.

Агарда айбланувчи терговни узайтиришга ҳаракат қилаётган бўлса, ҳимоячи унга бундай ҳаракат самарасизлигини кўрсатиши керак.

Ҳимоячининг ўзи ҳам айбланувчи билан бирга тергов материаллари билан танишиб чиқишда манфаатдор, бу эса унга берилган

ишнинг барча ҳолатларига чуқурроқ киришишга тўпланган материалларни тўғрироқ баҳолашга, айбни енгиллаштирувчи ёки оқловчи ҳолатларни аниқлашга ва шу билан айбланувчининг манфаатлари ва самаралироқ ҳимоя ҳуқуқини таъминлашга имкон яратади. Айбланувчи иш билан танишишни қатъиян рад этган, лекин ҳимоячидан воз кечишни билдирмаган ҳолларда, адвокат шахсан барча иш материаллари билан танишиб чиқиши ва тергов хатоларини, қонуннинг бузилишини ва ҳоказоларини кўрсатиб киритиши, айбланувчининг манфаатлари йўлида асосланган илтимосномалар билидирилиши шарт.

Агар айбланувчи ҳимоячини таклиф қилиш ҳақида илтимос қилса ёки агар ишда ҳимоячининг иштироки шарт бўлса, ё ҳимоячи айбни эълон қилиш вақтдан бошлаб ишда иштирок этаётган ҳолларда, барча иш материаллари айбланувчига ва унинг ҳимоячисига терговчи томонидан тақдим қилиниши керак. Шу ўринда қонунчилик айбланувчига ўзи танлаган ҳимоячининг хизматидан фойдаланиш имконининг таъминланишни мустаҳкамлаган.

Ҳимоячининг айбланувчи билан учрашуви ҳимоячи томонидан айбланувчига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши юзасидан аҳамиятлидир. Шунинг учун бу учрашувга тайёрланмаган, билиши ва аниқлаштириш лозим бўлган саволларнинг доирасини белгиламаган ҳимоячилар нотўғри тарзда иш тутадилар.

Ҳимоячи айбланувчини барча иш ҳолатларини очиқ-ойдин баён қилишга ундаш йўлларини ўйлаб кўриши керак. Ҳимоячи учун, айбланувчи қандай қўшимча материалларига эга эканлиги ёки уларни қаердан олиниши мумкинлигини аниқлаш зарур. Янги далилларни ишга қўшиш, эътироз ёки илтимосномаларни кўзғатиш ва ҳоказолар ҳақида маслаҳатлашиши керак. Буларнинг барчаси ҳимоячига иш ҳолатларини ҳал қилишга имкон яратади.

Иш материаллари билан тўлиқ танишиб чиқиш, ҳимоячининг дастлабки терговда бўлганидек, судда ҳам ҳимояни амалга оширишга тайёрланишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

ЖПКнинг 375ва 376-моддалари талаб қилганидек, айбланувчи ва унинг ҳимоячисига танишиш учун мутлақо барча иш материаллари тақдим қилиниши керак. Барча материаллар билан танишиб чиқмасдан туриб, иш бўйича тўпланган далилларнинг ҳажмини тўғри баҳолаш, эълон қилинган айбнинг бутун моҳиятини тушуниш ва айбланувчининг қонуний манфаатлари ва ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш биров мушкул. Айбланувчи ва ҳимоячининг барча иш материаллари билан танишиб чиқишининг кафолати сифатида қонунда бу мате-

риаллар тикилган ҳамда рақамланган ҳолда тақдим қилиниши кераклиги назарда тутилган.

Тергов ҳаракатларини ўтказишда кўплаб турдаги илмий техник воситалар қўлланиши мумкин. Бунда ҳимоячи далилларни топиш, мустаҳкамлаш ва текширишда қандай техника воситалари ва усуллари қўлланилганлигига эътибор бериши лозим. Ҳимоячилар махсус адабиётлар билан танишган ва мутахассис-лардан зарурий маслаҳат олган ҳолда иш юритиши мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, ҳимоячининг гувоҳни, жабрланувчини сўроқ қилиш, юзлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатларидаги иштирокининг баъзи томонлари кўриб чиқилди.

Мазкур тергов ҳаракатларида ҳимоячининг фаол ва сидқидилдан иштирок этиши, ўз ҳимояси остидаги шахснинг манфаатидан келиб чиқиб қонунда кўрсатилган барча усул ва воситаларни қўллаши ишни айбланувчи фойдасига адолатли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳимоячининг дастлабки терговни тўхтатиш ва тамомлашда иштироки.

Дастлабки терговда терговни тўхтатиш ёки тамомлашда ҳимоячининг иштироки муҳим ўрин тутди.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида дастлабки терговни тўхтатиш ва тамомлашнинг асослари аниқ ва равшан қилиб белгилаб қўйилган. Биз мазкур изланишда юқоридаги ҳолатларнинг фақат мунозарали масалаларига тўхталиб ўтамиз.

Жиноят ишини тўхтатиш асосларидан бири-айбланувчининг ишни юритуви даврида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаликка чалиниши муносати билан тўхтатишидир. Кўпгина терговчилар айбланувчиларнинг касса-ли яширин ҳолатда бўлганда, бу фактни четлаб ўтишга ҳаракат қилдилар. Бу каби ҳолларда ҳимоячи айбланувчининг мурожаатига диққат билан қараши, зарурат туғилса, касаллик тарихи билан танишиб, айбланувчини тиббий текширувдан ўтказиш ҳақида илтимоснома киритиши лозим. Агар айбланувчининг касаллиги шифокор томонидан тасдиқланадиган бўлса, ҳимоячи дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида илтимоснома киритиши зарурдир.

Бу борада амалиётдан қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

«Бувайда туман прокуратураси терговчиси Асқаров А. ишга айбланувчи тариқасида жалб этилган фуқаро Қорабоев Х. нинг иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказаетганда, Қорабоев Х.

нинг ҳимоячиси Ҳалилов О. томонидан айбланувчини тиббий текширувдан ўтказиш ҳақида илтимоснома киритилади. Илтимоснома қондирилиб, тиббий текширув ўтказилганда Қорабоев Х. нинг ўткир пневмания, яъни ўпка шамоллаши касаллигига чалинганлиги аниқланади. Бувайда туман прокуратураси терговчиси Асқаров А. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 364-моддасини қўллаб, дастлабки терговни тўхтатади».¹

Шунингдек, муайян иш бўйича бошқа айбланувчиларнинг касал бўлиб қолиш фактларини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки мазкур айбланувчига нисбатан иш материалларини алоҳида иш юритувга ажратиб, бошқа айбланувчиларга нисбатан ишни давом эттириш ёки бу мумкин бўлмаганда, жиноят ишини тўлалигича тўхтатиш масаласи кўтарилиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, материалларни алоҳида иш юритувига ажратиш ҳақидаги терговчининг қарорида иш мазмуни, жиноят ишини тўхтатиш асослари, алоҳида иш юритувига ажратилаётган материаллари ва бошқалар акс этиши лозим. Бу ҳолатлар иши судга юборилаётган айбланувчиларнинг ҳам, ўзига нисбатан тергов тўхтатилаётган айбланувчининг ҳоли манфаатларига таъсир қилади.

Ишнинг барча қисми тўхтатилаётганда ҳимоячи иш қайта тиклангунга қадар ўз ҳимояси айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида илтимоснома киритиш масаласини ҳал қилиш зарур.

Қонунда айбдор шахсни жамоат ташкилоти кафиллигига ёки вояга етмаганлар комиссиясига бериш йўли билан жиноят ишини тугатиш асослари ҳам кўрсатилган. Бу асосларга кўра, жиноят ишини тугатишда иштирок этиши ҳимоячидан алоҳида маъсулият талаб қилади. Бу ҳолларда жиноят ишини тугатишга фақат айбдор шахснинг розилиги асосида йўл қўйилди. Бунда ҳимоячи айбдор шахс ҳақиқатдан ҳам айбига иқроф бўлиб ўз ихтиёри билан розилик билдиряптими, ҳақиқатдан ҳам иш бўйича ҳимоя қилинувчи шахснинг айби тасдиқланганми ё йўқми, шунга эътибор бериши керак. Агар ҳимояланувчи шахснинг айби тасдиқланганлигига ёки унинг ҳақиқатдан розилигига шубҳа туғилса, ҳимоячи бу ҳолатни унга тушунтириши, жиноят ишини суд мажлисига олиб чиқиш маъқул бўлишини маслаҳат бериши лозим.

Терговчи жиноят иши бўйича терговни тугаллаган ва тўплаган далиллар айблов хулосаси тузиш учун етарли деган хулосага келар

¹ Бувайда туман суди архивидан. 2001 й.

экан, айбланувчига тергов тамом бўлганлигини эълон қилишдан олдин жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакиллари иш материаллари билан таништириш ҳақида баённома тузилиб, унда улар ишнинг қайси материаллари билан танишганликлари ва улар томонидан қандай илтимосномалар киритилганлиги баён қилинади. Ёзма илтимосномалар ишга қўшиб қўйилган бўлиши зарур. Барча илтимосномалар терговчи томонидан асослантирилган қарор билан ҳал қилинади.

Бу ҳолат айбланувчи ва ҳимоячи учун муҳим, зеро улар учун юқоридаги шахсларнинг айблов юзасидан фикри, улар томонидан билдирилган илтимосномаларнинг мазмуни аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун ҳам қонун иш материаллари юқоридаги шахслар танишиб бўлганларидан кейин айбланувчига такдим қилиниши зарурлигини белгиланган. Бу билан айбланувчининг барча иш материаллари ва юқоридаги шахсларнинг фикрлари билан реал танишиши таъминланади.

Айбланувчини барча иш материаллари билан таништириш унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим кафолатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қонун терговчига жиноят иши бўйича тергов тамом бўлганлигини эълон қилиш ва иш материаллари билан айбланувчини шахсан ўзи ёки ҳимоячи иштирокида таништириш, зарурият туғилса, дастлабки терговни тўлдириш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга эканлигини айбланувчига тушунтириш мажбуриятини юклайди.

Баъзи терговчилар қонуннинг бу талабини бажаришга расмийлик билан ёндашиб, айбланувчиларга иш материаллари билан танишишининг тартиби, мақсади ва вазифаларини лозим даражада тушунтирмайдилар. Оқибатда, айбланувчилар иш материаллари билан ҳимоячи иштирокида танишишлари, терговни тўлдириш ҳақида илтимоснома киритиш ва бошқа ҳуқуқларга эга эканликларини билмайдилар.

Ҳимоячининг ҳам жиноят иши материаллари билан айбланувчи иштирокидаги танишиб чиқишдан манфаатдор. Чунки бу унга ишнинг барча аспектларига тўла ва чуқурроқ кириб бориш, тўпланган материалларни тўғри баҳолаш, оқловчи ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш ва бу билан айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди. Агар айбланувчи иш материаллари билан танишишдан қатъиян бош тортса, лекин ҳимоячидан воз кечмаса, бу ҳолда ҳимоячи барча иш мате-

риаллари билан шахсан ўзи танишиши, ишдаги зиддиятларни, тергов камчиликларни ва турли қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда айбланувчининг манфаати йўлида асосли илтимосномалар киритиш зарур.

Агар айбланувчи ҳимоячи таклиф қилишни илтимос қилса ёки унинг иштироки мажбурий бўлса ёхуд ҳимоячи айб эълон қилиш пайтидан бошлаб қатнашаётган ҳолларда терговчи ишнинг барча материалларини айбланувчи ва ҳимоячига бир вақтда тақдим этиши зарур. Бунда қонун айбланувчига ўзи танлаган ҳимоячи хизматидан фойдаланиш имкониятини таъминлашни кўзда тутган. Шу мақсадда қонунда иш материаллари билан танишиши ҳимоячи келгунга қадар, лекин 5 (беш) суткадан ортиқ бўлмаган муддатга кечиктирилиши мумкинлиги кўрсатилган. Агар айбланувчи томонидан танланган ҳимоячи кўрсатилган муддатда кела олмаса, терговчи бошқа ҳимоячини чақириш чораларини кўриши зарур. Бу билан қонун айбланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини расман эмас, балки реал таъминлашга эришади.

Ҳимоячи иложи борида иш материаллари билан айбланувчи иштирокида танишишга ҳаракат қилиши зарур. Айниқса вояга етмаган ёки бирон жисмоний ёки руҳий камчилиги бор айбланувчиларнинг иши бўйича бу ҳолат жуда муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, бу категориядаги айбланувчиларнинг иш материаллари билан албатта ҳимоячи билан биргаликда танишишлари мажбурийлиги қонунга қоида тариқасида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бундай айбланувчилар (бошқа аксарият айбланувчилар ҳам) ҳуқуқий терминларни, айбловнинг қонуний мазмунини тушунишга қийналадилар. Бунда ҳимоячи айбланувчига унга эълон қилинган айбловнинг мазмунини, тушунарсиз терминларни, ҳуқуқ нормасини, баъзи тергов ҳаракатлари ва далилларни мазмуни ва аҳамиятини тушунтиради. Бунда айбланувчига ва унинг ҳимоячиси тергов ҳаракатларининг тўлалиги ва сифатига, иш бўйича тўпланган далилларнинг ҳақиқийлигига эътибор берадилар.

Иш материаллари билан биргаликда сидқидилдан, синчковлик билан танишиши кўп ҳолларда асоссиз илтимосномалар киритишни олдини олади, тергов камчиликларини аниқлайди ва алоҳида тергов ҳаракатлари ўтказиш заруратини асослаш имконини беради.

Танишиш учун барча иш материаллари тўлалигича айбланувчи ва ҳимоячига тақдим этилиши зарур. Қонун бунга кафолатлаш мақсадида иш материаллари тикилган ва рақамланган ҳолда тақдим этилиши зарурлигини белгилаган. Лекин бизнинг фикримизча, бу

қоида терговчи томонидан барча ҳақиқий иш материаллари тақдим қилинганлигига етарли кафолат бермайди. Чунки тикилган ва рақамланган иш материалларининг варақлари ноинсоф терговчи томонидан алмаштирилиши, ўзгартирилиши ва қайтадан тикиб қўйилиши мумкин. Баъзи ҳимоячилар судда жиноят иши материаллари улар танишганларидан сўнг ўзгартирилганлиги ёки алмаштирилганлиги ҳақида баён қилиш ҳам учраб турадики, бу йўл қўйилиши мумкин бўлмаган ҳолдир.

«Ҳимоячи ва айбланувчи иш материалларининг ўзлари лозим топган бетларига имзо қўйиб, бу ҳақда иш материаллари билан танишиши ҳақидаги баённомага изоҳ ёзиб қўйишлари мумкин», - деган норма киритиш мақсадига мувофиқ бўлар эди. Бу қоида суд мажлиси баённомаси билан танишиш жараёнига ҳам тадбиқ қилиниши лозим. Қонунга ушбу нормаларнинг киритилиши айбланувчи ва ҳимоячининг ҳақиқий иш материаллари ва суд мажлиси баённомалари билан тўла танишишини реал таъминлаган ва одил судлов манфаатларига хизмат қилган бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биз танланган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиёти-нинг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2008.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2001.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2001.
8. Ўзбекистон Республикаси "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997. Ўзбекистон янги қонунлари. 15 сон, Адолат, 1998.

9. Баршевский М.Ю. Организация и деятельность адвокатуры в России: Научно- практическое пособие. - М.: Юристъ, 1997.
10. Саломов Б. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки. -Т.: Адолат, 2007.
11. Саломов Б. Ўзбекистонда Адвокатлик фаолияти. 1-2 жилд, - Т.: 2007.
12. Саломов Б. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг суд томонидан қўлланишида адвокатнинг иштироки. -Т.: Ўзб. Рес. Фанлар академияси, “Фан” нашриёти, 2008.
13. Г.Тўлаганова. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. — Т.: 2007.

3-МАВЗУ

БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

- 1. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида адвокат.**
- 2. Суд мажлисининг тайёрлов қисмида адвокатнинг роли.**
- 3. Суд терговда далилларни текшириш тартибини белгилашда ҳимоячининг иштироки.**
- 4. Адвокатнинг суд терговда иштироки: судланувчилар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг сўроғи; ёзма далилларни, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини текшириш, ходиса содир бўлган жойларини текширишдаги иштироки.**
- 5. Суд тергови якунида адвокат иштироки ва унинг ҳимоя нутқи.**
- 6. Президент И.А.Каримовнинг асарларида адвокатура олдида турган вазифалар, яъни адвокатнинг судларда жиноят ишлари кўрилишидаги ҳуқуқий ҳолати ва тортишув тамойилини амалга оширишда ҳимоячи ва давлат айбловчиси ҳуқуқларини тенглаштириш масалалари.**

Маълумки, жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасида адвокатнинг иштироки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-116 моддаларига мувофиқ айбланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлашнинг муҳим амалий шаклларида бири ҳисобланади. Судда ишнинг адолатли ҳал қилинишида ҳимоячининг аҳамияти каттадир. Суд идоравий манфаатлар, тарафларнинг истакларидан холи, жиноий таъқиб ва ҳимоялаш нуктаи назаридан беғараз, холис, мустақил, жиноятларни фош этиш учун масъул бўлмаган маҳкама экани боис, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ваколатига эга ягона давлат ҳокимият органидир. Конституциямизнинг 19-моддасида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас». Бу муқаддас қоида халқаро ҳуқуқда тан олинган ва дунёдаги турли ҳуқуқ тизимларида янада ривожлантирилган.

Маълумки, давлат шахс ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилишга мажбур, яъни бу давлатнинг функциясидир. Бироқ баъзи ҳолатларда давлат ўз фуқароларини айблаш вазифасини ҳам бажаришига тўғри келади, лекин бир фуқарони ҳам айблаш, ҳам ҳимоя қилишни давлатнинг ўзи бажара олмайди. Чунки ЖПКнинг 25-моддасига кўра давлат айбловини прокуратура, шахс ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлатга тегишли бўлмаган ташкилот – адвокатурага берилиши қонунда белгиланган. Ҳимоячи аслида давлатнинг фуқароларини ҳимоя қилиш функциясини бажараётганлигини эътиборга олиб, ҳимоячининг жиноят ишларини юритишдаги ваколатлари айблов функциясини бажарувчи давлат органларининг ваколатлари билан тенглаштирилиши лозим. Демак, суд беғараз, холис ҳакам бўлиб, айблов ва ҳимоя томонларига тортишув учун тенг шароитларни яратиб бериши лозим.

Қонун устуворлиги амалда таъминланган мамлакатлардаги суд жараёни айблов юзасидан ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган ҳалол тортишувдир.¹ Бу тортишувда тарафлар тенг ҳуқуқларга эга, иш мазмуни баҳсда ҳал этилади, суд бу баҳсинг якунини расмийлаштиради. Бунда суд шахсга қўйилган айбловга шубҳа билан қараган ҳолда, унинг тўғри ёки нотўғрилигини текширади. Бундай шароитда ҳимоячи судда асосий фигурага айланади, унинг мулова залари суднинг диққат марказида бўлади. Судда тарафларнинг тортишуви қанчалик кучли бўлса, суд ҳақиқатга шунчалик яқинлашади.

Прокурор ёки унинг ўринбосари жиноят ишини судга юборишда, айбланувчи, унинг ҳимоячиси терговчига нисбатан жиноят ишини уларнинг берган илтимосномаларини рад қилиш тўғрисидаги қарорига биноан тузилган шикоятни кўриб чиқади. Айблов ҳулосаси тасдиқлангандан сўнг келиб тушган барча илтимос ва шикоятлар судга иш билан бирга суд мажлисида мазмунан текшириш ва ҳал этиш учун юборилади. Агар иш бўйича прокурорга келиб тушган барча илтимос ва шикоятлар судга юборилмаса, у ҳолда ЖПК нинг 388-моддаси 1-қисмида қайд этилган талаб бузилган деб ҳисобланади. Ҳимоячи бу босқичда мана шу ҳолатларга ўз эътиборини қаратиши лозим.

Ҳимоячининг иш материаллари билан танишиши. ЖПКнинг 402-моддасида назарда тутилган ҳимоячининг иш материаллари билан тўлиқ танишиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

¹ Тухташева У.А. Принцип состязательности как основной принцип уголовного судопроизводства. // Состязательность производства в суде – важнейший принцип уголовного процесса. Сборник материалов круглых столов. –Т.: 2005. –Б.5.

Иш материаллари билан танишиш жиноят судлов ишларининг тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона олиб борилганлигини текширишга имконият яратади. Иш билан тўла танишмасдан ҳимоячи судланувчига самарали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши амри маҳол. Ҳимоячининг иш материаллари билан тўла танишмаслиги судланувчининг ҳимоячидан воз кечишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳимоячига ишнинг барча материаллари тўлиқ ҳолда тақдим этилиши керак. Иш юритуви давомида тузилган ва тўпланган барча ҳужжатлар ишда бўлиши шарт, уларни олиш ёки йўқ қилишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳимоячи жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш вақтида иш материалларидан айбловнинг баъзи ёки барча бандлари юзасидан далиллар тўлиқ эмаслиги ёки йўқлигини аниқласа, қўшимча далилларни йиғиш ёки ишни дастлабки терговга қайтариш, айбловдан унинг маълум бандларини чиқариб ташлаш тўғрисида илтимосномалар келтириши мумкин. Шунингдек ҳимоячи, судланувчи содир этган ҳаракатларига нисбатан ЖК нинг моддаси тўғри қўлланилишига, айблов ҳулосаси қонун талабларига мувофиқ тузилганлигига, эҳтиёт чораси тўғри танланганлигига эътибор бериши лозим.

ЖПКнинг 241-моддасига асосан, агар шахсга нисбатан дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси жараёнида эҳтиёт чораси қўлланилган бўлса, бу шахс ўзига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Прокурор ёки юқори суд шикоятни уч кун муддат ичида ўрганиб чиқиб, ўз қарори тўғрисида шахсни хабардор қилиши керак. Одатда судланувчи ва ҳимоячи далилларни тақдим қилиш бўйича ўз ҳуқуқини судда далилларни тўплаш тўғрисида илтимоснома орқали амалга оширади. Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш ва шахснинг айбли ёки айбсиз эканлиги тўғрисида асослантирилган қарор чиқариш учун сифатли ва мақбул далиллар тўпланиши зарур. Ҳимоячи зарур ҳолларда далил қайси йўл билан олинганини аниқлаши лозим. Агар далил ноқонуний йўл билан олинган бўлса, ҳимоячи ундан фойдаланишга қарши чиқиши, эътироз билдириши лозим. Қонун судланувчи ва унинг ҳимоячисига далилларни тақдим қилиш ҳуқуқини бериш билан бирга судга бу ҳуқуқдан тўла фойдаланиш имкониятини яратиб бериш мажбуриятини ҳам юклайди.

Ҳимоячининг суд муҳокамасига тайёргарлик босқичидаги иштироки. Судда ҳимоячининг иштироки унинг суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида иштирок этишидан бошланади. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми жиноят процессида муҳим ўрин эгаллайди,

чунки унинг тўғри ташкил этилиши бутун суд жараёнининг олиб борилишига ўз таъсирини ўтказди. Демак, ҳимоячи суд муҳокамасининг бу босқичида фаол иштирок этиши лозим. Суд муҳокамаси очилишида ҳимоячи шахсан суд таркибининг тўлиқлигини, суд залига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг келган-келмаганлигини аниқлаши лозим, чунки буларсиз суд муҳокамасини бошлашнинг имкони йўқ. Ҳимоячи айниқса гувоҳлар ва экспертларни келган-келмаганлигини шахсан аниқлаши шарт, чунки уларнинг кўрсатувлари жиноят иши бўйича муҳим аҳамиятга эга. Агар текшириш давомида улардан бирортаси келмаганлиги аниқланса, ҳимоячи ишни давом эттириш ёки уларни келтиришга қадар ишни тўхтатиб туриш юзасидан судга ўз фикрини билдиради. Раислик қилувчи таржимонга унинг мажбуриятларини тушунтирар экан, ҳимоячи бу тушунтиришлар аниқ ва атрофлича бўлишини ва қасддан нотўғри таржима қилгани учун огоҳлантирилганини текшириши лозим.

Ҳимоячи гувоҳларнинг кўрсатувлари ўта муҳимлигини унутмаслиги ва шунинг учун гувоҳлар суд залидан чиқарилиши ва кўрсатув берган гувоҳлар кўрсатув бермаган гувоҳлар билан сўзлашмаслиги тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини назорат қилиши керак.

Суд муҳокамаси тайёрлов қисмининг муҳим жиҳатларидан бири судланувчининг шахсини аниқлаш ва унга айблов хулосасининг нусхасини топшириш ҳисобланади. Суд муҳокамасида ишни судланувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш ёки ишни тўхтатиб туриш, шунингдек танланган эҳтиёт чорасини ўзгартириш масалалари катарилиши мумкин. Ҳимоячи ушбу масалалар юзасидан қандай фикр билдирмасин, улар асослантирилган бўлиши лозим. Яъни, нима сабабдан судланувчи суд муҳокамасида иштирок этмаётганлиги ҳимоячи томонидан судга тушунтирилиши лозим. Ҳимоячи суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида айблов хулосаси ва бошқа ҳужжатлар судланувчига ўз вақтида топширилганлиги, унда таржималар мавжуд бўлса, уларнинг тўлиқ ва аниқ эканлигига аҳамият бериши керак.

Ҳимоячининг суд терговига иштироки. Биринчи инстанция судида ҳимоячи айниқса суд терговига эътибор бериши мақсадга мувофиқдир. Қонунга биноан, суд тергови айблов хулосасини ўқиб эшиттириш билан бошланади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, айблов хулосаси тўлиқ ва иштирокчилар учун тушунарли ва аниқ ўқилиши керак.

Агар суд судланувчидан эълон қилинган айблов хулосасининг мазмун-моҳияти тушунарли ёки тушунарли эмаслиги ҳақида сўраса,

ҳимоячи судланувчи ўзини нимада айбланаётганлигини билиш ёки билмаслиги ҳақидаги масалани қўтариш керак.

Агар судланувчи қўйилган саволга тушунарли жавоб қайтара олмаса, ҳимоячи бу ҳолатда судланувчига айбловни тўлиқ ёки қисман тан олиш-олмаслиги ҳақида аниқлаштирувчи саволлар бериши мумкин. Шундай ҳолатлар учраб турадики, судланувчи ҳимоячи учун кутилмаган жавобни беради ва бу ҳимоя режасини ҳамда позициясини ўзгартиришига олиб келади. Ҳимоячи ҳар бир жиноят иши бўйича далилларни текширишни нимадан бошлаш, суд терговини қандай ташкил этиш, далилларни қайси тартибда ўрганиш, сўроқни юритиш масалаларига бефарқ бўлмаслиги керак. Судланувчининг бу борадаги фикри ўзгача бўлиши мумкин. У гувоҳларни сўроқ қилишдан аввал иш ҳолатлари билан судни яқиндан таништириш мақсадида сўроқни унинг ўзидан бошлаш тартибини ёқлаб чиқиши мумкин. Агар бу масалалар юзасидан тарафлар ўртасида келишмовчилик бўлса, улар ёзма ёки оғзаки равишда далилларни текшириш тартиби ҳақида ўз фикрларини судга билдиради ҳамда бу суд баённомасига киритилиб, алоҳида ажрим тарзида расмийлаштирилади. Ҳимоячи ҳар қандай ҳолатда ҳимоянинг самарадорлигини сусайтirmайдиган далилларни текшириш тартибини ишлаб чиқиши керак. Барча далиллар кўриб чиқилгандан сўнг раислик қилувчи суд терговини яна нима билан тўлдириш мумкинлиги тўғрисида давлат айбловчиси, судланувчи, ҳимоячи ва бошқа иштирокчилардан сўраб чиқади. Агар унга қўшимчалар киритиш ҳақида илтимосномалар мавжуд бўлса, суд бу илтимосномаларни муҳокама қилиб ҳал этади. Илтимосномалар ҳал қилиниб, бошқа суд ҳаракатлари бажарилгач, раислик қилувчи суд тергови тугаганлигини эълон қилади.

Суд терговига тўлдиришлар, аксарият ҳолларда илтимосномалар, қўшимча гувоҳларни чақиртириш, экспертизалар, кўздан кечирришлар ўтказиш ва бошқа тергов ҳаракатлари, узрли сабабларга кўра судга кела олмаган гувоҳлар берган кўрсатувларининг баённомаси, экспертиза хулосалари, судланувчи шахси ҳақидаги тавсифномалар кўринишида бўлади.

Ҳимоячининг суд музокараларидаги иштироки. Суд тергови тугаганидан сўнг суд давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, фуқаровий жавобгар ва фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячининг нутқларидан ташкил топган музокараларини бошлайди. Суд музокараларида жамоат ҳимоячиси ҳам иштирок этиши мумкин.

Суд музокаралари - суд муҳокамаси босқичининг мустақил қисмидир. Унда иштирокчилар ўзларининг нутқлари, репликалари орқали суд терговдаги текширув ва тадқиқот предмети бўлган барча далилларни баҳолайдилар, текширадилар, ундан ташқари содир қилинган қилмишнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан қоралашади (оқлашади), судланувчи шахсини тавсифлаш, эълон қилинган айбловга ўз фикрини билдириш, у ёки бу жазони қўллаш ҳақида, жазодан озод қилиш ёки бутунлай оқлаш тўғрисида фикрлар билдиришади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Биз танланган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. 2005.
4. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиядаги маъруза. 2001 йил 29 август. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.Ю. -Т.:Ўзбекистон, 2002.
5. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатлари-олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси. // Т.:Ўзбекистон, 2005 йил
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. -Т.: Ўзбекистон, 2003.
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси.-Т.: Ўзбекистон, 2005.
9. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2004.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами. 1-жилди. -Т.: Шарқ, 1997.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги қарорлари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2004.
12. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. -Т.: Адолат, 2000.
13. Баршевский М.Ю. Организация и деятельность адвокатуры в России: Научно-практическое пособие. -М.: Юристъ, 1997.
14. Кучерена А.Г. Адвокатура. Учебник. -М.: Юристъ, 2005.

4 – МАВЗУ

СУД МУҲОКАМАСИДАГИ АДВОКАТНИНГ ҲИМОЯ НУТҚИ ВА УНИНГ НОТИҚЛИК МАҲОРАТИ

1. Ҳимоя нутқи тушунчаси ва унинг этик жиҳатлари, кириш қисмлари. Ишдаги фактик ҳолатларни ифодалаш.
2. Суд аудиторияси ва у билан мулоқот. Ҳимоя нутқига тайёрланиш.
3. Иш материаллари билан танишиш ва иш бўйича процессуал позицияни аниқлаш.
4. Ҳимоя нутқи режаси ва композицияси.
5. Далилларнинг таҳлили ва баҳоланиши. Жиноятларни квалификациялаш тўғрисида таклифлар.
6. Судланувчи ва жабрланувчининг шахсини тавсифлаш.
7. Жиноят содир этилишининг сабаблари ва шарт-шароитлари таҳлили. Тайинланиши мумкин бўлган жазо чораси ва фуқаровий даъво тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.
8. Ҳимоя нутқининг якунлов қисми.
9. Судда тортишув маҳорати.

Жиноят ишлари бўйича судда адвокатнинг ҳимоя нутқи тушунчаси ва аҳамияти. Жиноят ишларини судда кўрилишида адвокат судланувчининг ҳимоячиси сифатида иштирок этар экан, ҳимоя нутқи билан, шунингдек жабрланувчининг фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида эса уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси нутқи билан чиқади. Ҳимоячи айблов моҳиятига кўра судга жавобгарликни енгиллаштиришга тегишли ҳолатларни, жиноятнинг фуқарога ҳуқуқий оқибатлари ва жазо чораси тўғрисида ҳимоя фикрини ифода қилади. Ҳимоя нутқида иш бўйича тўпланган далиллар айбланувчининг ҳимояси нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, суд жараёнининг моҳияти, жиноятнинг квалификацияланиши, жазо чораси ва бошқа масалалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазалар ифода қилинади.

Адвокатнинг ҳимоя нутқи жиноят ишлари бўйича судда ҳимоячи иштирокининг якуний босқичи ҳисобланади. Ҳимоя нутқида адвокатнинг дастлабки тергов ва суд босқичида олиб борган ишлари ўзининг мантикий якунини топади. Айнан ҳимоя нутқида адвокат судга иш юзасидан ўз хулосаларини тақдим этади ёки тўла айбловга ёки унинг алоҳида қисмига қарши эътирозларини, иш ҳолатларини

ҳимоя нуктаи назаридан қандай кўринишда тасвирланган бўлса, шу тарзда шарҳлайди ва ифода этади. Ҳимоя нутқи муайян тарзда процессуал шаклга эга бўлиб, айбланувчини оқловчи ёки унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга ва айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган процессуал фаолиятни ўзида акс эттиради. Нутқнинг мазмуни иш бўйича танланган позиция ва қонунда кўрсатилган масалалар билан белгиланади. Ҳимоячи ўз позициясини иш материаллари ҳамда ўзининг процессуал ҳолатига кўра танлайди. Адвокат ўз фаолиятида касбий мажбуриятларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик талабларига аниқ ва оғишмай риоя қилиши, унга юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясида қонунда назарда тутилган усул ва воситалардан фойдаланиши лозим.¹ Шу тариқа, адвокат энг аввало қонун талабларини бажариши, унга риоя қилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт.

Адвокат танлаган позициясини судланувчи билан келишиши лозим, бироқ унинг кетидан кўр-кўрона эргашиши мумкин эмас. Адвокат жиноят процессига киришар экан, ҳимояси остидаги шахс билан мулоқотда бўлиб, процесс иштирокчисига айланади, иш билан бирга ҳимоя функциясини тўла ва мустақил амалга оширади. К.Н. Апраксин бу борада шундай фикр билдирган эди: “Адвокат ўз ҳимояси остидаги ёки унга ишонч билдирган шахснинг хизматкори эмас, у унга хизмат қилишга ва турли хил хизматларни кўрсатишга ёлланмаган, балки одил судловни амалга оширишда судга ёрдам бериш учун жалб этилган».²

Судланувчи ўз айбсизлигини исботлашга мажбур эмас, лекин адвокат ҳимоя нутқида ўз позициясини асословчи далиллар келтириши, хулосаларини юридик ва фактик тарзда асослашга мажбур. Адвокат далилларни чуқур таҳлил қилмаса, уларни юридик жиҳатдан баҳоламаса, судланувчи эса ўз нутқида ҳимоячисига қараганда ишонарли далилларни келтирса, жиноят процессида адвокат зарур бўлмай қолади. «Адвокатнинг ҳимояси остидаги шахс охириги сўзида ўз айбини инкор қилса, бундай таъкидга далиллар келтириш зарурдир»,³ деб ёзган эди А.М.Ларин. Мазкур ҳолатда адвокат судланувчи кўрсатувларини тасдиқловчи, унинг айбсизлигини исботлашда фойдаланилиши мумкин бўлган барча далилларни суд томонидан

¹ Киселев Я.С. Защитительная речь адвоката в суде. -М.: 1967. -Б.153.

² Апраксин К.С. Защитительная речь адвоката. -М.: 1979. -Б.97.

³ Ларин А.М. Презумпция невиновности. -М.: Наука, 1982. -Б.81.

илгари сурилган версияга қарама-қарши қўйиши лозим. Адвокат ҳимояси остидаги шахснинг кўрсатувларини шахсий, хусусий мулоҳазалари билан эмас, балки факт, далиллар билан тасдиқлаши лозим. Шу тариқа, судда айбланувчи томонидан келтирилган мулоҳазалар эмас, балки далиллар ва улар билан аниқланган фактлар асосий ўринни эгаллайди. Бунинг учун адвокатнинг асосий роли суд терговидида эмас, балки фақат томонлар музокарасида ҳимоя нутқини ифодалашда, деб ҳисоблаш нотўғридир. Ҳимоя нутқи ҳақиқатан ҳам жуда муҳим, бироқ у пухта ва деталли олиб борилган, судланувчи ҳимояси учун ҳимоячи барча чораларни қўллаган суд тергови натижаларига асослансагина, мақсадга мувофиқ бўлади.¹

Ҳимоячи ўз ҳимоя нутқида суд терговидида қўрилган ва текширилган далилларгагина асосланар экан, суд тергови вақтида хусусан уни тугатилиши олдидан уни тўлдиришда судланувчига, гувоҳларга, экспертга қўшимча саволлар бериб, ишдаги у ёки бу ҳужжатни суддан ўқиб эшиттиришни сўраб, ҳимоя нутқи учун зарур бўлган барча далилларни аниқлаштириб олиши лозим.

“Ҳар қандай факт далил бўлиши мумкин. Муҳими, бу фактнинг юритилаётган ёки судда қўрилаётган ишга тааллуқли экани, ишни тўғри ҳал қилишда аҳамиятга эгалилигидадир”.²

Суд тергови вақтида қўлдан бой берилган далиллар, агар у судланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ҳамда жазо чорасини белгилашда қандайдир рол ўйнаши мумкин бўлган тақдирда ҳам ҳимоя нутқига киритилмайди. Шу билан бирга ҳимоя нутқида суд терговидида қўрилган ва текширилган далилларга етарли баҳо бермаслик ҳам хатодир. Шу тариқа, ҳимоячи бутун суд жараёни давомида ҳимоя позициясини олиб боради, ҳимоя манбаини юзага келтиради ва мустаҳкамлайди, барча маълумот ва ҳужжатларни ҳимоя нутқига тайёрлайди.

Айтиш мумкинки, ҳимоя нутқи судланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, унга зарар етказилишига йўл қўймаслик ҳамда унинг фойдасига хизмат қиладиган далилларни қўлдан бой бермаслик йўлида ҳимоячининг самимий, виждонан қилинган ҳаракати натижасида юзага келади.

Ҳимоя нутқи характерини уч элементнинг бирлашуви – далилларни текшириш, баҳолаш ва улар асосидаги ҳимоянинг мантикий хулосалари белгилаб беради.

¹ Мурадян З.М. Право на судебную защиту. -М.: Юрид. лит., 1980. -Б.21

² Божьев В.П. Уголовно-процессуальные правоотношения. -М.: 1975. -Б.77.

Ҳимоя нутқининг услуби ва шакли ишнинг хусусиятларига ҳамда адвокатнинг шахсий қобилиятига боғлиқ. Айрим ҳолларда ҳимоя нутқи ёрқин тасвирий ифодалар билан кучли, баланд оҳангларда, айрим ҳолларда эса фактик ҳолатларни, рақамларнинг деталли ҳисобига, муддатларга қиёсланган ҳолда услубий таҳлил қилиниб, юмшоқ оҳангларда ифодаланади. Ҳимоя нутқида прокурор билан бўлган тортишувнинг мунозарали элементлари кучли акс эттирилади. Баъзан эса ҳимоя нутқида судланувчининг ҳимояси учун фойдаланиш мумкин бўлган, суд терговида аниқлаштирилган барча деталларни бирма-бир, синчковлик билан тўпланганлигини ифода-лайди. Албатта, буларнинг барчасига қонун томонидан йўл қўйилади ва бу масалада ҳеч қандай умуммажбурий қоида кўрсатилмаган. Фақат шунини айтиш мумкинки, ҳимоя нутқи қандай усул ва оҳанг билан характерланмасин, уни ҳимоячи чуқур қизиқиш ва ўз ҳимояси остидаги шахснинг тақдиридан ташвиш чекиб ифодаласагина, у муваффақиятли чиқади, унинг моҳиятини тўла очиб беради.

“Ҳимоячи ўз нутқида баъзи гувоҳлар ёки жабрланувчилар ноҳақлигини таъкидлаб, судланувчининг айбини енгиллаштирувчи ҳолатларни очиб беради. Бу ҳолатлар ҳимоя нутқида қўшилади ва жиноятни содир этиш ҳолатини аниқлашида ёрдам бериб, жазо тайинланишида ҳисобга олинади”.¹

Адвокатнинг ҳимоя нутқи, агар прокурор ишда иштирок этаётган бўлса, унинг нутқида жавоб ҳисобланади. Шу сабабли ҳимоя нутқи айрим ҳолларда маълум даражада прокурор нутқида айблов асосига қандай далилларни келтиришига ҳам боғлиқ бўлади. Бу билан ҳимоячи нутқининг мунозарали бўлишига имкон яратилади. Бироқ ҳимоячи доим прокурор изидан боради ва ўзининг қарши далилларини унинг далилларига мос равишда жойлаштиради, деб тушунмаслик керак.

Ҳимоя нутқида ҳимоя тизими ҳимоячи танлаган позицияга, суд тергови натижасига, прокурор қувватлаётган айбловга мувофиқ тур-лича қурилиши мумкин. Айрим ҳолларда суд тергови материаллари ҳимоячига иш ҳолатларининг барча тасвирлари қандай кўринишда аниқланган деб ҳисобласа, судга шу кўринишда мустақил тақдим этиш имконини беради. Бу вазиятда ҳимоячи ўз нутқида айнан унинг фикрича ҳақиқатдан нима содир бўлгани, судланувчи қандай ҳаракат содир этгани, бу ҳаракатлар қонун нуқтаи назаридан қандай баҳола-ниши лозимлигини судга исботлаб беради. Суд терговида аниқланган

¹ Лубшев Ю.Ф. Адвокат в уголовном деле. -М: Манускрипт, 1999. -Б.383-392.

иш ҳолатларига ҳимоя нуқтаи назаридан ёндошилиши аниқ. Масалан, ҳимоячи судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркибининг йўқлиги ёки улар қасддан эмас, эҳтиётсизлик оқибатида содир қилингани, судланувчи томонидан содир қилинган ҳаракат жиноят бўлсада, ЖКнинг енгилроқ моддаси билан квалификация қилиниши лозимлигини исботлайди. Бироқ тўпланган далиллар ҳар доим ҳам ҳимоячи ўз нутқида ҳимояни айнан шундай қуришига йўл бермайди. Айрим ҳолларда ҳимоячи ҳақиқатдан нима, қандай содир бўлганлигини таъкидлаш имкониятига эга бўлмайди, лекин суд тергови маълумотлари уни судланувчининг жиноятдаги иштироки исботланмаган ва судда қўрилган далиллар жиноятни айнан судланувчи содир қилган деган кўрсатувчи хулосага асос бўлмайди, деган фикрга олиб келади. Бу ҳолатда ҳимоячи ўзининг барча далил-исботларини, айблов далилларини рад қилишга, прокурор ўзининг айблов нутқида келтириб ўтган далиллари мунозарасига йўналтиради. Ҳимоянинг бундай позицияси тўла асосли бўлиб, у ўзида айбсизлик презумпцияси ва исботлаш вазифаси тўғрисидаги қоида ва хулосаларни акс эттиради. Агар ҳимоя нутқи фақат маълум, доимий асосларга, яъни шахснинг ёшлиги, биринчи бор судланиши, вояга етмаган фарзандлари борлиги ва хоказо ҳолатлар асосига қурилган бўлса, бу ҳимоячининг жиддий хатоси бўлиб, судланувчининг деярли ҳимоясиз қолганлигини англатади. Афсуски, амалиётда бундай ҳолатлар тез-тез учраб туради.¹

Айбни енгиллаштирувчи ҳолатлар ва уларнинг тавсифи тўғрисидаги ҳимоячининг хулосаси муайян ҳолатда жиноят ҳодисасига, судланувчининг шахсига, уларнинг ўзига хос, алоҳида хусусиятларига тегишли ишнинг барча фактик ҳолатларини чуқур таҳлилига асосланса, ҳимоя самарали бўлади. Судланувчи ўз айбини рад этаётган ва у низолашаётганда ҳимоячининг айбловга рози бўлиши ва фақат жазони енгиллаштиришни сўраши мутлақо нотўғридир.

Ҳимоячи ўз ҳимоя нутқида ҳимоянинг қандай тизимини танламасин, барча айблов нотўғрилиги ва у асосида судланувчини оқлаш талабини қўйиши, айбловнинг қайсидир қисмини чиқариб ташланиши, судланувчининг хулқ-атвори ва ҳаракатига бошқача тавсиф бериб, жиноятнинг малакаланиши хусусида баҳслашиши, айбни енгиллаштирувчи ҳолатларни кўрсатиши, ҳимоя нутқида ишнинг барча ҳолатларини тўла қамраб олиши, судланувчи фойдасига гувоҳлик берувчи биронта ҳам ҳолатни бой бермаслиги лозим. Ҳатто прокурор

¹ Бойков А.Д. Этика профессиональной защиты по уголовным делам. -М.: Юрид. лит., 1978. -Б. 352.

айбловдан воз кечган тақдирда ҳам ҳимоячи прокурорга оддийгина қўшилиб қўймай, ўз нутқ тизимини ҳолатга мос равишда ўзгартириб, судланувчининг оқланишидан гувоҳлик берувчи ишнинг барча маълумотларига диққат жалб қилиши лозим.

Ҳимоячи ҳимоя нутқида кўрилаётган ишнинг ижтимоий аҳамиятига тўхталмаслиги мумкин эмас. Аксинча, у бу ишга прокурор баҳосига ўхшаган ёки ундан кескин фарқ қилувчи ижтимоий тўғри баҳо бериши шарт. Барча ҳолларда кўрилаётган ишнинг ижтимоий баҳоланиши одил судловни амалга оширишнинг тарбиявий аҳамияти тўғри таъсир қилиши лозим.

Процессда тортишувга чиққан адвокат ўз нутқини процесс бошланишига қадар ёки иш кўрилаётганда тузиши кераклиги, уни тўла ёзиши ёки конспект, режа, тезислар билан чекланиши шартли бўлиб, кўпинча ишнинг хусусиятига ва мазмунига, унинг ҳажмига, адвокатнинг қобилияти ва тажрибасига боғлиқ. Бироқ барча ҳолларда ҳимоя нутқи асосланган, пухта тайёрланган бўлиши ҳамда суд терговидида аниқланган иш ҳолатларига, суд-тергов маълумотларига таянган бўлиши лозим. Ҳимоячи ҳар қандай шароитда олдиндан тайёрланган ҳимоя нутқини ўқиб бериш билан чекланмаслиги керак.

Шунингдек, ҳимоячи ўз нутқида судланувчининг айби исботланмаганлигини назарда тутиб, уни оқлашни сўраши, агар суд бунга рози бўлмаса, қўшимча шарт сифатида жазони енгиллаштиришни сўраши ҳимоя нутқида нисбатан ишончсизлик уйғотади. Агар ҳимоячи бир-бирини истисно қилувчи хулосаларнинг иккисига ҳам рози бўлса, суд учун унинг ҳар икки хулосаси ҳам ишончсиз кўринади. Бироқ масаланинг бундай ҳал қилиниши ҳимоячининг муайян бир хулосага асосланиб, бир вақтнинг ўзида агар улар ўринли бўлса, иш бўйича йўл қўйилган хатоларни, ҳимоя қилинаётган версияга бевосита боғлиқ бўлмасада, судланувчи учун ижобий ҳолатларни кўрсатишни истисно қилмайди. Шундай экан, ҳимоя фойдасига хизмат қилиши мумкин бўлган ҳеч нарса қўлдан бой берилмаслиги керак.

Ҳимоя нутқининг мазмуни, вазифаси ва ўзига хос хусусиятлари. Маълумки ҳимоя нутқи мазмунини ифодалаш воситаси - унинг кўриниши ҳамда тилидир. Ҳимоя нутқи композицияси бу нутқ мазмунини ташкил қилувчи ҳужжатлар бирикмасининг муайян тизим бўйича жойлашувини англатади. Ҳимоя нутқида қўйиладиган асосий талаб унинг аниқлиги ва тушунарлилигидир. Агар нутқ ноаниқ бўлса, ўз мақсадига эриша олмайди. Нутқ композициясининг тиниқлиги ва равонлиги, фикрларнинг аниқ ифодаланганлиги унинг соддалиги,

тушунарлилиги билан белгиланади. Маълумки, суд залидаги тингловчилар нутқнинг яхши англолмаган жойига қайтиш, у билан такрор танишиш имкониятига эга эмаслар. Суд тингловчилари томонидан ифоданинг мантикий давомийлигини йўқотилиши ҳимоянинг бошқа фикр ва далилларини нотўғри тушунишга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳимоячи ўз нутқида факт ва далилларни тингловчиларга тушунарли шаклда ифодаланиши керак. Шунингдек, нутқни қўшимча материаллар билан тўлдириб юбориб, унда ортиқча сўз ва ибораларни ишлатиб, тингловчиларни толиктириш ҳам ярамайди. Айни бир вақтда ҳимоячига маълум бўлган маълумотлар барчага ҳам маълум деб ҳисоблаш ноўрин. Айниқса, бир неча судланувчи иштирок этаётган мураккаб ишларда ҳимоячи ва суднинг ишни билиш даражалари турлича бўлади. Шунинг учун нутқнинг муҳим ҳолатлари ва асосий фикр-мулоҳазаларини аниқ ифодалаш лозим. Улар тўла тушунтирилгандан кейингина, бошқа масалаларга ўтиш мумкин. Нутқ мазмунига айбловнинг исботланганлиги ва квалификацияга доир масалалар киритилиши лозим бўлган ҳолларда, нутқнинг биринчи қисми ишнинг фактик ҳолатларини баён этишга, иккинчи қисми эса жиноят таркибини таҳлил қилишга бағишланади. Фактлар шундай таҳлил қилиниши ва ифодаланиши лозимки, тингловчиларда ўз-ўзидан айблов квалификациясини ўзгартириш зарурати тўғрисида ҳулоса вужудга келиши керак. Нутқда квалификация ва жазо чораларига тегишли иккита мавзу шакллантирилган ҳолларда валификация тўғрисидаги масала жазо чораси тўғрисидаги масаладан олдин келиши табиий. Бироқ бу қоида услубий аҳамиятга эга эмас. Ҳимоя нутқида ёнма-ён мавзулар, масалан айбловнинг исботланганлиги ва унинг квалификациясининг тўғрилиги юзасидан эътироз мавжудлигида, ҳимоячи прокурор тасдиқлаган жиноятнинг фактик ҳолатларини шартли ҳисоблаб, ўз далилларини қарама-қарши изчилликда жойлаштириб, қилмишнинг фактик таркиби ва унинг юридик квалификацияси ўртасидаги тафовутни очиқ бериши лозим.

Нутқнинг муҳим композициявий аҳамияти унинг мақсадлилиги ва изчиллигидир. Ҳимоя нутқи ўзида материаллар танлови ва жойлашувининг тўла тугаллигини, бирлигини акс эттириши лозим. Келтирилган фактлар, баҳолар ва ҳулосалар нутқ мавзусини ташкил қилган ягона мақсадга қаратилади.

Ҳимоя нутқи уч қисмга бўлинади:

- 1) кириш;
- 2) асослантириш ёки баён қисми;

3) хулоса.

Ҳимоя нутқининг қисмлари мантикий кетма-кетликни ташкил этиб, уларнинг барчаси бирдек аҳамиятлидир. Ҳимоя нутқи тезда тингловчилар эътиборини жалб қилиши лозим. Нутқнинг ҳажми қанча кичик бўлса, унга шунча кўп эътибор ажратилади.

Кўпинча ҳимоячилар нутқни шундай бошлашади:

«Ҳурматли суд. Мен Сизларни кўп вақтингизни олмоқчи эмасман». Бундай дейиш мутлақо ўринсиз.

«Ҳурматли суд, мен Ахроровни ҳимоя қиляпман», каби чиқиш ибораси судларга бунингсиз ҳам маълум эслатиш бўлиб, ортиқчадек кўриниши мумкин. Бироқ бу бир нечта судланувчи ва ҳимоячилар бўлган ишларда ишлатилиши ўринлидир.

Ҳимоя нутқининг кириш қисми судланувчи айбланаётган жиноятнинг ва ишнинг ижтимоий баҳоланиши билан бошланиши мумкин. Бироқ бу нутқнинг мустақил мавзусини ташкил қилиши шарт эмас. Нутқнинг асослантириш қисмида унинг мазмунини ташкил қилувчи асосий мавзулар ёритилади. У ишнинг фактик томонлари тавсифи, далилларнинг баҳоланиши, айбловнинг моҳияти, жиноят квалификацияси, судланувчи айбсизлигини кўрсатувчи ёки жазо чорасини индивидуаллаштириш учун асос бўлиши мумкин бўлган далиллар, шахс тавсифига тегишли у ёки бу фактларнинг исботланмаганлиги тўғрисидаги хулосаларни ўз ичига олади. Турли хил мазмундаги бу материаллар муайян қисмларга ажратилмаса, тингловчилар томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Бу қисмлардан биринчиси иш ҳолатлари баёни бўлиб, жиноят ҳодисаси юз берган ҳолат, у содир этилган жой, вақт ва ҳаракат усули, унинг оқибатлари, мотиви ва бошқа фактлардан ташкил топади. Иш ҳолатларининг баёни айблов хулосасида ифодааланган шаклдаги иш фабуласини такрорлаши мумкин эмас. Бундай шакл судларга маълум бўлган фактларни зерикарли такрорлашга ва кераксиз равишда уларни толиқтиришга олиб келади. Маълум даражада мураккаб фабулали ишлар бўйича ҳимоя нутқида айблов ва ҳимоя позицияларининг турли шарҳларига йўл қўйилади ва бундай баён ўринлидир. Баёнот кўпинча ҳимоячи қилмишининг қонунга хилофлигини инкор қилувчи ҳолатлар мавжудлиги ёки жавобгарликнинг субъектив шартларини йўқлигини исботлаётган ишларда ҳам зарур. Бундай ҳолатда айблов хулосасидан ишнинг фактик ҳолатлари баёнига ҳимоячи назаридаги фактлар баёни шундай изчилликда қарама-қарши қўйилади. Бу билимнинг моҳияти айблов ва ҳимоя ўртасидаги низони аниқлаш,

айбланувчи ва унинг ҳимоячиси томонидан нима тан олинганлиги ва нима юзасидан низолашилаётганлиги билан тугалланади. Жиноят содир бўлиш фактининг ўзи тан олинади, бироқ уни квалификация қилиш белгилари низоланиши мумкин, ҳимоя нутқининг бу қисмида нотикнинг фикри янада қисқа ва аниқ ифодаланган бўлиши лозим. Чунки нутқнинг айнан шу қисмида ҳимоянинг асосий йўли ва якуний мақсади белгиланади. Нутқ асосий қисмининг учинчи бўлими факт ва далиллар келтиришдан иборат бўлиб, у жуда муҳимдир.

Ҳимоя нутқида мавзу баён қилинмаслиги ёки кўрсатилмаслиги мумкин, бироқ далиллар келтирилмаслиги мумкин эмас. Ҳимоячи фаолияти моҳиятига кўра танқидий характерда бўлиб, у айблов версиясини текшириши ва баҳолаши лозим, агар у айбловни нотўғри жойларини ҳамда унинг тўла ёки қисман асоссизлигини кўрсата олса, унинг вазифаси бажарилган ҳисобланади.

Хулоса ҳимоя нутқининг муҳим қисми бўлиб, унда ҳимоячининг нутқ мавзулари ривожидан келиб чиққан якуний хулосаси, судланувчини оқлаш, унга энг кам миқдордаги жазо чорасини тайинлаш ёки шартли ҳукм қўллашни сўраб судга қилган мурожати ўз ифодасини топади. Оддий ишларда якуний қисм ҳимоячининг қисқа хулосаси ва илтимослари тарзида амалга оширилади. Мураккаб ишларда эса нутқнинг энг муҳим ҳолатлари яна бир бор таъкидланадиган кенгроқ хулоса ўринлидир. Бироқ хулоса қисми ҳеч қандай ҳолатда олдин айтиб ўтилганларнинг оддийгина баёни, такрори бўлмаслиги керак. Хулоса тингловчилар онгида ҳимоячининг асосий фикри ва мулоҳазаларини мустаҳкамлаши лозим. Ҳимоя нутқининг асосий вазифаси суд ишончининг юзага келишига кўмаклашиш билан бир қаторда унинг бошқа вазифалари ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.¹

Масалан, нутқнинг суд мажлисида ҳозир бўлганларга сиёсий-тарбиявий таъсири ҳам шундай аҳамиятга эга. Суд процессининг иштирокчиларидан бири бўлмиш судланувчининг ҳимоячиси ўз навбатида суднинг сиёсий-тарбиявий ишида унга ёрдамлашади. Бу ҳолат, шубҳасиз адвокатнинг ҳимоя нутқи сифати ва принципаллигига бўлган масъулиятни кучайтиради.

Адвокат қонун томонидан топширилган ҳимоя функциясини амалга оширар экан, процесснинг барча иштирокчилари сингари далилларни виждонан, пухта текшириши ҳамда ҳимоя нутқи орқали ҳақиқатни аниқлашга ҳаракат қилиши лозим.

¹ Ларин А.М. Презумпция невиновности. -М.: 1982. -Б.81.

Адвокат жинойт содир қилиш факти юзасидан низолашмаса, жазо чораси тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдиришга мажбур. Адвокат томонидан келтириладиган барча далиллар унинг жазо чораси тўғрисидаги илтимосининг мазмунига олиб бориши лозим. Адвокат томонидан шартли жазо чорасини, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чорасини, минимал жазо чорасини, прокурор сўраганига нисбатан енгилроқ жазо чорасини белгилаш сўралиши мумкин. Агар прокурор судланувчига нисбатан умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашни сўраса, адвокат бу жазони қўлламаслиқни сўраши лозим.

Ҳимоя нутқига тайёргарлик жараёни. Суд муҳокамасидаги ҳимоя нутқига тайёргарлик кўриш ҳимоячидан машаққатли меҳнатни талаб қилади. Ҳатто мураккаб бўлмаган ишлар бўйича ҳам иш материалларини чуқур ўрганмасдан ва процессда ҳимоя имкониятлари тўғрисида кўплаб фикрларни таҳлил этмасдан ҳимоя нутқининг самарадорлигига эришиб бўлмайди. Ҳимоя нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбсизлиги масаласини ҳал қилиш, содир қилинган қилмишни тўғри квалификация қилиниши ва адолатли жазо тайинланиши учун аҳамиятли бўлган барча ҳолатлар ўз ифодасини топиши зарур. Шу билан бирга унда нутқни тўлдириб юборувчи, келтирилган далилларнинг аниқлиги ва ишончлилигини шубҳа остига олувчи кам аҳамиятли ортиқча тафсилотлар бўлмаслиги лозим.

Нутқ устида ишлаш ўз навбатида бир неча элементларни ўз ичига олади. Тайёргарликнинг судга қадар бўлган босқичида ҳимоячининг биринчи галдаги вазифаси дастлабки тергов материалларини тўла ўрганишдир. Бу эса ишда мавжуд бўлган барча ёзма ҳужжатлар ва иш бўйича аниқланган ҳамма фактлар билан пухта танишиб чиқишни тақозо қилади. Дастлабки тергов материаллари билан танишишда кам аҳамиятли ёки умуман аҳамиятсиз деб ҳисобланган биронта ҳужжатни назардан четда қолдириш мумкин эмас. Чунки ишнинг моҳиятини билмасдан, процессда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилмасдан туриб, аниқланган фактлардан қайсилари ҳимоя мақсадида фойдаланилиши мумкинлигини аниқлаб бўлмайди. Шу тарзда ишнинг барча материаллари билан пухта танишмасдан ҳимоя учун аҳамиятли бўлган қандайдир муҳим ҳолатнинг эътибордан четда қолмаганлигига ишонч ҳосил қилиш қийин. Иш материалларини ўрганиш таҳлилий хусусиятда бўлиб, у иш мазмунига танқидий муносабатдан келиб чиқади.

Иш материалларини етарлича ўрганмаслик ёки муҳим фактларга аҳамият бермаслик ишнинг фактик ҳолатларининг нотўғри баҳолашга ёки хато ҳимоя позициясини танлашга олиб келади. Тўғри ҳимоя йўналишини вужудга келтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фактларни танлаш ва қандай янги далиллар зарурлигини аниқлаш учун иш қатъийлик ва изчиллик билан ўрганилиши керак. Ишни ўрганишда таҳлилий баҳолаш қуйидагиларга ҳолатларга йўналтирилади:

1. Ишнинг умумий таркибидаги айблов моҳиятига эга бўлган ҳар бир фактнинг айбланувчининг шахси ва тахминий ҳимоя концепцияси билан муносабатдаги аҳамиятини аниқлаш.

2. Иккинчи даражали фактлардан асосийларини ажратиш.

3. Фактларни камроқ ёки кўпроқ аниқланганларга, шубҳалиларга ажратиш, шунингдек ҳар бир факт манбаининг ишончилиги ва тўғрилигини танқидий текшириш.

Ҳимоячи дастлабки тергов материалларини ўрганар экан, тергов назаридан четда қолиб кетган далилларнинг ҳам аҳамиятини аниқлаши лозим. Далилларни таҳлил қилиш ҳамда фактларни танқидий ўрганиш асосида ҳимоячида айбловнинг асосланганлиги даражаси тўғрисидаги фикр-мулоҳаза ҳамда суд тергови босқичида текширадиган ўз версияси вужудга келади. Бу фикр ва версиялар суд муҳокамасида аниқланган фактлар билан тасдиқлансагина, уларга якуний ҳулоса аҳамиятига эга бўлган гипотеза сифатида қараш ва ҳимоя нутқида ёритиш мумкин. Текшириш вақтида барча фактлар нафақат ҳимоя позицияси нуқтаи назаридан, балки қарама-қарши позиция - айблов нуқтаи назаридан ҳам баҳоланиши зарур. Фактларни ҳар томонлама текширилишигина ҳимоячини нотўғри ҳулосалардан сақлайди. Ўз тажрибасидан келиб чиқиб, Цицерон шундай ёзган эди: «Ўз мижозимни эшитиб бўлгач, у билан қарши томон бўлиб баҳсга киришаман, у қаршилиқ билдиради ва шу тариқа иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни айтиб беради. У кетгач, мен ўзимни уч шахснинг - ҳимоячи, айбловчи ва суднинг ўрнига қўйиб кўраман, ҳар ҳолда тўла ҳолис бўлишга ҳаракат қиламан».¹

Нутқни судгача тайёрлашда ҳимоячи процессда келиб чиқиши мумкин бўлган, айниқса ишнинг моҳиятини мутлақо ўзгартириб юборадиган олдиндан кўриб бўлмайдиган тасодифий ҳолатларни ҳам эътиборга олиши лозим.²

¹ Цицерон М.Т. Три трактата об ораторском искусстве. -М.: 1972. -Б. 359.

² Саркисянц Г.П. Процессуальное положение защитника в уголовном процессе. -Т.: 1967. -Б.74.

Нутқ устида ишлаш жараёнида ноаниқ ҳолатларни ёритувчи фактлар келиб чиққан вақтда уларни унутмаслик учун дарҳол ёзиб олиш зарур. Шундай тарзда ҳимоя нутқининг асосий мавзулари, тахминий ҳимоя позицияси аста секинлик билан шакллана боради.

Нутққа тайёргарлик суд тергови даврида ниҳоясига етади. Бу босқичда нотиқ онгида нафақат нутқ мавзуси ва ғояси, балки уларни очишнинг аниқ усул ва воситалари ҳам тугал шаклланади, текширилган ва олинган маълумотлардан келиб чиқиб, нутқнинг дастлабки схемаси, лойиҳаси ёки режасига тузатиш ва тўлдиришлар киритилади. Қуйидаги маълумотлар нутқ лойиҳасини ўзгартириш ёки тўлдиришга сабаб бўлиши мумкин:

1) суд тергови вақтида аниқланган янги фактлар;

2) олдин аниқланган фактларнинг шарҳи ёки манбаининг ўзгарганлиги;

3) дастлабки режадагидан ташқари қўшимча мавзулар ва алоҳида масалаларнинг келиб чиқиши.

Суд муҳокамаси давридаги нутқ тайёргарлиги юқоридагилардан ташқари далилларнинг бевосита ўзлаштирилишидан келиб чиққан фикр ва тавсифларни хотирада мустаҳкамлаш ва процесс иштирокчилари психологиясини ўрганишни ўз ичига олади.

Нутқ лойиҳасига сўнгги тўлдириш ва тузатишлар прокурор нутқи вақтида киритилади. Ҳимоячи айблов нутқини тинглашда ўз лойиҳасида мавжуд бўлган алоҳида ҳолатларни аниқлаштириб қолмасдан, айблов нутқидаги рад этишни талаб қилувчи ҳолатларни белгилаб, ҳимоя нутқини мунозарали тарзда тўлдиради.

Ҳимоячи маҳоратининг муҳим белгиларидан бўлган ишонтириш ва таъсирчанлик фактларни бирлаштириш ва уларни муайян қатъий мантикий изчилликда баён этиш учун хизмат қилади.

Ҳимоя нутқида алоҳида фактлар ва уларнинг моҳиятини англатувчи, моҳирона жой-жойига қўйилган мантикий хулосалар билан бир қаторда нотиқнинг фикрини ифодали шаклда очиб берувчи қисмлари ҳам бўлиши лозим. Нотиқнинг ҳимоя нутқини бойитувчи, унинг фикрини тиниқ ва тушунарли ифода қилувчи бадий образлар, тарихий ва адабий мисоллардан фойдаланиши мумкин. Ҳимоячи кенг дунёқараш ва етарли тасаввур эгаси бўлса, нутқий таъсирчанликнинг самарали воситалари нутқ устида ишлаш жараёнида ўз-ўзидан вужудга келади. Шу билан бирга нутқнинг мантикий исботлаш томони ва унинг тингловчиларга ҳиссий таъсири сақланиб қолиши керак.

Нутқ лойиҳаси барчага тушунарли тарзда расмийлаштирилиши лозим. Ҳимоя нутқини расмийлаштириш борасида турли хил фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар, тайёргарликсиз сўзланган нутқ яхши натижа беради, процесс давомида ижодий шаклланган жонли нутқгина ўз мақсадига эришиши ва тингловчиларга яхши таъсир қилиши мумкин (А.Ф.Кони), бошқалари эса, «қалам яхши устоз» дея таъкидлаб, фақат чуқур ўйлаб, олдиндан тайёрланган нутқ маъқул, деб ҳисоблайдилар (Цицерон). Адвокатларнинг амалий тажрибаси иккала нуқтаи назарнинг ҳам тўғрилигини тасдиқлайди.

Баъзи адвокатлар судда чиқишга тайёргарлик кўриш чоғида ҳимоя нутқининг матнини бошидан то охиригача ёзадилар. Бошқалари эса нутқнинг тугал матнини бутун суд процесси давомида яратадилар. Шубҳасиз, бу масала бўйича тайёр умуммажбурий тавсиялар бўлиши мумкин эмас, уни ҳал қилиш ишнинг ҳамда нотикнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Бироқ фаолиятини эндигина бошлаган ёш адвокатлар ўз фикрларини аниқ, қисқа, лўнда ифодалаш кўникмаларини ҳосил қилишда нутқ матнларининг ёзма ифодасига амал қилишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Нутқнинг матни судгача тайёргарлик босқичида ёзилган ҳолларда, унинг бошланғич ва бирламчи хомаки нутқ лойиҳаси эканлигини унутмаслик, суд тергови натижаларига боғлиқ равишда уни қайта ишлаш, қатор ҳолларда эса тубдан ўзгартириш лозим. Шунинг учун нутқнинг тўлиқ матнини тайёрлаш масаласи тўғрисида айтиш мумкинки, унинг процесс бошлангунга қадар тайёрланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу босқичда фақат батафсил режалар, тезислар ҳамда бошқа ёзувлар билан чекланган маъқул. Нутқ матни суд тергови тугаганидан кейин ёзилса, унга ҳам нотик онгидаги муайян сўз шаклига келтирилган фикр ва тасвирларни мустаҳкамлашга қаратилган ёрдамчи материал сифатида қараш лозим. Суд муҳокамасида нутқ сўзлаш вақтида тайёр матндан фойдаланиш ярамайди, чунки у нотикни чеклаб қўйиши ҳамда иштирокчилар билан бевосита мулоқотни бузиши муқаррар. Ҳимоя нутқига тайёргарлик қанчалик изчил, чуқур олиб борилган бўлса, уни ифодалашда нотик ўзини шунчалик эркин ва ишончли ҳис қилади.

Ҳимоя нутқига тайёргарлик қуйидаги ҳолатларни қамраб олади:

1) иш бўйича тўпланган далилларни пухта ўрганиш ва уларни текширишда фаол иштирок этгач, ўз нутқида уларга тўғри баҳо бериш;

2) айблов версиясини чуқур таҳлил қилиш, зарур ҳолларда уни ҳимоя версиясига солиштириб, тўла эмаслигини, баъзи ҳолатларнинг асоссизлигини кўрсата олиш;

3) судга айбловнинг тўла ёки қисман асоссизлигига гувоҳлик берувчи ҳимоя ихтиёридаги далилларни тақдим қилиш;

4) судланувчи содир этган қилмишнинг юридик квалификацияси таҳлилини тайёрлаш, бу масаладаги ўз фикрини баён этиб, уни айбловчининг нуқтаи назарига қарама-қарши қўя билиш;

5) судланувчининг шахсини тавсифловчи маълумотларни судга тақдим қилиш;

6) ҳимоя нутқида айтиладиган мулоҳазаларни тасдиқлаши мумкин бўлган зарур маълумотларни тайёрлаш.

Судда тортишув маҳорати. Жиноят процессининг энг муҳим ва асосий босқичи - суд муҳокамаси босқичидир. Айнан шу босқичда жиноят иши юзасидан тўпланган барча далиллар ошкора, оғзаки ва бевосита текширилади ҳамда узил-кесил баҳоланади. Шунингдек, фақат судда жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг айбдорлик масаласи ҳал этилади, унга нисбатан ҳукм чиқарилади.

Суд фаолияти мустақил ва фақат Ўзбекистон Республикаси-нинг Конституциясига ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунларга бўйсуниб, ошкоралик, тарафлар тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги, айбсизлик презумпцияси каби принципларга ва жиноят процессининг бошқа демократик асосларига таянади.¹

Жиноят ишини судда кўриш ва ҳал этиш (in judicio - лот.) функцияси фақат суд томонидан амалга оширилади.² Бу шуни англатадики, давлатнинг айбланувчини жиноят содир этишда айбдор деб топишга ваколатли ягона органи суд ҳисобланади, суднинг бундай қарорини расмийлаштирадиган ягона процессуал ҳужжат эса фақат суд ҳукмидир (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 26-моддаси, ЖПКнинг 23, 28, 29-моддлари). Асосан биринчи инстанция суди фаолияти билан боғлиқ бўлган бу функция маълум хусусиятлари билан жиноят ишини судда кўришга тайинлашда ҳам, шунингдек апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритишда ҳам, яъни жиноят процессининг суд белгиловчи ва ҳал қилувчи ўрин тутган босқичларида ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, жиноят ишини судда кўриш функцияларини бажариш учун процессуал фаолиятга давлат органлари фаолиятига нисбатан ёрдам бобидаги

¹ Иноғомжонова З.Ф., Тўлаганова Г.З. Жиноят процесси иштирокчилари. –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.13.

² Смирнов А. В., Калиновский К. Б. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Под общ. ред. А. В. Смирнова. - СПб.: Питер, 2004. – Б. 497.

процесснинг ташкилий-техникавий таъминлаш (таржимонлар, мутахассислар, холислар) ёки исботловчи маълумотларини олишга кўмаклашиш (гувоҳлар, экспертлар) вазифаларини амалга оширадиган фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади.

Албатта жиноятни очиш, уни содир этган шахсни аниқлаш, жавобгарликка тортиш борасида суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг фаолиятлари муҳим ўрин эгаллайди. Аммо шундай бўлсада, уларнинг фаолиятлари судга жиноят ҳолатларини тўғри ва холисона аниқлаши учун хизмат қилишга, унга кўмак беришга қаратилган. Чунки, жиноят процессининг мақсади жиноят иши бўйича айбдор шахсни жазолаш, айбсизни эса асоссиз жавобгарликдан ҳимоя қилишдир. Худди шу масалалар жиноят процессининг суд босқичида мантикий ечимини топади. Шунинг учун, суд муҳокамаси босқичининг асосий ва муҳим иштирокчиси - суддир. Жиноят процессида одил судлов функциясини фақат суд амалга оширади. Суд муҳокамасининг қолган иштирокчилари, яъни давлат айбловчиси, судланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи ва бошқалар, судга турли мазмундаги илтимосномалар билан мурожаат этадилар. У ёки бу процессуал масала юзасидан судга фақат фикрларини билдиришлари, далиллар келтиришлари ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишлари мумкин. Аммо улар иш юзасидан бирон-бир қарор қабул қилишга ҳақли эмаслар. Бундай ҳуқуқ фақат судга берилган.

Суд муҳокамасида давлат айбловчиси етарли асослар мавжуд бўлганда айбловни қувватлайди, судланувчини айбдор деб топиш ва уни жазолаш лозимлиги ҳақида фикр билдиради. Ўз навбатида фуқаровий даъвогар даъвони қаноатлантиришни, етказилган зарарни ундиришни сўрайди. Судланувчи ва ҳимоячи айблов хулосаси асоссиз эканлиги сабабли унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ёки оқлов ҳукми қабул қилиш, фуқаровий жавобгар эса, даъвони рад этиш ёки ундириладиган зарар миқдорини камайтириш ҳақида судга илтимос қиладилар. Суд эса, ҳеч кимни айбламайди, ҳимоя ҳам қилмайди, у фақат ишни ҳал этади. Шунинг учун, суд зиммасига иш ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона текширишини таъминлаш, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш вазифаси юклатилган. Бу вазифани амалга ошириш учун суднинг ўзи жиноий ҳодисанинг барча ҳолатларини, иш юзасидан тўпланган далилларни бевосита текширади, ўрганади ва баҳолайди, шундан сўнг у қонунга ва ўзининг ички ишончига асосланган ҳолда ҳукм чиқаради. Агар иш тўғри ҳал этилса, жиноят процесси кўзлаган мақсадга эришади, одил судлов

тантана қилади. Бунинг акси бўлса, яъни суд хатога йўл қўйиб, бегуноҳ шахсни жазоласа ёки жиноят содир этган шахсни жавобгарликдан ва жазодан озод этса, унда қонун қўпол тарзда бузилади, одил судлов ўз мақсадига эришмайди. Мана шу процессуал доирадаги ҳаракатлар одил судлов функциясининг моҳияти ҳақидаги тушунчани беради. Бу функцияни самарали бажариш, мазкур процессуал фаолиятни қандай ташкил этилганлигига боғлиқ.

Тортишувли масалани кўриб чиқиш ва уни ҳал этиш суд муҳокамасининг марказий ғоясидир.¹

Маълумки, жиноят ишининг судга келиб тушиши суд муҳокамасининг юзага келтиради. Прокурорнинг ишнинг судга юборганлиги айблов хулосаси билан келишганлигидан далолат беради. Шунинг учун прокурор суддан айбловни асосли деб топилиши ва судланувчига нисбатан айблов ҳукми чиқарилишини сўрайди. Аммо айбланувчининг айбини инкор этувчи ва жавобгарлигини енгиллаштирувчи далилларсиз ишни ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли, суд муҳокамасида айблов функцияси билан бирга, процессуал жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлган ҳимоя функцияси ҳам мавжуд бўлиши шарт. Бу эса тарафларнинг суд муҳокамасидаги тўқнашуви, қарама-қарши фикр ва хулосаларнинг кураши асосида ишни ҳал этиш функциясининг пайдо бўлишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасида суд муҳокамасининг шундай тартиби шаклланганлиги, унда айблов ва ҳимоя функциялари ишни ҳал этиш функциясидан ажратилган ва бир-бирларидан қатъий чегараланган. Шунингдек, тенг ҳуқуқли тарафларга суд ҳузурида тортишув олиб бориш, судга эса тарафларнинг хулоса ҳамда фикрлари ва ўзининг ички ишончи асосида қарор қабул қилишга имконият яратилган. Бу эса суд муҳокамасининг энг демократик кўриниши эканлигини яна бир бор айтиб ўтиш зарур. Жиноят иши юзасидан ҳақиқатни бундай усулда ўрнатилиши фақат тортишув тушунчасини ифода этиб қолмай, одил судловнинг амалга оширишнинг кафолатидир.

Суд муҳокамасининг тарафлар тортишувига асосланган қисмини унинг энг юқори чўққиси деб таърифлаш мумкин.² Суд муҳокамасининг шу қисмида тарафларнинг фикр ва хулосалари кураши яққол намоён бўлади. Суднинг айнан шу босқичида ҳимоя айблов

¹ Гришин А.И. Состязательность уголовного судопроизводства и предварительное расследование. // Правоведение. -1998. -№1. -Б.15.

² Якимович Ю.И. О принципе состязательности в современном уголовном процессе России. -Кемерово: 1997. -Б.178.

тарафи келтирган барча далилларнинг номақбуллиги юзасидан ўз фикрини асослаш, айбловчи тараф эса айблов далилларнинг асосли ва уларнинг ҳимоя далиллари ҳамда эътирозларидан устунлигини суд олдида баён этиш имконига эга бўлади.

Суд музокаралари давлат айбловчисининг, ундан кейин жамоат айбловчисининг айблов нутқлари билан бошланади. Процесснинг бу субъектлари нутқларини тугатганларидан сўнг, сўз жабрланувчига, фуқаровий даъвогарга ёки уларнинг вакилларига берилади. Шундан сўнг ўз фикрларини ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари билдирадилар. Тарафлар музокараларда фақат жиноят ишида мавжуд бўлган ва суд муҳокамасида текширилган, ўрганилган далилларга асосланишлари, уларга баҳо беришлари ҳамда суднинг ҳукмда қайси далилларга асосланиши лозимлиги ҳақида фикр билдиришлари лозим. Музокаралар тугаганидан кейин тарафлар ўз мулоҳаза ва эътирозлари билан сўзга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Аммо, сўнгги сўз билан чиқиш ҳуқуқи ҳамиша судланувчи ва унинг ҳимоячисига тегишлидир. Музокараларда давлат айбловчиси ва ҳимоячининг чиқишлари муҳим ўрин тутadi. Чунки, процессда қарама-қарши манфаатни кўзловчи ва турли функцияларни амалга оширувчи бу икки субъект процессдаги асосий масала юзасидан тортишув олиб боровчи марказий субъектлардир. Айнан давлат айбловчиси ва ҳимоячи музокара давомида судда ички ишончнинг шаклланишига тўлароқ таъсир этиш имкониятига эга.

Хулоса қилиб айтганда, суд айблов ва ҳимоя функцияларидан холи бўлиб, суд муҳокамасида тарафларга тенг имкониятлар яратиб берувчи холис ҳакам сифатида иштирок этиши шарт.

ЖПКнинг 25-моддасида Ўзбекистон Республикасида жиноят судлов ишлари тортишув асосида юритилишининг мустаҳкамланиши кўп жиҳатдан суд-ҳуқуқ ислохотларининг келгуси йўналишини белгилаб берди. Жиноят процессининг тортишув принципи ҳамда уни дастлабки терговга жорий этишни амалиётда ҳали тадқиқ этилмаган масалалар қаторига киритиш мумкин.

Айблов, ҳимоя ва ишни ҳал этиш функцияларининг амалдаги тақсимланиши дастлабки терговда тортишув принципини жорий этишни инкор этади. Айни вақтда олимларимиз томонидан тортишув принципининг доираларини кенгайтириш, уни суриштирув, дастлабки тергов ҳамда юқори инстанция судлари босқичларида жорий этиш

таклиф этилмоқда.¹ Дастлабки терговда кейинчалик тортишув принципининг фақат баъзи бир кўринишлари тўғрисида гап бориши мумкин, чунки эълон қилинган айбловда айбланувчининг айбдорлиги ҳақида қарор қабул қилинмайди ва айбловга қарши жиноятчиликка қарши кураш манфаатлари, шахснинг кафолатлари юзасидан мақсадга мувофиқ бўлган ҳимоя тўла ҳажмда амалга оширилмайди.

Жиноят судлов ишлари тушунчаси ва мазмуни билан боғлиқ муаммолар юридик ва ўқув адабиётларида етарлича ёритилган. Лекин унинг баъзи бир принциплари, жумладан, тортишув принципи ва уни дастлабки терговга жорий этишни амалиётда ҳали тадқиқ этилмаган масалалар қаторига киритиш мумкин. Чунки, тортишув фақат суд муҳокамаси босқичида амал қилади, деган моҳиятига кўра аксиомани эслатувчи фикрлар мавжуд.² Бу фикр, тортишув принципининг императивлиги айблов, ҳимоя ва суд муҳокамаси функцияларининг тақсимланишидан, айблов ва ҳимоянинг суд олдида ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилишдан иборат, деган қоидага асосланган. Жумладан, В.В.Игнашин қуйидаги фикрни билдирган: «Суд муҳокамаси бошлангунига қадар айбланувчи ва ҳимоячилар барча иш материаллари, ҳатто айблов хулосаси билан танишиб чиқсалар, судда қандай тортишув бўлиши мумкин? Шу йўл билан уларга барча маълумотлар ошкор этилиб, айблов томонининг аргументлари маълум қилинади».³

Айблов, ҳимоя ва суд муҳокамаси функцияларининг амалда бўлган тақсимланиши дастлабки терговда тортишув принципини жорий этишни инкор этади. Бу мавзуга мурожаат қилган муаллифлар ҳам қуйидаги фикрни билдирганлар: «дастлабки терговда терговчи ва айбланувчи ўртасидаги тортишув ҳақида жиддий гапириш мумкин эмас, чунки дастлабки терговда айблов, ҳимоя ва ишни ҳал этиш функциялари мавжуд эмас».⁴ Дастлабки терговда кейинчалик тортишув принципининг фақат баъзи бир кўринишлари тўғрисида гап бориши мумкин, чунки эълон қилинган айбловда айбланувчининг айбдорлиги ҳақида қарор қабул қилинмайди ва айбловга қарши «жиноятчиликка қарши кураш манфаатлари, шахснинг кафолатлари

¹ Тухташева У.А. Принцип состязательности как основной принцип уголовного судопроизводства. // Состязательность производства в суде – важнейший принцип уголовного процесса. 14 декабря 2004 г. Судебный контроль за процессами предварительного следствия и досудебного производства. 22 февраля 2005 г. Сборник материалов круглых столов. –Т.ТГЮИ, 2005. –Б.6-8.

² Тыричев Н.В. Принципы уголовного процесса. –М.: 1983. –Б.45-56.

³ Игнашин В.В. Предварительное следствие – пути совершенствования. // Правовед. Научно-правовой сайт. 16.02.2005 г. Ресурс. <http://pravoved.jurfak.spb.ru/content.asp>.

⁴ Дюрагин Н. Дискуссионные вопросы реформы уголовного судопроизводства. // Юстиция. -1989. -№7. –Б.9.

юзасидан мақсадга мувофиқ бўлган»¹ ҳимоя тўла ҳажмда амалга оширилмайди. Бироқ, замонавий юридик фани айни вақтгача жиноят судлов ишларини юритишнинг оптимал шакли ҳақида, жумладан, жиноят процессининг тортишув модели, маслаҳат судини жорий этиш, тергов судлари институтининг имкониятларини баҳолаш ва бошқалар юзасидан етарли тасаввурга эга эмас. Бундан ташқари, дастлабки тергов органлари устидан суд назоратини ўрнатиш (масалан, қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси юзасидан судга шикоят қилиш, қамокда сақлаш муддатини узайтириш) ҳақидаги таклифларга етарли эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз.

Собиқ тоталитар тузум даврида жиноят-процессуал функциялар тизимининг тортишувсиз лойиҳаси кўпроқ эътибор қозониб, унинг доираларида дастлабки тергов, суд муҳокамаси ва ишни ҳал этиш, прокурор назорати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик ва бошқа функциялар ажратилди. У жиноят процессида айблов функцияси мавжудлигини инкор этади, чунки ҳеч қайси иштирокчига фақат айблов фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилмаганлиги ҳақиқий социалистик бирдамлик принципига жавоб берар эди. Бунга эса барча жиноят ишлари бўйича иш юритув жараёнлари ва функцияларини унификация қилиш орқали эмас, аксинча, ихтисослашув, процесс иштирокчилари фаолиятидаги фойдали тафовутларни ривожлантириш орқали эришилган.²

Биз, тортишув принципи фақат ишлар судда кўрилишида эмас, «барча иш юритувида, яъни дастлабки тергов босқичида ҳам амал қилади»,³ деб ҳисоблайдиган олимларнинг фикрларига тўла қўшиламыз.

А.В.Смирнов тортишувнинг европача моделини татбиқ этишни, яъни тортишув ҳаракатларини иштирокчилар сонини кўпайтириш орқали «энига» ўстириш ва «тубига» - жиноят процессининг барча босқичларида амал қиладиган ҳолда тармоқлантиришни таклиф этади.⁴ Назаримизда ушбу таклиф тортишув принципини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга имкон беради.

¹ Якуб М.Л., Бабилов В.Н. Конституционные принципы правосудия и их реализация в стадии исполнения приговора. – Минск: 1986. –Б.125.

² Даев В.Г. Процессуальные функции и принцип состязательности в уголовном судопроизводстве. // Правоведение. -1974. -№1. –Б.73.

³ Қаранг: Щадрин В.С. Обеспечение прав личности и предварительное расследование в уголовном процессе. // Государство и право. -1994. -№4. –Б. 102; Гусаков Э.Г. Принцип состязательности и досудебные стадии уголовного процесса. // Судебная реформа и эффективность деятельности органов суда, прокуратуры и следствия. Сборник. -СПб.: 2001.–Б.14-19.

⁴ Смирнов А.В. Состязательный процесс. –СПб.: Альфа, 2001. –Б.214.

Назаримизда, дастлабки тергов босқичидаги тортишув принципини терговчи ва прокурорнинг процессуал ҳолати, ҳамда прокурор назоратининг моҳиятига асосланган ҳолда кенгроқ доирада кўриб чиқилиши лозим. Агар тортишувни процесс иштирокчилари нуқтаи назарларини ифодалаш услуби сифатида қаралса, у янада катта ҳажмга эга бўлади. Жабрланувчи, терговчининг ҳаракатлари ноқонуний, деб ҳисобласа, ўзининг қонунда белгиланган имкониятларига асосланиб, терговчининг жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят келтириш, юзлаштириш ўтказиш ҳақида илтимоснома бериш ва бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин. Бу каби ҳолатларда процесс иштирокчилари баҳсга киришадилар, ўз талаблари ва қабул қилган қарорларини асослайдилар.¹

Шу билан бирга ЖПКда юридик фан ва амалиётдаги кўплаб прогрессив ғояларни акс эттириш, тортишув принципини босқичма босқич татбиқ этиш, жиноят судлов ишлари иштирокчиларининг процессуал функцияларининг яққол тақсимланишини таъминлаш лозим. Шу сабабдан, жабрланувчи ва унинг вакилига айбланувчининг жиноий таъқибида иштирок этиш ҳуқуқини бериш ва уни процессуал мустаҳкамлашга ўткир эҳтиёж борлиги сезилади. Жиноят-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари шароитида, ҳокимият ва озодлик, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатлар долзарб тус олган бир вақтда жабрланувчини айблов томонига киритиш ўзини оқлайди, деб ўйлаймиз. Ахир жиноий таъқибнинг шакл ва субъектларининг кўплиги – бу демократик, тортишув негизидаги жиноят судлов ишларининг асоси ҳисобланади. Ёки фуқарога одил судловда қатнашиш ҳуқуқи берилиб, унинг одил судловда иштирок этиши ва жиноий тажовузлардан ҳимояланиши таъминланади. Бундай ҳолда хусусий шахсларнинг жиноий таъқибда иштирок этиш ҳуқуқи ниҳоят жиноий таъқибга нисбатан давлат монополиясини сақлаб қолган ҳолда расмий тан олинади. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов бу хусусда шундай деб таъкидлаган эдилар: «Давлатнинг куч-қудрати - аввало, демократик институтларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиб бериши билан ўлчанади... Биз бу борада давлат вазифаларини нодавлат тузилмаларига босқичма-босқич ўтказиб боришимиз зарур. Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг нуфузи ва мавқеини ошириб, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади».²

¹ Смирнов В.П. Противоборство сторон как сущность принципа состязательности уголовного судопроизводства. // Государство и право. -1998. -№3. –Б. 58-63.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 8.

Ҳозирда хусусий айблов доирасининг кучли чекланиши, сўзсиз, қитъавий ҳуқуққа хос бўлган «жиноий таъқиб - фақат давлатнинг фаолиятидир», деган анъанавий тасаввурнинг намоён бўлишидир.

Балки шунинг учундир, жиноятдан жабр кўрган шахснинг жиноий таъқибда иштирок этиш ҳуқуқи қонун чиқарувчи томонидан ҳатто декларатив даражада қайд этилмаган, уни татбиқ этилиши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.¹

Жабрланувчи хусусий шахс бўлгани учун давлат айбловини қувватлай олмаслигини тўғри тушуниш лозим.² Лекин у айбланувчини жиноий таъқиб қилишга қаратилган бошқа процессуал ҳаракатлар содир этиши мумкин. Зеро, давлат ва хусусий жиноий таъқиб — икки мустақил ва бир бирига боғлиқ бўлмаган шаклдир. Жиноят процессининг тарихий шакллари тадқиқ этиш тортишув процессида мансабдор ва хусусий шахслар жиноий таъқибни амалга оширишда тенг имкониятлардан фойдаланишини кўрсатади. Масалан, Буюк Британияда аввал ҳам, ҳозирги кунда ҳам ҳар бир фуқаро ҳар қандай жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга.³ Сабаби, тортишув процессида бир меъёрда жиноий таъқибнинг икки мустақил тури — хусусий ва давлат жиноий таъқибни амалда бўлиши мумкин. Жабрланувчининг жиноий таъқибни амалга ошириш имкониятини давлат органларининг хоҳиш-иродасига боғланиши жиноят судлов ишларининг тортишув моҳиятига мос келмайди.

Тортишув принципи фуқаровий даъвогарнинг илтимоснома ва шикоятлар бериши (ЖПКнинг 57-моддаси), фуқаровий жавобгарнинг даъвога эътироз билдириши, далиллар тақдим этиши ва бошқа ҳаракатларида, шунингдек экспертиза ўтказилишида ҳам амалда бўлади. Бу тортишувга киришувчи процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг ҳажмидан келиб чиқади, уларнинг баҳси ва кураши ҳақиқатни аниқлашга қаратилган. Процесснинг ҳар бир қатнашчиси ўзига хос руҳий ҳолатга эга бўлиб, ундан процессуал ҳуқуқлари ва имкониятлари доирасида фойдаланади ва шу билан бир вақтда автоном тарзда ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилади.

¹ Саидов Б. Дастлабки терговда шахснинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш принципининг таъминланиши. // Ҳуқуқ, Право, Law. -2000. -№2. -Б.78.

² Чунончи, 1963 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган 1959 йилдаги ЖПКнинг 376-моддаси жабрланувчи ва унинг вакилига айбловнинг исботланганлиги, қилмишнинг юридик малакаланиши ва жазо чораси тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдириб, судда айбловни қувватлаш ҳуқуқини берган.

³ Головки Л.В. Альтернативы уголовного преследования в современном английском праве. —М.: 1994. -Б.105-106.

Шахс айбланувчи тариқасида ишга жалб этилишида ҳимоячи иштирок этганда тортишув принципи анча тўлиқ намоён бўлади.¹ Улар процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларидан келиб чиқиб ўз манфаатларини ҳимоя қиладилар, талабларини асослаб берадилар, бошқа иштирокчиларнинг фикрлари билан баҳслашадилар, айрим олинган фактни исботлаш учун курашадилар.²

Муаллифларнинг, ҳимоячи томонидан тинтув, олиб қўйиш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш каби процессуал ҳаракатларни амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги нуқтаи назарларига қўшиламиз.³ Бу тергов ҳаракатлари ҳуқуқий давлатда топилган далилларнинг ҳақиқийлигини процессуал кафолатлаш асосида махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар томонидан амалга оширилиши лозим. Лекин тилга олинган тергов ҳаракатларида процессуал қонунга асосан ҳимоячи ҳеч қандай тўсқинликсиз иштирок этишга ҳақли ёки бу ҳаракатлар очиқ ҳолда томонлар, холислар, айбланувчи ва бошқалар иштирокида ўтказилиши керак. Таъкидлаш жоизки, кўрсатиб ўтилган тергов ҳаракатлари зарур ҳолларда терговчининг илтимосномасига биноан ҳам ўтказилиши кўзда тутилган. Бироқ гап кўрсатувлар, экспертиза тадқиқотлари натижаларини олиш, жиноят судлов ишларига мутахассисларни жалб этиш ва уларнинг ёзма хулосаларини олиш каби ҳаракатлар устида кетаяпти. Бунда ҳимоячининг муқобил тергови ҳимояси остидаги шахсни оқловчи ва жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар ҳақидаги далилларни топиш мақсадини кўзлайди.

Ҳимоя томонининг барча даъво, эътирозлари айбловга қаратилса-да, дастлабки тергов босқичида гўё айблов томони шаклан мавжуд эмас, деб ҳисобланади.

Прокурор дастлабки тергов босқичида жиноий таъқибни амалга оширувчи давлат ҳокимиятининг вакили – айблов органи ҳисобланганими, деган савол туғилади. Албатта, йўқ. Прокурор суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув органлари қонунларни ижро этиши устидан назорат олиб боради. Прокурор назоратининг расмий доктринаси прокурорнинг судга қадар иш юритиш фаолиятида жиноий даъво – айбловни тайёрлашдаги раҳбарлик ўрнини инкор

¹ Лобатенко Е.В. К вопросу о состязательности на предварительном следствии. // Демократизм предварительного расследования. Сборник. – Минск: 1990. – Б.83.

² Бойков А.Д. Третья власть в России. Книга вторая. Продолжение реформ. – М.: 2002. – Б.26.

³ Кузнецов Н., Дадонов С. Право защитника собирать доказательства: сущность и пределы // Российская юстиция. – 2002. – №8. – Б.32.

этади. Амалдаги қонунчилик ва тортишув негизи талабларига кўра, прокурор томон ҳам, айбловчи ҳам, хўжайин ҳам ва жиноий таъқибнинг раҳбари ҳам эмас. Прокурор – қонунийлик ва адолатнинг беғараз тартибга солувчиси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоячисидир.

Терговчини янада камроқ даражада жиноий таъқиб органи деб ҳисоблаш керак. Унга қонун бўйича ишнинг ҳам енгиллаштирувчи, ҳам жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларини тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш; ҳам айбловчи, ҳам оқловчи далилларни тўплаш масъулияти юкланган. Бошқача қилиб айтганда, қонун унинг айбловчи бўлишини тақиқлайди – унинг процессуал функцияси – «дастлабки тергов» - юридик муносабат сифатида назариядаги классик процессуал функциялар триадасига кирмайди. «Қонунда барпо этилган терговчининг ҳолати руҳан қалбакидир...Амалда ... бир вақтнинг ўзида ишнинг икки томонига баравар эътибор қаратиш мушкул...Агар дастлабки тергов ҳануз мавжуд ва мақсадга мувофиқ бўлса, буни терговчининг аввалданоқ иккиёқламаликдан воз кечиб, айблов ҳокимияти тарафини эгаллагани билан тушунтириш мумкин. Бунга дастлабки терговни шундай ташкил этилиши олиб келди».¹ Шунга қарамай, иш юритишда терговчининг иккиёқлама ҳолатидан келиб чиқувчи қийинчиликларни фақат янада фундаментал бўлган сабабнинг оқибати деб ҳисоблаш керак. У, терговчи – инквизация жараёнининг арбоби, деган мазмундан ташкил топган.

Худди шунинг учун, терговчи томонидан беихтиёр бажариладиган айблов функцияси жиноят иши бўйича айблов хулосаси прокурор томонидан тасдиқлангунга қадар амалда бўлади. Айблов тасдиқланган вақтдан бошлаб, айблов функцияси прокурорга ўтади. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни таҳлил қилиб, дастлабки тергов босқичида жиноят процессида тортишувни таъминловчи томонлар иштирок этади, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда ва содир этилган жиноятнинг бошқа ҳолатларини текширишда тортишув принципи муҳим ўрин тутаети, деган хулосага келиш мумкин.

Бироқ бу жуда ҳам тўғри хулоса эмас. Чунки қонун чиқарувчи имитация даражасида томонларнинг ҳуқуқларини тартибга солиб, худди бирининг ваколатларини кенгайтириш (ҳимоя, айбланувчи, жабрланувчи ва ҳ.к.) ва бошқасининг жавобгарлигини ошириш (суриштирувчи, терговчи, прокурор) билан тортишув руҳини

¹ Люблинский П.И. Предварительное следствие. –М.: 1923. –Б.4; Гуцев В.Е., Александров А.С. Народное обвинение в суде. –Н.Новгород: 1998. –Б.6.

рағбатлантиришга интилади. Эски, ишдан чиққан жиноят судлов тизимини таъмирлаш йўли билан сақлаб қолиниши нафақат суд-хуқуқ тизими фаолиятини, ижтимоий турмушнинг барча жабҳаларини (шу жумладан иқтисодиётни ҳам) ислоҳ этишга жиддий тўсқинлик қилади. Шунинг учун айбловнинг ҳозирги замон талабларига мос бўлган оптимал моделини излаш, унинг дастлабки тергов босқичида намоён бўлишининг таркибий шакли катта қизиқиш уйғотади.

Чет давлатлар қонунчилигида тортишувли жиноят судлов ишлари доирасида прокуратурага жиноятни тергов қилиш давлат функцияси берилган бўлиб, у ўз ташаббуси билан ёки ўзига келиб тушган баённомалар, шикоят ва аризалар асосида жиноят ишини қўзғатиши мумкин. Бундан ташқари прокуратура жабрланувчининг аризасига кўра, фуқаровий даъво бор ёки йўқлигидан қатъи назар, даъво қўзғатишга мажбур. Прокуратура, қоидага биноан, жиноят ишини қўзғатишда суд полицияси (Франция, Италия) ва жиноят полицияси (Германия) фаолиятининг натижаларига асосланади. Полиция зиммасига маълумотларни тўплаш, далилларни мустаҳкамлаш ва қонун бузилишида айбдор бўлган шахсларни қидириш чораларини кўриш мажбуриятлари юкланган.

Дастлабки тергов жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича мажбурий, қилмишлар тўғрисидаги ишлар бўйича – факультатив тарзда, ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича эса фақат прокурор талаби билан ўтказилади.¹ Бошқа барча ҳолларда ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар полиция суриштируви билан чекланади.

Франция ва Италияда дастлабки тергов суд мақомидаги мансабдор шахс, яъни тергов судьяси томонидан олиб борилади. Унинг процессуал ҳолати иккиёқламадир.²

Тергов судьяси ташкилий жиҳатдан суд инстанцияларининг бўйсинувида бўлса ҳам, ўз функцияларини бажаришда прокуратурага боғлиқ бўлиб, уларнинг кўрсатмалари доирасида ҳаракат қилади.

Тергов судьялари муносабатларининг мураккаб шакли ва ҳолатининг иккиёқламалиги, кўпроқ мустақил институт сифатида тўла ҳуқуқли айблов субъекти бўлишга даъвогарлик қила олмайдиган дастлабки терговнинг лойиҳавий носозлигини ифодалайди. Шунинг учун терговчи фаолиятига дастлабки терговга кўшимчалар киритиш ва айбланувчининг ҳуқуқларини кенгайтириш йўли билан тортишув

¹ Бу қоида 1992 йил 22 июлда қабул қилинган Франциянинг янги Жиноят Кодексида ҳам сақлаб қолинди. (Қаранг: Кузнецова Н. Новый Уголовный Кодекс Франции. // Юстиция. -1993. -№19. -Б.12)

² Боботов С.В. Буржуазная юстиция (состояние и перспективы развития). -М.:1989. -Б.49.

ифодасини бериш учун қилинган барча уринишлар бесамар кетаверади.

Немис процессуалчи олимлари тортишув негизига қурилган дастлабки терговни барпо этиш учун жуда кўп изланганларидан кейин, дастлабки терговни жиноят судлов ишларининг алоҳида босқичи сифатида бекор қилиб, прокурор суриштируви билан чекланиш лозим, деган фикрда тўхтаганликлари тасодифий ҳол эмас.¹

Немис фанида жуда кенг тарқалган² прокурор суриштируви деб аталадиган концепция (ёки прокурор раҳбарлиги остидаги суд полициясининг суриштируви) жорий этилишини асоссиз, деб бўлмайди, чунки суд ислохотлари прокуратура барча диққат-эътиборини жиноий таъқибга қаратишини талаб этмоқда, зеро, чет мамлакатларда худди шу амалиёт қўлланмоқда. Прокурорнинг бу ишдаги чўққиси судда мустақил равишда айбловни қувватлашдир. Худди шунинг учун ҳам жиноят ишларини судга қадар юритиш айблов ҳокимиятига – процессуал ва бошқа ваколатларга эга бўлган прокуратура бошчилигидаги давлат органлари тизимига таяниши керак. Айблов ҳокимияти фақатгина жиноят процесси доирасида амал қилиб, қонун йўли билан бу доирада унга ҳокимиятнинг бошқа қатламларидан тўла мустақиллиги таъминланиши лозим.

Жиноий таъқиб субъектлари қонунда тақиқланмаган ҳар қандай усуллар билан жиноят аломатлари ва айбланувчининг айби тўғрисидаги маълумотларни тўплайдилар. Жиноий даъвонинг асосларини эркин исботлаш на вақт, на ёзма шакл, на ҳимоя томони ҳамда бошқа шахсларнинг топилган фактларни тасдиқлаш ҳақидаги расмий талаблари билан чекланиши мумкин эмас. Бунда ҳимоя томони ўзининг ҳар бир мулоҳазасини исботлаб беришга мажбур ва исботлашда айблов томони билан бир хил ҳуқуққа эга бўлиши лозим.

Демак, дастлабки тергов органлари фаолиятини эҳтимолӣ қайта ташкил этиш давомида муносабатлар тизими ва томонлар тенглигига амал қилинганда, фақат дастлабки тергов устидан жиноят-процессуал қонунчилик доирасида суд назорати ўрнатилган ҳолда-

¹ Бунда мисол тариқасида инглиз ҳуқуқидан фойдаланилган. Инглиз процессида алоҳида фаолият сифатида махсус органга топшириладиган дастлабки тергов мавжуд эмас, лекин тинчлик судьялари ҳузурида олиб бориладиган бошланғич тергов мавжуд (preliminary examination). Чунончи, инглиз тадқиқотчилари, preliminary examination қитъавий инквизицион жиноят процесси таъсири остида шаклланган, деб ҳисоблайдилар. (Қаранг: Shapiro B. "Beyond Reasonable Doubt" and "Probable Cause"): Historical Perspectives on the Anglo-American Law of Evidence. –Berkeley: 1991. –Б.246-247).

² Германияда 1974 йил 9 декабрда қабул қилинган «Жиноят-процессуал ҳуқуқ ислохоти тўғрисида»ги қонунда дастлабки тергов институти бекор қилиниб, унинг ўрнини суриштирувчи-судья иштирок этадиган прокурор-полиция суриштируви эгаллади. (Қаранг: Peters K. Strafprozeß: Ein Lehrbuch. –Heidelberg-Karlsruhe: 1981. –Б.271, 285)

гина лаёқатга эга бўлувчи тортишувнинг каноник шакли барпо этилиб, уни прокурор назорати билан солиштириш масаласи вужудга келиши мумкин.

Шундай қилиб, тортишув принципи ва томонларнинг тенглиги, бизнинг фикримизча, фақат суд муҳокамаси жараёнида эмас, балки дастлабки тергов босқичида ҳам амал қилади. Шу билан бирга, жиноят-процессуал қонунчиликда дастлабки тергов босқичида жиноят судловидаги томонлар ва уларнинг процессуал ҳолатларини, жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари кафолатланишини аниқ белгилайдиган нормалар бўлиши керак.¹

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустахкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль.

2. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиздир. // 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи 2007 йил 13 феврал.

3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2004.

5. Ўзбекистон Республикаси "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997. Ўзбекистон янги қонунлари. 15 сон, Адолат, 1998.

6. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар касб этикаси қоидалари. // Адвокат. -2000. -№1.

7. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. -Т.: Адолат, 2000 й.

¹ Погодин С.Б. Проблемы правовой регламентации состязательности уголовного процесса. // Российский судья. -2004. -№11. -15.

10. Тўлаганова Г. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2005.
11. Смоленский М.Б. Адвокатура Российской Федерации. Учебник. - СПб.: Изд-во Юридический центр Пресс, 2003.
12. Стешенко Л.А., Шамба Т.М. Адвокатура в Российской Федерации. Учебник для вузов. - М: Норма, 2005.
13. Апраксин К.С. Защитительная речь адвоката. -М.: 1979.
14. Баршевский М.Ю. Адвокатская этика. -М.: 2000.

5 – МАВЗУ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АПЕЛЛЯЦИЯ ВА
КАССАЦИЯ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИЛИШИДА
АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

- 1. Адвокат томонидан апелляция ва кассация шикоятининг тузилиши.**
- 2. Апелляция ёки кассация шикоятларидаги асосий эътирозларнинг усуллари.**
- 3. Жабрланувчининг кассация шикояти ёки прокурорнинг кассация протестига эътироз билдириш.**
- 4. Адвокатнинг шикоятни қайтариб олиш ҳуқуқи.**
- 5. Жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация тартибида иш юритилишида адвокатнинг иштироки: тушунтиришлар бериш, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар сўроғида иштирок этиш.**
- 6. Суд тортишувида адвокатнинг иштироки.**
- 7. Суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқиш ва унга билдирилган эътирозлар.**

Суд ҳукми, ажрими ва қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги, апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мумкин.

Апелляция судларининг жорий этилиши эса жиноят процессида ҳукмларни қонунийлиги, асослантирилганлиги ва адолатлилигини текшириш босқичида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Шунга мувофиқ равишда ЖПКнинг 76, 409, 473, 478, 479, 480, 481, 482, 483, 484, 490, 491, 493, 494, 495, 496, 497-моддаларига ўзгартиришлар киритилди ҳамда ЖПК 55-боб билан тўлдирилди.

Суд ҳукмининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш 2001 йил апрел ойида ЖПК га киритилган ўзгаришга кўра юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, учта турда олиб борилади: апелляция, кассация ва назорат.

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ажримлари юзасидан апелляция шикояти киритилиши мумкин.¹ Шикоят бериш ҳуқуқига маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили ҳукмнинг

¹ Раҳмонов А.Ш. Инсон ҳуқуқларининг конституциявий кафолатлари.// Инсон ҳуқуқларини таъминлаш адолатли жамиятнинг бош мезони мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2004. -Б.70.

фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари оқлов ҳукмлари устидан оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили шикоят беришга ҳақли, тегишлилигига қараб ваколат берилган прокурор протест келтиради (ЖПКнинг 480-моддаси).

Қонунчиликда апелляция тартибида шикоят келтирувчилар рўйхатида ҳимоячи ҳам кўрсатилган (ЖПК нинг 497²-моддаси). Ҳимоячи биринчи инстанция судида иштирок этган бўлса, судланувчи билан апелляция инстанциясида иштирок этиш тўғрисида битим тузилиши-тузилмаслигидан қатъи назар апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга. Агар у биринчи инстанция судида қатнашмаган бўлса, ўз номидан (ҳимоячи шахс номидан эмас), апелляция шикояти ёзиб, унга ордерни илова қилиб топширади.

Ҳимоячи–процесснинг мустақил иштирокчиси, апелляция босқичида эса апелляция тартибида шикоят беришнинг мустақил субъекти ҳисобланади. Унинг ҳукм устидан шикоят бериш ҳуқуқини чекловчи ҳеч қандай асос мавжуд эмас. Ҳимоячи ўз вақтида шикоят қилишдаги позициясини маҳкумга маълум қилиши лозим.

Амалиётда баъзан шундай ҳолат ҳам учраб қолиши мумкин. Маҳкум биринчи инстанция судининг ҳукми устидан адвокатга апелляция шикояти беришни сўрайди. Лекин, адвокат шикоят бериш учун ҳукмнинг қонунийлиги ва асослилигига ҳеч қандай шубҳа топа олмайди. Шунда адвокат шикоят беришни рад этиши лозимми, деган ўринли савол туғилади. “Ҳимоячи - адвокатнинг шикоят тузиш ва судга бериш ҳуқуқи уни ўз номидан бериш мажбуриятини англатмайди. Агар ҳимоячи ҳукм устидан шикоят беришни лозим топмаса, бу тўғрида маҳкумга маълум қилади ва унга мазкур ҳаракатнинг самарасизлигини тушунтиради. Агар маҳкум шунда ҳам шикоят беришни талаб қилса, адвокат маҳкумга бўйсунишга мажбур. Бунда адвокат шикоятни ўз номидан эмас, балки маҳкум номидан тузади ва унда маҳкумнинг қарашлари, вазларини (ўзи қўшилмаса ҳам) баён этади”.¹

Адвокат ҳар доим амалдаги қонун ва ўзининг ички ишончи асосида ҳаракат қилиши лозим. Қонун ҳимоячининг апелляция тартибида шикоят бериш ҳуқуқини белгилайди, аммо муайян ҳолларда суд ҳукми устидан ҳимоячи апелляция шикояти бериш мажбуриятига эгами, деган савол туғилади. Агар ҳимоячи ҳукмнинг ноқонуний ва асосланмаганлигини, ўз ҳимояси остидаги маҳкумнинг

¹ Перлов И.Д. Кассационное производство в советском уголовном процессе. - М: Юрид. лит., 1968. –Б. 139.

ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузган ҳолда чиқарилган деб ҳисобласа, ҳимоячининг ҳукм устидан шикоят бериши нафақат унинг ҳуқуқини, балки мажбуриятини ҳам ташкил қилади. Ҳимояси остидаги шахснинг манфаатларини кўзлаб суд хатоларини тўғрилашга кўмаклашиш - адвокатнинг касбий бурчи ҳисобланади. Бундай ҳолларда ҳукм устидан апелляция шикояти бермаслик маҳкумни ҳимоясиз қолдириш билан баробардир.

Ҳукм устидан ҳимоячининг апелляция шикояти бериши маҳкумнинг ҳам худди шундай шикоят беришини рад этмайди, аксинча, уларнинг ҳар бири ҳукм устидан мустақил шикоят бериш ҳуқуқига эга.

Қонунда ҳимоячининг апелляция шикоятига нисбатан маҳкумнинг, маҳкумнинг апелляция шикоятига нисбатан ҳимоячининг эътироз билдириши мумкинлиги назарда тутилмаган. Ишда ҳимоячининг иштироки судланувчининг эркига боғлиқ бўлиб, у хоҳлаган вақтда ҳимоячидан воз кеча олади (ЖПК нинг 52-моддаси). Демак, у апелляция ва кассация шикояти келтириш пайтида ҳам ҳимоячидан воз кечиши мумкин.

Ҳимоячи эса маҳкумнинг шикоятига нисбатан эътирози бўлган тақдирда, ўз номидан берган шикоятида фикрлари, важларини баён этиши мумкин.

Хуллас, маҳкум, унинг ҳимоячиси ҳукм устидан тўлиқ ҳажмда шикоят бериш ҳуқуқига эга. Маҳкумнинг суд ҳукми устидан шикоят бериш ҳуқуқи ҳеч қандай чекловларга эга эмас. У ҳукмнинг барча қисмлари юзасидан ва ҳар қандай асос бўйича шикоят беришга ҳақли.¹

Жиноят процессининг мустақил босқичларидан бири - суднинг қонуний кучга кирган ҳукмлари кассация тартибида кўриб чиқилишидир.

Қонуний кучга кирган суд ҳукми, ажримининг кассация тартибида кўриб чиқилиши биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоларни бартараф этишга имкон беради.

Маҳкумнинг апелляция ва кассация тартибида шикоят келтиришни хоҳламаслиги унинг ҳимоячидан ҳам воз кечганлигини англатади. Шунинг учун “ҳимоячи тўлиқ процессуал мустақил бўлиб, маҳкумнинг эркидан қатъи назар “шикоят келтиришга ҳақли” деган фикрлар билан, айниқса оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда келишиб

¹ Уголовно–процессуальное право Российской Федерации: Учебник. /Отв. ред. П.А.Лупинская -М.: Юристъ, 1998. –Б.504.

бўлмайди. Шунинг учун ҳимоячи ҳар қандай ҳолатда кассация шикоятни бериш масаласини маҳкум билан келишиб ҳал қилиши лозим.

Ҳимоячи ўз ташаббуси билан апелляция ёки кассация шикоятни берса ва судланувчи ушбу шикоятларни чақириб олса, бу унинг ҳам шикоят қилишдан, ҳам ҳимоячидан воз кечганлигини билдиради. Чақириб олинган шикоятни апелляция ва кассация судлари кўриб чиқишга ҳақли эмас. Лекин судланувчи вояга етмаган бўлса, жисмоний, руҳий камчилиги бўлса, унинг апелляция ва кассация тартибида шикоят келтиришдан воз кечиши ҳимоячи учун мажбурий характерга эга бўлмайди.

Апелляция тартибида шикоят келтириш муддати ЖПКнинг 497⁴ моддасида кўрсатилган бўлиб, биринчи инстанция судининг ҳукми устидан шикоят ва протестлар ҳукм эълон кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса, унга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида берилиши мумкин.

Шикоятларни суд томонидан текшириш учун қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлиши керак:

- 1) шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари чекланиши;
- 2) процессуал қарор ва ажримларнинг жиноят-процессуал муносабатлар доирасидан ташқарида шахс ҳуқуқ ва эркинликларига таъсир этиши;

- 3) суд ҳукм чиқаришида ҳал қиладиган масалалари билан процессуал қарор ва ажримларнинг қонунийлиги ва асосланганлиги ўртасида узвий боғланиш йўқлиги.¹ “Кассация шикоятни ва протестлари кўплаб ҳукмлар устидан келтирилмоқда. Бу судларнинг ёмон ишлаётганини билдиради”,² деган фикр билан келишиб бўлмайди. Барча кассация шикоятлари ҳам ҳукмлардаги хато ва нуқсонларни акс эттирмайди. Ҳукмларнинг асосли ва қонуний эканлигини улар устидан берилган шикоятлар сонига қараб эмас, қондирилган шикоятлар, ўзгартирилган ва бекор қилинган ҳукмлар сонига қараб аниқлаш лозим.³

Кассация инстанциясининг ваколатлари апелляция инстанцияси судлари ваколатларига қараганда бирмунча кенгроқ.⁴ Қонуний кучга

¹⁶ Трунов И.Л. Обжалование действий и решений суда и должностных лиц в уголовном судопроизводстве. // Адвокат. -2004. -№2. -Б.27.

² Бутенко А.П., Миронов А.В. Права человека, социальная справедливость и равенство // Социально-политический журнал. -1998. -№ 4. -Б.127-133.

³ Кассация. Ресурс: <http://www.lawtech.agava.ru/pub/buppdic/g0000087.htm>

⁴ Загребнев -Б.В. Апелляционная и кассационная инстанции арбитражных судов: общее и различие. // Хозяйство и право. -1997. -№2. -Б.46

кирган ҳукмлар устидан шикоят ва протест билдириш тартиби ЖПКнинг 499-моддасида кўрсатилган. Ҳукм устидан шикоят ва протест билдириш тартиби қуйидагича:

- жиноят ишлари бўйича туман(шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига;

- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – шу судларнинг судлов ҳайъатларига;

- Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – шу суднинг судлов ҳайъатига;

- Округ ва ҳудудий ҳарбий судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан - шу суднинг судлов ҳайъатига.

Судланган (оқланган) шахс ҳукм ёки ажримни тўлалигича ёки ўзига тегишли қисми бўйича кассация шикояти бериши мумкин. Ҳукмнинг шикоят ёки протест келтириш мумкин бўлмаган қисми мавжуд эмас. Ҳукмнинг фақатгина хулоса қисми, яъни жиноят малакаланган ва жазо тайинланган қисми устидан шикоят билдириш мумкин, деган фикрлар нотўғридир. Унинг кириш қисми, асосий қисми устидан ҳам шикоят ва протестлар келтирилади. Оқланган шахс, олимларнинг фикрига кўра, масалан, жиноят ҳолатини кўрсатувчи далиллар етишмаслиги учун оқланганини, жиноятни содир этмаганлик шарти билан алмаштиришга ҳақли эмас.¹

Оқланган шахс шикоятида кассация суди олдида қилмишини гумон остига олувчи ва ўзини камситувчи кўрсатмаларни олиб ташлаш масаласини қўйиши мумкин. Шу билан биргаликда, у ҳукмда қайд этилмаган, ишнинг ўзи учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни, агар бу ҳолатлар уни реабилитация қилинишига кўмаклашадиган бўлса, киритишни талаб қилиши мумкин. У суднинг охириги оқлов қарори устидан шикоят келтирмай, фақат оқлаш сабаблари устидан шикоят беради.

Ҳимоячи кассация шикоятининг тузилиши ва мазмунига ҳам эътибор қаратиши лозим. Агар шикоят маҳкум, оқланган шахс,

¹ Щерба Б.П., Зайцев Д.А. Охрана прав потерпевших и свидетелей по уголовным делам. - М.: Спарк, 1996. - Б.132.

жабрланувчи томонидан берилса, одатда, уларнинг етарли юридик билимга эга бўлмаганликлари сабабли, бу шикоятлар юридик асосланмаган тартибда тузилган бўлиши мумкин. Улар ҳукмнинг қайсидир қисмини қайта текширишни илтимос қилишлари мумкин. Лекин бу шикоятлар, гарчи улар кассация судининг ишини оғирлаштира ҳам, белгиланган тартибда қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши лозим. Кассация шикоятлари адвокат томонидан берилганда, унга қатъий талаблар қўйилади. Улар ўзларининг касбий мажбуриятидан келиб чиққан ҳолда кассация шикоятини ишнинг фактик ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда юридик томондан асослаб беришлари керак. Баъзи ҳолларда жабрланувчининг шикоятларида ҳукми бекор қилиш асослари тўғрисидаги илтимос аниқ кўрсатилмайди.¹ Бунинг натижасида кассация инстанцияси суд ҳукмини бекор қила олмайди, чунки у шикоятда келтирилган асосларга таяниши лозим. Бундай ҳолларда жабрланувчига ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун кассация шикояти қандай тузилиши лозимлиги тушунтирилиши керак.

Кассация шикоятлари ЖПКнинг 499-моддасига кўра ҳукм чиқарган суд орқали берилади. Суд маҳкум ёки оқланган шахс томонидан берилган шикоятлар тўғрисида, агар бу ҳужжат уларнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, процесс иштирокчиларини огоҳлантириши лозим. Кассация муддатининг тамом бўлиш пайтигача жиноят ишини ҳеч бир томон талаб қилиб олиши мумкин эмас. Жиноят иши келтирилган шикоятларни процесснинг бошқа иштирокчилари ўрганиб, ўз эътирозномаларини топширишлари учун ҳукм чиқарган судда сақланади. Тақдим этилган эътирозномалар биринчи инстанция суди томонидан ишга илова қилинади ва кассация инстанциясига юборилади. Судланган ва оқланган шахсга нисбатан, улар агар илтимос билан мурожаат қилсалар, шикоят ёки протестнинг нусхаси топширилади. Шикоят ёки протест процессда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг манфаатларига тегишли бўлган ҳолларда уларнинг илтимоси бор-йўқлигига қарамай, уларга кассация шикояти ёки протестнинг нусхаси юборилади. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленум қарорларида таъкидлаганидек, қуйи инстанция суди судланганлар, оқланганлар ва уларнинг ҳимоячилари томонидан келтирилган шикоятлар тўғрисида тегишли процесс қатнашчиларини огоҳ қилиши ва шу билан уларни суднинг ҳукмидан кейин процесс иштирокчилари томонидан топширилган протест, шикоятлар ва бошқа ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб

¹ Протест келтириш тўғрисида қаранг: // Законность. -1996 . -№9. -Б.60-61; -№11. -Б.56; -1997. -№2. -Б.54.

бериши керак.¹ Бу талабларга риоя қилинмаган ҳолларда кассация инстанцияси суди қонун нормаларининг бузилишини бартараф қилмоғи лозим. Кассация муддатининг ўташи биланоқ биринчи инстанция суди ишни юқори судга юборади ва кассация инстанциясида ишни кўриш кунини белгилайди.

Суд, ишни кассация тартибида кўришда, Жиноят-процессуал кодексининг 482-моддаси талабларига кўра, шикоят ёки протестда баён этилган важлар билан чегараланмасдан, ишни барча маҳкум (оқланган шахс)ларга, шу жумладан, шикоят бермаган ҳамда устидан шикоят ёки протест билдирилмаганларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширишга мажбур. Бунда қуйи босқич суди томонидан йўл қўйилган моддий ва процессуал қонун бузилишлари, бу ҳақда шикоят ёки протестда кўрсатилган-кўрсатилмаганидан қатъи назар, бартараф қилиниши шарт.

Кассация шикояти ва кассация протести бевосита юқори инстанция судига топширилиши мумкин ва у ўз навбатида ҳукм чиқарган судга ушбу ҳужжатларни юборади. Кассация инстанциясида ишни муҳокама қилишдан аввал прокурор ва процесс қатнашчилари қўшимча шикоят ва қўшимча протест келтиришлари мумкин. Бу ҳужжатлар ҳам юқори инстанция судида кўрилади. Юқори инстанция судлари, қуйи судлар томонидан ишларни кассация тартибида кўришга расмийлаштиришда Жиноят-процессуал кодексининг 473-моддасининг 4-қисми, 479, 497-2, 497-6, 497-9, 498-моддаларида қайд этилган қуйидаги талабларнинг бажарилганлигини текширишлари шарт:

- тарафларга ҳукмнинг мазмуни, ҳукм устидан уларнинг истаги бўйича кассация тартибида шикоят бериш муддати ва тартибининг тушунтирилганлигини;

- тушган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, уларга бу ҳақда маълум қилинганлигини;

- суд қарорларининг нусхалари судланган маҳкумга, жабрланувчига, оқланган шахсга топширилганлигини;

- улар ва бошқа манфаатдор шахслар шикоят ёки протест билан, шу жумладан, қўшимча тақдим этилган ҳужжатлар билан танишганлигини ва ўз эътирозларини билдирганлигини;

- кассация шикояти берган шахс, шунингдек, берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс

¹ “Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 1 июндаги Пленуми қарори. -Т.: 2001. –Б.18.

иштирокчилари ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилинганликларини;

– судланган (махкум), оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишнинг юқори инстанция судида кўрилишида иштирок этишлари мумкинлиги тўғрисидаги қонун талабларининг бажарилганлигини ва бошқалар.

Жиноят-процессуал қонунчилигида назарда тутилган ҳимояланиш ҳуқуқи процесс иштирокчиларининг барчасига нисбатан иш юритишнинг ҳар қандай босқичида ҳам таъминланиши шартлигидан ҳамда судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши, тарафларнинг ўзаро тортишуви ва бошқа тамойилларнинг мавжудлигидан келиб чиқиб, процесс иштирокчилари жиноят иши юзасидан берилган шикоят, билдирилган протест ва тўпланган ҳар қандай қўшимча ҳужжат билан танишишга, ўз эътирозларини билдиришга ҳақлиқлар. Аммо, уларга бундай мажбуриятларни юклаш қонунга зиддир.

Шу билан бирга, ишни судда кўришга асос бўлувчи шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки судланган (махкум), оқланган шахснинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, шикоят (протест) ёхуд уларнинг нусхалари судланган (махкум), оқланган шахсга тегишли тартибда тақдим этилиб, унинг эътирознома билдириш ҳуқуқи реал таъминлангандагина, жиноят ишининг кассация тартибида кўрилишига йўл қўйилиши керак.¹

Ҳимоячининг апелляция ва кассация инстанциясидаги иштироки маҳкумнинг бу босқичда ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Ҳимоячи иш апелляция ва кассация инстанциясида кўрилаётган вақтида узрли сабабларга кўра иштирок эта олмаса, ишни кўришни бошқа кунга қолдиришни сўраб илтимоснома келтиради ва унинг илтимоси қаноатлантирилиши лозим. Ҳимоячининг иштирокисиз ишни кўриш жиноят процессуал қонунчилигига зиддир. Апелляция ва кассация шикояти мустақил процессуал ҳужжат, унда адвокатнинг сўзга чиқиши эса мустақил процессуал ҳаракат бўлиб, ҳимоя воситаларидан бири ҳисобланади.

Ҳимоя тарафининг тортишувдаги ҳуқуқлари

Тортишувга асосланган суд муҳокамасининг таркибини ташкил этувчи асосий функциялардан яна бири ҳимоя функциясидир. Жиноят

¹ Рабко Т.А. Протест прокурора на юридический акт субъекта Федерации: теория и практика // Журнал российского права. -2002. -№2. -Б.14-17.

процессада ҳимоя функциясининг ўрни ва роли жуда аҳамиятли бўлиб, у айбланувчига (судланувчига) айбловдан (даъводан) қонуний усул ва воситалардан фойдаланиб, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишни кафолатлайди. Жиноят процессида айбланувчининг (судланувчининг) ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши ва тараф сифатида муҳокамада иштирок этаётган бошқа субъектлар билан ҳуқуқий жиҳатдан тенглигининг эътироф этилиши ҳимоя функцияси ва тортишувнинг асосий моҳиятини ифода этади.

Ҳимоя ҳуқуқи жиноятни содир этган шахсни аниқлаш ва қилмишининг жиноят эканлиги юзасидан айблов тузиш, уни асослаш билан боғлиқ давлат органларининг жиноий таъқиб фаолиятлари натижасида келиб чиқади.¹ Шахсининг жиноий таъқиб остига олиниши процессда ҳимоя фаолиятининг бошланишига замин яратади. Шу сабабли, ҳимоя функцияси айблов функциясига қарама-қарши бўлган муайян процесс иштирокчиларининг фаолияти ҳисобланади. Бинобарин, жиноят процессидаги ҳар қандай айблов (даъво) ундан ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларга эътироз билдирувчи ва уни инкор этувчи субъектларни юзага келтиради. Шу субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган фаолиятлари ҳимоя функциясининг асосини ташкил этади.

З.Зинатулиннинг фикрича, «Жиноят процессида ҳимоя функцияси айблов (гумон) вужудга келиши билан пайдо бўлади, ҳимоя айблов функцияси билан баравар жиноят ишининг айблов мавжуд бўлган барча босқичларида амал қилади»². В.Д.Адаменко эса «...айблов бўлмаса, унда ҳимоянинг кераги йўқ», деб таъкидлайди.³ А.М.Ларин ҳам «Айблов, процессуал мажбурлов бор экан, ундан ҳимояланиш зарур», деган фикрни илгари суради.⁴ Ю.И.Стецовскийнинг фикрича, «ҳимоя айблов (гумон)га қарши реакциядир, қаерда айблов вужудга келса, ҳимоя ўша ерда амал қилади».⁵

Юқоридаги фикрларни умумлаштирадиган бўлсак, ҳимоя функцияси - бу айбловга қарши вужудга келадиган реакция бўлиб, жиноят процессида айблов функциясининг мавжудлиги манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятни амалга оширишни зарурий шарт қилиб қўяди.

Шу жойда, ҳимоя функцияси қандай айбловга нисбатан вужудга келади, деган савол туғилади. Яъни ҳимоя ҳар қандай айбловга

¹ Абдумажидов Ғ.А. Ҳимояланиш ҳуқуқи ва тарафларнинг ўзаро тортишуви. // Ишонч. -1999. -21 июль.

² Зинатулин З.З. Общие проблемы обвинения и защиты по уголовным делам. –Ижевск: 1989. –Б. 41-42.

³ Адаменко В.Д. Сущность и предмет защиты обвиняемого. –Томск: 1983. –Б.9.

⁴ Ларин А.М. Расследование по уголовному делу: процессуальные функции. -М.: 1986. –Б.29.

⁵ Стецовский Ю.И. Уголовно-процессуальная деятельность защитника. -М.: Юрид. лит., 1982. –Б.3.

нисбатан ҳам юзага келадими ёки унинг юзага келишининг алоҳида мезонлари мавжудми? Шахсга нисбатан расмий бўлмаган айблов, масалан, жиноят содир қилишда гумон қилиниб, айб эълон қилинмаганда ҳам ҳимоя ҳуқуқи вужудга келадими, деган савол туғилади. Албатта, бунда шахс ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга, аммо бу жиноят-процессуал маънодаги ҳимоя эмас, чунки жиноят-процессуал ҳимоя расмий айблов, яъни давлат органлари томонидан шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи эътироф этилганда вужудга келади.

Ҳимоя субъектларининг процессуал фаолияти айнан айбланувчининг (судланувчининг) айбсизлигини ёхуд унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, унинг шахсий ва моддий ҳуқуқларининг ҳимоясига қаратилган. Ҳимоя функциясидаги моддий ҳуқуқ тушунчаси қонун томонидан айбланувчига (судланувчига) берилган процессуал ҳуқуқ ва воситаларнинг йиғиндиси бўлиб, улар воситасида айбланувчи (судланувчи) жиноят процессининг дастлабки тергов ва суд босқичларида айбловдан ўзини ҳимоя қилади. Айбланувчи (судланувчи) ҳимоя ҳуқуқини тўлиқ ва самарали амалга оширишида:

а) ҳимоя ҳуқуқларининг қонунда мустаҳкамланганлиги;

б) унга ҳуқуқларининг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан тушунтириб беришнинг мажбурийлиги;

в) унинг айбловчи, жабрланувчи, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар билан далиллар келтириш, уларни муҳокама этиш ҳамда илтимосномалар билдиришда ҳуқуқий тенглигининг таъминланганлиги муҳим ўрин тутди.¹

Бу фикрга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, айбланувчи ва унинг ҳимоячисига айбловни инкор этувчи далилларни бевосита тўплаш ҳуқуқнинг дастлабки тергов босқичида берилиши ҳимоя ҳуқуқини ўша босқичда, кейинчалик суд муҳокамасида самарали амалга оширишга жиддий асос бўлади.

Жиноят процессида ҳимоя функциясини гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари амалга оширадилар. Ушбу субъектларнинг жиноят процессидаги манфаатларининг бирлиги уларни ягона процессуал функцияни амалга оширишларининг асосий сабабидир. Судланувчи ўзига қўйилаётган айбловнинг инкор этилиши ёки жавобгарликни енгиллаштирилишидан манфаатдор бўлганлигидан ҳимоя функциясини амалга оширади. Ҳимоячи эса айбланувчининг

¹ Бекешко С.П., Матвиенко Е.А. Гарантии прав участников в уголовном процессе. –М.: Юристь, 1999. –Б.69.

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишни ўз зиммасига олганлиги, уни ҳимоя қилишдан воз кечишга ҳақли эмаслиги туфайли фаолиятини шу мақсадга йўналтиради. Шунингдек, фуқаровий жавобгар фуқаровий даъвогарнинг даъвосини рад этилишидан манфаатдор ва ҳ.к.

Айбланувчи жиноят процессининг марказий субъекти бўлиб, унинг жиноий жавобгарлиги масаласи жиноят процессини юритувчи асосий кучдир.

ЖПКнинг 45-моддаси мазмунига кўра айбланувчи ЖПКда белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахсдир. Айбланувчи процесс иштирокчиси сифатида дастлабки тергов босқичида пайдо бўлади.¹

Айбланувчи суд муҳокамасида судланувчи, суд ҳукми чиқарилгандан сўнг, маҳкум ёки оқланган шахс деб номланади.

Демак, айбланувчи (судланувчи) бу жиноят содир этишда айбланаётган, бироқ ҳали унинг айбдорлик масаласи ҳал этилмаган шахсдир. Бу масала ҳал этилгунига қадар, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишнинг барча ҳолатларини тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириши, айбланувчининг айбини исбот қилувчи ҳамда уни инкор этувчи, унинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаши зарур.

Айбланувчининг (судланувчининг) процессуал фаолияти процесснинг барча босқичларида ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган.² Чунки, унга нисбатан қўйилаётган айбловнинг натижаси айнан фақат айбланувчининг тақдири, унинг озодлиги, эркинлиги ҳамда бошқа ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир этади. Шу сабабли, айбланувчи ўз тақдирини, озодлигини ва эркинлигини сақлаб қолиш учун айбловдан ўзини ҳимоя этади, у ўзининг айбсиз эканлиги эътироф этилишидан доимо манфаатдор. Ана шу ҳимоянинг самарали бўлиши учун қонун айбланувчига муайян ҳуқуқий воситалар таъмин этган.

Айбланувчининг (судланувчининг) ҳуқуқлари ЖПКнинг 46-моддасида мустаҳкамланган. Унга кўра, айбланувчи нимада айбланаётганлигини билиш, айбнинг ва ишга тааллуқли бошқа ҳолатлар юзасидан кўрсатувлар бериш, она тилидан, таржимон ҳамда ҳимоячи хизматидан фойдаланиш, ҳимоячи билан холи учрашиш, ўзининг ҳимоя ҳуқуқларини шахсан амалга ошириш, биринчи ва юқори

¹ Комментарий к Уголовно - процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.В. Мозякова. - М.: Экзамен, 2002. -Б.259.

² Петрухин И.Л. Состязательность и правосудие. // Государство и право. -1994. -№10. -Б.128

инстанцияси судлари мажлисларида иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқлар билан таъминланган. Айбланувчининг (судланувчининг) ҳимоя ҳуқуқи процесснинг барча босқичларида сўзсиз таъминланади.

Мазкур ҳуқуқий воситалар ёрдамида айбланувчи ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиш кафолатига, бу ҳуқуқлардан воз кечиш ҳуқуқига ҳам эгадир. Шу ўринда айтиш керакки, ҳимоя ҳуқуқларидан фойдаланиш ёхуд улардан воз кечиш айбланувчининг ҳуқуқий аҳволига салбий таъсир этмаслиги лозим. Зеро, ҳуқуқлардан фойдаланиш айбланувчи (судланувчи) учун процессуал мажбурият эмас, балки унинг ҳуқуқидир. Айбланувчининг (судланувчининг) ўз ҳуқуқларидан фойдаланишни рад этишга фақат унинг ташаббуси билан йўл қўйилади. Шу сабабли унинг ҳимоя ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан сўзсиз таъминланиши ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқларини поймол этувчи ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги шарт. Айбланувчи (судланувчи) ҳуқуқларидан қанчалик кенг фойдаланса, тортишув принципини амалга ошириш имконияти шунчалик ортади.

Таъкидлаш жоизки, жиноят содир этишда айбланаётган шахснинг ҳуқуқий ҳолати ва у амалга оширадиган ҳимоя функциясининг шакли жиноят процессининг ҳар бир босқичида турличадир. Хусусан, айбланувчи жиноят процессининг дастлабки тергов босқичида процессуал ҳуқуқга эга субъект бўлса-да, бу босқичда у тараф сифатида қатнашмайди. Чунки, процесснинг мазкур босқичида жиноят ишларини юритишда вужудга келадиган барча масалаларни ҳал этувчи ва одил судлов функциясини амалга оширувчи субъект - суд иштирок этмайди. Шу сабабли, айбланувчининг барча процессуал ҳаракат ва талаблари суриштирувчи ёки терговчига йўналтирилади. Айбланувчи терговчининг ҳаракати ёки қароридан норози бўлган тақдирда, унинг устидан фақат прокурорга шикоят қилиши мумкин. Шунингдек, айбланувчи дастлабки тергов жараёнида барча тергов ҳаракатлари ўтказилишида иштирок этмайди ва уларни бевосита, оғзаки муҳокама қилишда қатнашмайди. Бу ҳолатлар, айбланувчининг терговда тенг ҳуқуқли тараф эканлигини инкор этувчи ҳолатлардир.

Суд муҳокамасида эса, судланувчи тараф сифатида намоён бўлади. Унга қарши барча далиллар судда ошкора, оғзаки ва бевосита муҳокама этилади. Унда судланувчи айблов тарафи тақдим этган барча маълумот ва далилларни муҳокама этишда қатнашади. Муҳими, судланувчи процессуал жихатдан айблов тарафи билан тенг ҳуқуқига эга.

Шунга қарамай, судланувчи - бу суд қилинаётган, айбланаётган ва унинг ҳаракатлари суд муҳокамасида кўриб чиқиляётган шахсдир. Суд муҳокамасида суд ва тарафлар судланувчига нисбатан муайян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи билан таъминланганлар. Лекин бу судланувчининг суд муҳокамасида ўзига хос, алоҳида процессуал ҳолатга эга эканлигини кўрсатади.¹

Айбланувчининг (судланувчининг) ҳимояси учун кўзда тутилган муҳим ҳуқуқларидан бири ҳамда ўзига хос процессуал ҳолатининг моҳияти, унинг дастлабки тергов ва суд муҳокамасида сўроқ қилинишидир. Судланувчининг суддаги кўрсатувлари жиноятнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлашнинг зарур воситаси бўлиб, улар ишни ҳал этишда далилий кучга эга. Кўрсатув бериш ҳуқуқидан фойдаланиб, судланувчи жиноят ҳодисаси юзасидан муқаддам тергов органига маълум қилмаган ҳолатларини кўрсатиши, ўз ҳимояси учун янги далил ва важлар келтириши ёки жиноий ҳодисаларни айбловда кўрсатилгандан ўзгача тарзда баён қилиши мумкин.

Судланувчининг суд муҳокамасида иштирок этиши, унда кўрсатув бериши, илтимоснома ва раддиялар билдириши ҳамда ўз ҳимояси учун бошқа процессуал ҳолатларни амалга ошириши ҳимоя ҳуқуқининг жуда муҳим кафолати ҳисобланади. Лекин, судланувчининг суд муҳокамасида иштирок этиши унинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир. Шу сабабли, судланувчи муҳокамада иштирок этиши ва иштирок этмаслиги ҳам мумкин.

Аммо ЖПКнинг 410-моддасига биноан, жиноят ишининг кўрилишида судланувчи иштирок этиши ва унинг судга келтирилиши мажбурийдир. Судланувчи суд муҳокамасига келмаган тақдирда, суд уни мажбурий равишда келтириши ёки унга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириши мумкин.

Шубҳасиз, судланувчи суд муҳокамасига чақирилган бўлса, судга келиши шарт. Унинг судга келмаслиги ўзига нисбатан мажбурлов чоралари қўлланишига олиб келади. Бироқ, судланувчи суд терговда иштирок этмасликка ҳақлидир. Бундай ҳолларда судланувчи муҳокамада иштирок этмай, ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишни ўзи ёллаган ҳимоячига юклаши мумкин. Шундан келиб чиқиб, ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган айбланувчининг мажбуриятлари рўйхатидан судланувчининг ишни судда кўриб чиқилишида иштирок этишдан бош тортмаслиги ҳақидаги жумласи чиқарилиб ташланиши лозим. Шунингдек, кўрсатилган модданинг биринчи қисмида

¹ Строгович М.С. Избранные труды. Т.2. –М.: 1992. –Б.86.

биринчи ва юқори инстанция судининг мажлисларида иштирок этиш айбланувчининг ҳуқуқи эканлиги белгилаб қўйилган. Демак, айтиб бериш масала айбланувчининг ҳам ҳуқуқи ва ҳам мажбурияти бўлиши мумкин эмас.

Ҳозир олимларимиз томонидан айбланувчига янгидан янги ҳуқуқлар берилиши тўғрисида таклифлар берилмоқда. Айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш юзасидан ўтказиладиган, тортишувга асосланган суд мажлисларида иштирок этиш, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини бериш тўғрисидаги таклифларга қўшиламиз.¹

Айбланувчига (судланувчига) берилган муҳим процессуал ҳуқуқлардан бири, бу ҳимоячи хизматидан фойдаланиш ҳуқуқидир. Жиноят ишининг тергови ва суд муҳокамасида айбланувчининг (судланувчининг) юридик маълумот ва ҳуқуқий хизмат кўрсатиш касб маҳоратига эга бўлган ҳимоячини жалб этиш ҳуқуқидан фойдаланиши унинг малакали ҳуқуқий ёрдам олишини ҳамда ҳимоя ҳуқуқини самарали амалга оширишни кафолатловчи процессуал воситадир.

Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки айбланувчига (судланувчига) берилган ҳимоя ҳуқуқини кафолатловчи тизимнинг фақат бир бўлаги эканлигини таъкидлаш ўринли. Негаки, жиноят процессида ҳимоячининг иштироки формал ҳимоя ҳуқуқини ташкил этади, холос. Моддий тушунчада эса ҳимоя ҳуқуқи айбланувчига (судланувчига) қонун тақдим этган айбловдан ҳимоя қилишни кафолатловчи процессуал ҳуқуқ ва воситаларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Шу сабабли, ҳимоячининг жиноят процессидаги иштироки, айбланувчига берилган ҳимоя ҳуқуқининг фақат бир воситасидир.

Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки масалаларига бағишланган махсус адабиётларда, унинг ҳуқуқий ҳолати юзасидан узоқ вақт баҳслашувлар олиб борилган.² Амалдаги қонунда ҳимоячининг ҳуқуқий ҳолати аниқ ифода этилган бўлиб, бу масалада қонун талабига таяниш лозим. ЖПКнинг 49-моддасига кўра, ҳимоячи қонунда белгиланган тартибда гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳамда уларга керакли ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи шахсдир.

¹ Иноғомжоновна З.Ф. Жиноят процессида суд назорати концепцияси. –Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.51-52.

² Қаранг: Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. –Т.: Ўзбекистон, 1971. –Б.9; Жамиева Р.М. Теория принятия и реализации решений в тактике профессиональной защиты / Тактика, методика и стратегия профессиональной защиты. Сб. статей. –Екатеринбург: 2002. –Б.16 – 39; Петрухин И.Л. Контроль над преступностью и права человека / Рассказывают адвокаты / Отв. ред. Резник Г.М. –М.: 2000. –Б.218-219 ва бошқалар.

Суд муҳокамасида ҳимоячи ҳимоя функциясини амалга оширувчи субъект сифатида қатнашади. Тараф бўлган ҳимоячи ҳам айбловчи тараф билан далилларни муҳокама этишда ва процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишда ҳуқуқий жиҳатдан тенгдир. Аммо ҳуқуқий тенглик ҳимоячини давлат айбловчиси билан бир хил процессуал ҳолатда эканлигини англатмайди, суд муҳокамасида давлат айбловчиси ва ҳимоячининг процессуал ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқ:

Биринчидан, суд муҳокамасига давлат айбловчиси ўзи тасдиқлаган айблов хулосаси билан ҳамда унинг асосли эканлигини судга исбот қилиб бериш мақсадида келиши, ҳимоячининг эса, судга олдиндан тайёрлаб қўйилган хулосага эга эмаслиги бўлса;

Иккинчидан, айбсизлик презумпцияси принципига асосан айбланувчининг (судланувчининг) айбли эканлигини исботлаш вазифаси ҳимоячи эмас, балки айнан давлат айбловчисининг зиммасидадир;

Учинчидан, давлат айбловчиси тарафларнинг музокараларида айбнинг исботланганлиги ва судланувчига жазо тайинлаш ҳақидаги фикрида судланувчининг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар билан бирга уни енгиллаштирувчи томонларини ҳам кўрсатиб ўтади. Ҳимоячининг бу масаладаги фаолияти биров чекланган бўлиб, ҳимоячи суд музокараларида фақат судланувчининг айбини тўла ёки қисман инкор этувчи, жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар юзасидан фикр билдиради;

Тўртинчидан, давлат айбловчиси суд муҳокамасида судланувчининг айбини агар у исботланган бўлсагина, айбловни қувватлаши мумкин. Бу масалада ҳимоячига нисбатан ҳеч қандай чеклаш бўлиши мумкин эмас. Ҳимоячи судланувчининг айбдорлиги исботланмаган тақдирда ҳам унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этиши лозим;

Бешинчидан, ҳимоя функциясининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, давлат айбловчисини ишда иштирок этишини рад этувчи, яъни судланувчи билан қариндошлиги ва ЖПКнинг 76-моддасида белгиланган бошқа ҳолатлар, ҳимоячининг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилмайди. Негаки, ЖПК бу процессуал масалани айбланувчи (гумон қилинувчи, судланувчи) фойдасига ҳал этган.

ЖПКнинг 50-моддасига асосан, ҳимоячи сифатида адвокатлар ҳайъати аъзолари, ҳимоячи бўлиб иштирок этиш учун махсус ваколатга эга бўлган шахслар, жамоат бирлашмалари вакиллари, мазкур бирлашма аъзолари ишлари бўйича ҳамда терговчининг қарори ва суднинг ажримиға мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Жиноят процессида иштирок этаётган ҳимоячи ҳам муайян манфаатга эга. Унинг процессуал манфаати ҳимояси остида бўлган шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини дастлабки тергов ва суд босқичларида тўлиқ ҳимоя қилишдан иборат. Шундай экан, айбланувчининг (судланувчининг) ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этувчи шахснинг махсус ҳуқуқий билим ва малакага эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.¹ Шу туфайли, аксарият жиноят ишларининг кўрилишида ҳимоячи сифатида асосан адвокатлар қатнашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тортишувни амалга оширишда ҳимоя тарафининг нуфузини ошириш борасида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш суд - ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларнинг энг муҳим вазифаси эканлиги, тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаш-тириш асосий йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Ана шу талабдан келиб чиқиб, 2008 йил 16 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Унга кўра эндиликда жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Айни вақтда адвокат ишда иштирок этишга адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерни тақдим этганидан кейин қўйилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Шу боис ЖПК 49-моддасининг эски таҳриридаги ишда ҳимоячи сифатида қатнашиши мумкин бўлган «махсус рухсатномага эга шахслар» янги ўзгартишларга кўра жиноят процессида ҳимоячи сифатида алоҳида, мустақил ва ҳатто адвокат билан бир қаторда ҳам қатнашиши мумкин эмас.

Жиноят процессида ҳимоячи ўзи ҳимоя қилаётган айбланувчининг ҳуқуқий ҳимояси учун «кураш» га киришади, унинг ҳуқуқлари бузилишига қарши бошқа тарафлар билан тортишади.

Аммо, ҳимоячининг мустақил процессуал ҳаракатлари ҳимояси остидаги шахснинг айбини инкор этувчи ва унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни ва далилиларни ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлаш, ҳимояси остидаги шахсга эълон қилинган айбловнинг асосли эканлиги масаласида тортишув олиб бориш ва унинг

¹ Адвокатура Узбекистана: Содействие в реформировании: (Предложения по законодательству и адвокатской практике) /Ред. совет: М.Х.Рустамбаев (пред), Л.Б.Хван, С.А.Якубов и др.- Т., 2002. -Б. 465- 469.

айбсизлигини исботлаш ёки жавобгарлигини енгиллаштириш юзасидан далиллар келтириш, айбланувчи фойдасига қаратилган ва унинг айбини енгиллаштирувчи барча қонуний воситаларни ишга солишга қаратилган бўлиши лозим.

Бу фаолиятни ҳимоячи илтимоснома, раддиялар келтириш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш, суд муҳокамасида гувоҳ, эксперт, мутахассис ва жабрланувчи ҳамда судланувчига саволлар бериш, қўшимча ҳужжат ва маълумотлар тақдим этиш, тарафлар музокарасида қатнашиб, унда судланувчига нисбатан айбловнинг қай даражада асосли эканлиги юзасидан фикр билдириш, суд ҳукми ва ажримларига нисбатан апелляция, кассация шикоятлари келтириш ҳамда бир қанча бошқа процессуал воситаларни қўллаш орқали амалга ошириши мумкин.

Бундан ташқари, ҳимоячига баъзи тергов ҳаракатларини мустақил тарзда ўтказиш ҳуқуқи берилиши тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлаймиз. Фикримизча, фақат шу йўл билан ҳимоячи айбланувчининг айбини енгиллаштирувчи ҳамда уни инкор этувчи янги далилларни қўлга киритиш имкониятига эга бўлади ва тортишув принципида тарафларга тенг имкониятлар берилиши таъминланади.

Ҳимоячи процесснинг субъекти сифатида ҳимояси остидаги шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилади. Айбланувчининг (судланувчининг) қонуний манфаатлари асосан жиноий жавобгарликка тортиш ва ноҳақ жазолашни бартараф этишдан ва унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи барча ҳолатларни инobatга олинишидан иборат.¹

Шунинг учун ҳимоячи ўз фаолиятини қонуний усул ва воситалар доирасида олиб бориши, яъни ҳимоя учун зарур бўлган маълумотларни тўплаши, айбланувчининг (судланувчининг) айбини инкор этиш ёки жавобгарлигини енгиллаштиришга кўмак бериши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш чораларини кўриши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши шарт. Ҳимоячи томонидан гувоҳларни ёлғон кўрсатув беришга ундаш, далилларни қалбакилаштириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш каби ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги керак. Ҳимоячининг ўз вазифасига тўғри ёндашиши айбланувчининг (судланувчининг) процесснинг барча босқичларида тўлиқ ҳуқуқий ёрдам олишининг кафолатидир. Бу эса, судга ишни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона текширилиши, айбловнинг асоссиз ёки ўша даражада асосли эмаслигини очиқ беришга ёрдам беради.

¹ Абдумажидов Г. Актуальные вопросы реализации принципа состязательности и равноправия сторон в судопроизводстве// Адвокат. -1999. –Декабр. - Б. 49-50.

Жиноят процессига фуқаровий жавобгар жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарни ундириш мақсадида фуқаровий тартибда даъво қўзғатилиши натижасида жалб этилади. Фуқаровий жавобгар процесснинг барча босқичларида иштирок этиб, муайян манфаатни қўзлаган ҳолда, мустақил процессуал фаолиятни амалга оширади.

Фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқӣ ҳолати айбланувчи (судланувчи), ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг ҳуқуқӣ ҳолатидан фарқлидир. Негаки, фуқаровий жавобгар судланаётган шахс эмас (айбланувчининг бир пайтнинг ўзида фуқаровий жавобгар эканлиги бундан мустасно), жиноий жазога тортилиш хавфи унга таҳдид солмайди, шунингдек у далил манбаи ҳам эмас, бироқ унинг асосий процессуал мақсади ва манфаати бир натижага, яъни айбловдан ва фуқаровий даъводан ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояланишга қаратилган.

ЖПКнинг 58-моддасига кўра фуқаровий жавобгар тариқасида айбланувчи ёки ақли норасо шахс томонидан содир этилган ижтимоий хавфли ҳаракат оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш учун қонун билан мулкӣ жавобгарлик юклатилган шахслар, корхона, ташкилот ва муассасалар жалб этилишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Жиноят процессида мулкӣ зарар учун жавобгар бўлган субъект тўғрисидаги масалани ҳал этиш, фуқаровий жавобгар деб топиш ҳақидаги процессуал асос билан узвий боғлиқдир. Фуқаровий жавобгар деб топишнинг процессуал асоси эса, муайян жисмоний шахснинг жиноий ҳаракати натижасида мулкӣ зарарнинг етказилиши, ушбу зарарни етказилганлиги учун жавобгарликни белгиланганлиги ҳамда жиноий ҳаракат ва етказилган зарар ўртасида сабабий боғлиқликнинг мавжудлигидан иборат. Зеро, айнан мулкӣ зарар етказган жиноий қилмиш мулкӣ зарар кўрган шахснинг мулкӣ зарар етказган шахсга нисбатан даъвоси, улар ўртасидаги ҳуқуқӣ муносабатни вужудга келтиради.

Шахсни жиноят иши юзасидан фуқаровий жавобгар деб топиш ҳақида суриштирувчи, терговчи ва прокурор қарор, суд эса ажрим қабул қилганидан сўнг, у расмий процессуал ҳуқуқларга эга бўлади.

Мазкур масаланинг қонуний ҳал этилиши кўп ҳолларда мулкӣ зарар етказган ва мулкӣ жавобгар бўлган шахсга нисбатан терговчининг қандай далилларга эгалиги, етказилган мулкӣ зарар учун жавобгар бўлган шахслар мавжудлиги ва уларнинг айнан қайси бирлари (ҳомий, васий ва шу кабилар) шундай шахс бўлишини тўғри аниқлашига боғлиқ. Агар терговчи шу ҳолатларни аниқламаса, унда

мулкий жавобгарлик айбланувчининг зиммасида бўлади. Энди айбланувчи (судланувчи) жиноий қилмишни содир этган шахс сифатида ҳам айбланувчи, ҳам жиноий ҳаракати оқибатида етказилган мулкий зарар учун фуқаровий жавобгар шахс сифатида жалб этилади. Бундай ҳолатда айбланувчида (судланувчида) икки мустақил процессуал субъектнинг ҳуқуқ ва манфаатлари жамланади.

Фуқаровий жавобгар худди фуқаровий даъвогар сингари:

а) муайян процессуал манфаатни кўзлаган ҳолда фаолият олиб боради;

б) мазкур манфаатларини ҳимоялаш учун ҳуқуқларга эга ва буларни кафолатловчи жиноят-процессуал воситалар билан таъминланган;

в) унга муайян процессуал мажбуриятлар юкланган;

г) ҳуқуқий лаёқатга эга;

д) жиноят процессининг субъекти сифатида дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларида ҳамда ишни юқори инстанция судларида кўрилишида иштирок этади.

Процессда амалга оширадиган фаолият йўналиши, фуқаровий жавобгарни айнан ҳимоя функциясини амалга оширишни тақозо этади. Унинг фаолият йўналишини эса, фуқаровий жавобгарнинг процессдаги манфаати белгилайди.

Одил судловни амалга оширишнинг демократик принциплардан бири, бу жиноят процессида жамоатчиликнинг, хусусан *жамоат ҳимоячисининг* иштирокидир. Жамоат ҳимоячиси суд муҳокамасида жамоат уюшмалари ва меҳнат жамоалари вакили сифатида қатнашадиган ҳамда жиноят иши юзасидан ҳақиқатни аниқлашда фаол иштирок этади. Суд муҳокамасида жамоат ҳимоячиси далиллар келтириш, уларни текшириш ва муҳокама қилиш илтимосномалар ва раддиялар келтириш, тарафларнинг музокараларида қатнашишда давлат айбловчиси, жабрланувчи, судланувчи, ҳимоячи ва жамоат айбловчиси ва бошқа иштирокчилар билан тенг процессуал ҳуқуқларга эга. Унинг ҳуқуқлари ЖПКнинг 44-моддасида мустаҳкамланган.

Жамоат ҳимоячиси жамоат айбловчиси каби, фақат суд муҳокамасида намоён бўлади. Унинг суд муҳокамасида иштирок этишининг ҳуқуқий асоси ўзи вакиллик қилаётган жамоат уюшмасининг ёки меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши қарори ҳисобланади. Мазкур қарор жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиш ваколати берилган шахс томонидан судга тақдим этилади. Қарорни олгач, суд, ишни кўриб чиқилишида жамоат ҳимоячисининг иштирок этиши ҳақида ажрим чиқаради.

Аммо ЖПКда жамоат ҳимоячиси ва жамоат айбловчисининг суд муҳокамасига жалб этишнинг процессуал тартиби тўлиқ аниқланмаган. Шу сабабли, бу процессуал масалага аниқлик киритиш лозим.

Вакиллар ҳимоя функциясини амалга оширувчи субъектлардан фақат вояга етмаган судланувчи (айбланувчи, гумон қилинувчи) ва фуқаровий жавобгар жиноят процессида вакилга эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин. Бунда вояга етмаган судланувчи ҳамда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган иштирокчи қонуний вакилга эга бўлса, фуқаровий жавобгар ўзи тайинлайдиган ихтиёрий вакилга эгадир.

Вояга етмаган судланувчи (гумон қилинувчи, айбланувчи) ҳамда муомалага лаёқатсиз иштирокчиларнинг қонуний вакилининг процессуал ҳолати ЖПКнинг 60-моддасида белгиланган. Ушбу моддага кўра, вояга етмаган судланувчи ёки муомалага лаёқатсиз иштирокчининг қонуний вакили сифатида вояга етмаган судланувчининг ота-онаси, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассаса ёки ташкилотларнинг вакиллари қатнашиш ҳуқуқига эга. Уларнинг суд муҳокамасида иштирок этишлари учун албатта суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими мавжуд бўлиши лозим. Суд муҳокамасида қонуний вакил, судланувчининг ёки муомалага лаёқатсиз иштирокчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларга мос равишда фаолият олиб бориши керак. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЖПКнинг 61-моддасида тартибга солинган. Қонуний вакилнинг процессуал ҳолати ҳимоячиникидан фарқ қилади. У суд муҳокамасида гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши ҳамда фуқаровий жавобгар тариқасида ишга жалб этилиши мумкин. Бундай ҳолатларда қонуний вакил суд муҳокамасида ҳам фуқаровий жавобгарнинг, ҳам қонуний вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади. Аммо юқорида таъкидланганидек, қонуний вакилнинг муҳоқамадаги фаолияти судланувчининг процессуал манфаатларига мос бўлиши зарур. Агар унинг суддаги фаолияти вояга етмаган судланувчининг ёки муомалага лаёқатсиз иштирокчининг процессуал манфаатларига зид бўлса, суд дарҳол унинг ўрнига ҳимоячи тайинлаш ҳақида ажрим чиқаради. Бу эса вояга етмаган ва муомалага лаёқатсиз иштирокчининг ҳимоя ҳуқуқига оид манфаатларига мос келади.

Таъкидланганидек, фуқаровий жавобгар ҳам жиноят процессида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини вакиллар орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига

эга. Фуқаровий жавобгарнинг вакилга эга бўлиш тартиби ва вакилнинг процессуал ҳолати ЖПКнинг 62-моддасида белгиланган.

Фуқаровий жавобгарнинг вакили тариқасида фуқаровий даъвогар ва жабрланувчининг вакили каби адвокатлар, вакил сифатида иштирок этишга махсус рухсатномаси бўлган шахслар, суднинг ажрими ёки суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг қарорига кўра ишда иштирок этишга рухсат берилган яқин қариндошлари ва бошқа шахслар иштирок этишлари мумкин.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг вакил сифатида суд муҳокамасида иштирок этишларига фуқаровий жавобгар билан тузилган топшириқ шартномаси асос бўлади. Бироқ, бу талаб фуқаровий жавобгар сифатида жалб этилган жисмоний шахсларга тегишлидир. Суд муҳокамасида фуқаровий жавобгар тариқасида иштирок этаётган юридик шахснинг вакили сифатида, унинг раҳбари алоҳида ваколатномасиз ҳам иштирок этиши мумкин. Зеро, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этаётган юридик шахснинг раҳбари, ўз ташкилотида меҳнат қилаётган ходимларни ёки адвокатни вакил сифатида тайинлаши, шунингдек мулкӣ жавобгарлик билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Фуқаровий жавобгарнинг вакили, суд муҳокамасида фуқаровий жавобгар иштирок этмаган тақдирда ҳам қатнашади. Вакилнинг фаолияти фуқаровий жавобгарнинг ундан воз кечиши оқибатида тугалланади.

Шу билан бирга, фуқаровий жавобгарнинг вакили, процесснинг исталган вақтида вакиллик фаолиятини бажаришдан воз кечишга ҳақли. Унинг бу ва бошқа ҳуқуқлари ЖПКнинг 63-моддасида мустаҳкамланган. Бироқ, фуқаровий жавобгарнинг вакилига берилган бундай ҳуқуқ уни фуқаровий жавобгарнинг процессуал манфаатларига нисбатан мустақил фаолият олиб боришини англамайди. Унинг процессуал фаолияти доимо фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига мос келиши лозим. Чунки, вакил айнан фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этувчи иштирокчидир. Худди шу манфаатлардан келиб чиқиб, вакил суд муҳокамасида далилларни муҳокама этиш, уларни тақдим этиш ва бошқа процессуал масалаларда фаол иштирок этиши, шу тариқа процесснинг асосий масаласи юзасидан тортишувга киришиши мумкин.

Шундай қилиб, вояга етмаган судланувчининг (гумон қилинувчи, айбланувчининг), белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчининг қонуний вакиллари ҳамда фуқаро-

вий жавогарнинг вакили уларни вакил қилган субъектлар томонидан қўйилган вазифаларни, яъни уларнинг процессуал, моддий ва маънавий манфаатларига мос равишда бажаришлари зарур. Судланувчи ва фуқаровий жавобгар вакилларининг ҳаракат объекти, уларни вакил қилган субъектларнинг барча процессуал ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қамраб олувчи фаолиятни ифода этади. Бу процессуал фаолиятнинг заминида жисмоний ва юридик шахсларнинг фаровонлиги ҳамда кадриятларини ҳимоя этишда малакали ва самарали ёрдам олишни таъмин этувчи инсонпарварлик ва демократик ғоялар мужассам этилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. -Т.:Ўзбекистон, 2005.

3. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида. Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маъруза. 2001 йил 29 август. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.Ю. - Т.: Ўзбекистон, 2002.

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. -Т.: Ўзбекистон, 2004.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

6. Ўзбекистон Республикаси "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997.

7. Жиноят ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2001 йил 1 июндаги Пленуми қарорлари. -Т.: 2001.

8. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Правоохранительные органы Учебник. - Т.: ТДЮИ, 2003.

10. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. - Т.: Адолат, 1-2- том 2000.

11. Саломов Б. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки - Т.: Адолат, 2007.

12. Саломов Б. Адвокатлик суриштируви ва иш бўйича далилларни тўплаш // Адвокат. - 2006.

13. Тўлаганова Г. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2005.

14. Перлов И.Д. Кассационное производство в советском уголовном процессе.- М: Юрид. лит., 1968.

6 – МАВЗУ
АДВОКАТНИНГ НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ
ЮРИТУВИДА ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ БОШҚА
БОСҚИЧЛАРИДА ИШТИРОКИ

- 1. Адвокат ҳукм ижро этиш босқичида.**
- 2. Авф этиш тўғрисидаги илтимоснома.**
- 3. Назорат тартибида шикоят келтириш ва унинг апелляция ёки кассация тартибида шикоят келтиришдан фарқи.**
- 4. Назорат тартибидаги иш юритишда адвокатнинг иштироки.**
- 5. Тўхтатилган жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов қайта тикланганда ёки янги очилган ҳолатларда адвокатнинг иштироки.**

ЖПКнинг 528, 530-моддаларига биноан ҳукм унинг устидан апелляция, кассация шикояти бериш ва протест билдириш муддати ўтиши билан қонуний кучга киради. Апелляция, кассация шикояти берилган ёки протест билдирилган тақдирда ҳукм, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори суд кўриб чиққан куни қонуний кучга киради.

Ҳукмларни ижро этишда суд томонидан ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга ЖПКнинг алоҳида 59-боби бағишланган бўлиб, унда:

- ҳукмнинг ижросини кечиктириш; касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш; жазонинг шартлилигини бекор қилиш;
- жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи ёки бошқа тури билан алмаштириш; сақлаш шароитларини ўзгартириш; судланганликни олиб ташлаш ва бошқалар кўрсатилган (ЖПКнинг 533-546-моддалари).

Ҳукмнинг ижроси қуйидаги ҳолатларда кечиктирилади: маҳкум жазони ўташга монелик қиладиган даражада оғир касал бўлиб қолганда - у соғайгунга қадар; ҳукмни ижро этиш пайтигача маҳкума ҳомиладор бўлиб қолса – бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга; маҳкуманинг ёш боласи бўлса – у уч ёшга тўлгунга қадар; жазони дарҳол ўташни бошлаш ёнғин ёки бошқа табиий офат юз берганлиги, оиланинг меҳнатга яроқли ягона аъзоси оғир касал бўлиб қолганлиги, вафот этганлиги оқибатида ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар маҳкум ёки унинг оиласини жуда мушкул аҳволга солиб қўйиши мумкин

бўлса – уч ойдан ошмаган муддатга (ЖПКнинг 533-моддаси). Адвокат ҳукм ижросини кечиктиришда маҳкум учун зарур бўлган, яъни касаллик, ҳомиладорлик, содир бўлган табиий офат ёки маҳкумнинг оиласи бошига тушган бошқа кулфатлар ҳақидаги маълумотларни судга тақдим этишда ёрдам беради.

Жиноят кодексининг 73, 74-моддаларида назарда тутилган ҳолларда жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш маҳкум ҳимоячисининг илтимосномасига биноан судья томонидан қўлланади. Агар ушбу илтимосномани рад этиш тўғрисида қарор чиқарилса, ўша кундан эътиборан камида олти ой ўтгач, қайта кўриб чиқиши мумкин (ЖПКнинг 536-моддаси).

Ҳимоячи маҳкумни оғир тартибли колониядан бошқа тартибли колонияга ўтказиш, судланганликни олиб ташлаш тўғрисида ҳам судга илтимоснома бериши мумкин. Судланганликни олиб ташлаш ҳақида илтимоснома кимнинг борасида берилган бўлса, мазкур шахс суд мажлисида қатнашиши шарт ва унга ҳимоячи олиш ҳуқуқи таъминланади.

Бу масалаларнинг барчаси судья томонидан суд мажлиси вақтида маҳкум иштирокида ҳал этилади. Судья вояга етмаган, жисмоний ёки руҳий камчиликлари бўлган маҳкумларга доир ҳукмларни ижро этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқаётганида ҳимоячининг иштирок этиши шарт (ЖПКнинг 542-моддаси). Адвокат бу масалалар судга ҳавола этилишида шахсан ташаббус кўрсатиши ёки ҳимояси остидаги шахснинг илтимосига кўра ҳаракат қилмоғи керак. Маҳкум ҳукмни ижро этиш босқичида ЖПКнинг 532-моддасида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланади. Адвокат эса унга бу ҳуқуқларни тўла амалга оширишида кўмаклашиб, мижози учун ижобий қарор чиқарилишига интилиши лозим.

Назорат инстанциясининг вазифаси қонуний кучга кирган суднинг ҳукми, ажрим ва қарорларининг қонунийлигини назорат тартибида текширишдир. Иш апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқиш муддатлари ўтганидан сўнг назорат тартибида кўрилади.

Назорат инстанциясида ҳимоячининг процессуал вазифаси маҳкумни ёки оқланган шахсни ҳимоя қилишдан иборатдир.

Қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан ЖПКнинг 498-моддасига асосан: Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирмаган ҳукми устидан шикоят беришга, прокурор ва унинг ўринбосарлари протест билдиришга ҳақлидир.

Ҳукм, ажрим ва қарорларга келтириладиган шикоят ва протестлар бошқа шахслар томонидан тайёрланиши мумкин, аммо назорат тартибида шикоят келтириш ҳуқуқига эга шахс томонидан имзоланиши лозим.

Қонуний кучга кирган ҳукмга нисбатан шикоят ва протест келтирмасдан назорат тартибида ишни кўриш ман этилади.

Ҳукмни назорат тартибида қайта кўриб чиқиш муддати белгиланган бўлиб, унда протестдан оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек суднинг оқлов ҳукмини назорат тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга киргандан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади. (ЖПК нинг 513-моддаси).

Ҳимоячи, маҳкум, оқланган шахс у ёки бу асосларга кўра суднинг чиқарган ҳукми, қарори, ажрими нотўғри адолатсиз деб ҳисобласа, назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар номига шикоят келтиради.

Назорат тартибида шикоят келтириш ҳимоячи учун мажбурий эмас, лекин маҳкум ундан шуни талаб қилса, ҳимоячи шикоят ёзмасликка ҳақли эмас. Ҳимоячи учун шикоят келтириш мажбурий экан, у асоссиз равишда маҳкум илтимосини рад эта олмайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам у иш материаллари билан танишиб, шикоят келтиришга асослар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, буни маҳкумга тушунтириши керак. Қонунчиликка асосан бу босқичда ҳам ҳимоячи ҳимоядан воз кеча олмайди.

Ҳимоячининг назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги илтимоси ҳам процессуал ҳужжат ҳисобланиб, маълум ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Ҳимоячи томонидан илтимоснома билдирилиши назорат тартибида протест келтиришга ваколатли шахслар томонидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори устидан протест бериш масаласини ҳал қилиш учун қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши лозим:

1) Илтимосномада келтирилган вазлар ҳукм ёхуд ажрим (қарорнинг) қонунийлиги ва асослилигини шубҳа остига олган ишни талаб қилиб олиш;

2) Илтимосноманинг ўзида, шунингдек унга қўшиб топширилган ёки текшириш чоғида талаб қилиб олинган суд қарори нусхасида

ва бошқа материалларда келтирилган важлар асоссиз бўлиб, протест беришга асос бўла олмаслиги кўриниб турса, ишни талаб қилиб олишни рад этиш;

3) Протест билдириш ваколатига эга бўлган бўйсунувчи прокурор ёки қуйи суднинг раиси томонидан ушбу ишга доир ҳукм ёки ажрим (қарор) га протест билдиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинмаган бўлса, илтимосномани уларга юбориш.¹

Илтимоснома билан мурожаат этган шахсга илтимоснома юзасидан қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилинади.

Назорат протести билдириш ҳақидаги илтимосномалар қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқирилиши лозим. ЖПКнинг 514-моддасига асосан, назорат протести билдириш ҳақидаги илтимоснома бир ойгача бўлган муддатда, иш талаб қилиб олинадиган ва текшириладиган ҳолларда эса икки ойгача бўлган муддатда кўриб чинилиши лозим, деб кўрсатилган.

Ҳимоячилар назорат тартибида протест билдириш ҳақидаги илтимосномани ёзма равишда ёки протест келтиришга ваколатли шахслар қабулига кириб бевосита оғзаки баён этишлари мумкин. Лекин бунда ёзма равишда келтирилган илтимосномалар мақсадга мувофиқ бўлади. Илтимосномаларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилиниши шарт. Аммо доимо ҳам назорат тартибида протест билдириш тўғрисидаги илтимосномалар ҳар томонлама тўлиқ тузилмайди. Унда айрим ҳимоячилар ўзларининг фикрларини аниқ ва асосли баён этмайдилар ёки кассация тартибида билдирган илтимосномадаги важларни такрорлайдилар.

Назорат тартибида илтимоснома билдириш, апелляция ва кассация тартибида билдирилган илтимосномадан фарқ қилади.

Ҳукм, ажрим (қарор) назорат тартибида кўриб чиқиш босқичида илтимосномани кўриб чиқаётган шахсда ишни тегишли суддан талаб қилиб олиб, текшириб чиқиш зарурлигига ишонч ҳосил қилдириши керак.

Ҳимоячи ўз илтимосномасида ишнинг ҳолатларини қисқача баён этади, иш материалларини таҳлил қилиб, маҳкумнинг ҳуқуқи ва манфаатини чекловчи барча қонун бузилиши ҳолатларини таъкидлайди. Унинг талаби иш материаллари бўйича уйғунлаштирилган, асосланган ва мақсадга мувофиқ бўлиши керак.

Маҳкумга берилган ижобий тавсифнома, турли маълумотлар, ишончномалар ҳам илова қилинади. Шу билан бирга экспертиза

¹ Стецовский Ю.И. Уголовно-процессуальная деятельность защитника. -М.: 1982. -Б. 141.

хулосаларини рад этувчи мутахассислардан олган маслаҳат ва маълумотларни келтириш мумкин. Бу эса такрорий экспертиза тайинлаш муносабати билан ҳукмни бекор қилишга асос бўлади.

Ҳимоячи жинойт судлов ишларини юритишнинг барча босқичида, шунингдек янги очилган ҳолатлар муносабати билан иш юритиш қайтадан бошланганда ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ҳимоячининг дастлабки терговни тўхтатиш ва тамомлашдаги иштироки.

Дастлабки терговда терговни тўхтатиш ёки тамомлашда ҳимоячининг иштироки муҳим ўрин тутди. Амалдаги жинойт-процессуал қонунчилигидаги дастлабки терговни тўхтатиш ва тамомлашнинг асослари аниқ ва равшан белгилаб қўйилган.

Мазкур изланишда юқоридаги ҳолатларнинг фақат мунозарали масалаларига тўхталиб ўтамиз. Жинойт ишини тўхтатиш асосларидан бири айбланувчини ишни юритишда иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаликка чалиниши муносабати билан тўхтатишдир. Кўпгина терговчилар айбланувчиларнинг касали яширин ҳолатда бўлганда бу фактни четлаб ўтишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳоллар ҳимоячи айбланувчининг мурожаатига диққат билан қараши, зарурат туғилса касаллик тарихи билан танишиб, айбланувчини тиббий текширувдан ўтказиш ҳақида илтимоснома киритиши лозим. Агар айбланувчининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги шифокор томонидан тасдиқланадиган бўлса, ҳимоячи дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида илтимоснома киритиши зарурдир.

Бу борада амалиётдан қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

«Бувайда туман прокуратураси терговчиси Асқаров А. ишга айбланувчи тариқасида жалб этилган фуқаро Қорабоев Х. нинг иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказётганда Қорабоев Х. нинг ҳимоячиси Ҳалилов О. томонидан айбланувчини тиббий текширувдан ўтказиш ҳақида илтимоснома киритилади. Илтимоснома қондирилиб, тиббий текширув ўтказилганда Қорабоев Х. нинг ўткир пневмания, яъни ўпка шамоллаши касаллигига чалинганлиги аниқланади. Бувайда туман прокуратураси терговчиси Асқаров А. Ўзбекистон Республикаси Жинойт процессуал Кодексининг 364-моддасини қўллаб, дастлабки терговни тўхтатади».¹

Шунингдек, муайян иш бўйича бошқа айбланувчиларнинг касалланиб қолиш фактларини ҳам ҳисобга олиш керак. Чунки

¹ Бувайда туман суди архивдан. 2001 й.

мазкур айбланувчига нисбатан иш материалларини алоҳида иш юритувга ажратиб, бошқа айбланувчиларга нисбатан ишни давом эттириш ёки бу мумкин бўлмаганда, жиноят ишини тўлалигича тўхтатиш масаласи кўтарилиши мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, материалларни алоҳида иш юритувга ажратиш ҳақидаги терговчининг қарорида иш мазмуни, жиноят ишини тўхтатиш асослари, алоҳида иш юритувга ажратилаётган материаллари ва бошқалар акс этиши лозим. Бу ҳолатлар иши судга юборилаётган айбланувчиларнинг ҳам, ўзига нисбатан тергов тўхтатаётган айбланувчининг манфаатларига ҳам таъсир қилади.

Ишнинг барча қисми тўхтатаётганда ҳимоячи иш қайта тиклангунга қадар ўз ҳимояси айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида илтимоснома киритиш масаласини ҳал қилиш зарур.

Қонунда айбдор шахсни жамоат ташкилоти кафиллигига ёки вояга етмаганлар комиссиясига бериш йўли билан жиноят ишини тугатиш асослари ҳам кўрсатилган. Бу асосларга кўра жиноят ишини тугатишда қатнашиши ҳимоячидан алоҳида маъсулият талаб қилади. Бундай ҳолларда жиноят ишини тугатишга фақат айбдор шахснинг розилиги асосида йўл қўйилади. Бунда ҳимоячи айбдор шахс ҳақиқатдан ҳам айбига иқрор бўлиб ўз ихтиёри билан розилик билдирыптими, ҳақиқатдан ҳам иш бўйича ҳимоя қилинувчи шахснинг айби тасдиқланганми-йўқми шунга эътибор бериши керак. Агар ҳимоячида ҳимояланаётган шахснинг айби тасдиқланганлигига ёки унинг ҳақиқатдан розилигига шубҳа туғилса, ҳимоячи бу ҳолатни унга тушунтириш, жиноят ишини суд мажлисига олиб чиқиш маъқул бўлишини маслаҳат бериши керак.

Терговчи жиноят иши бўйича терговни тугаллаган ва тўплаган далиллар айблов хулосаси тузиш учун етарли деган хулосага келар экан, айбланувчига тергов тамом бўлганлигини эълон қилишдан олдин жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарни, уларнинг вакиллари иш материаллари билан таништириш ҳақида баённома тузилиб, унда улар ишнинг қайси материаллари билан танишганликлари ва улар томонидан қандай илтимосномалар киритилганлиги баён қилинади. Ёзма илтимосномалар ишга қўшиб қўйилган бўлиши зарур. Барча илтимосномалар терговчи томонидан асослантирилган қарор билан ҳал қилинади.

Бу ҳолат айбланувчи ва ҳимоячи учун муҳим аҳамиятга эга, чунки улар юқоридаги шахсларнинг айблов юзасидан фикри, улар

томонидан билдирилган илтимосномаларнинг мазмунига бефарқ эмас. Шунинг учун ҳам қонун иш материаллари юқоридаги шахслар танишиб бўлганларидан кейин айбланувчига тақдим қилиниши белгиланган. Бу билан айбланувчининг барча иш материаллари ва юқоридаги шахсларнинг фикрлари билан реал танишиши таъминланади.

Айбланувчини барча иш материаллари билан таништириш унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини амалга оширишнинг муҳим кафолатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қонун терговчига жиноят иши бўйича тергов тамом бўлганлигини эълон қилиш ва иш материаллари билан айбланувчини шахсан ўзи ёки ҳимоячи иштирокида таништириш, зарурат туғилса, дастлабки терговни тўлдириш ҳақида илтимоснома киритиш ҳуқуқига эга эканлигини айбланувчига тушунтириш мажбуриятини юклайди.¹

Баъзи терговчилар қонуннинг бу талабини бажаришга расмийлик билан ёндашиб, айбланувчиларга иш материаллари билан танишишнинг тартиби, мақсади ва вазифаларини лозим даражада тушунтирмайдилар. Оқибатда айбланувчилар иш материаллари билан ҳимоячи иштирокида танишишлари, терговни тўлдириш ҳақида илтимоснома киритиш ва бошқа ҳуқуқларга эга эканликларини билмайдилар.

Баъзи бир айбланувчилар терговчининг у ёки бу ҳаракатидан норози бўлиб, ёхуд дастлабки терговни ёки бошқа сабабларга кўра иш материаллари билан танишишдан бутунлай бош тортадилар.

Албатта, барча иш материаллари билан танишиши айбланувчининг ҳуқуқи, лекин мажбурияти эмас ва бу бош тортиш бирон-бир ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Лекин иш материаллари билан танишишдан бош тортиш айбланувчининг манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳимоячи иш материаллари билан танишишдан бош тортишининг асл сабабларини аниқлаш ва асосли тушунтиришлар бериш зарур. Агар айбланувчи шунчаки терговни узайтириш мақсадида иш билан танишишдан бош тортаётган бўлса, ҳимоячи айбланувчига унинг бу фикри асоссиз ва фойдасиз эканлигини уқтириши лозим.

Ҳимоячининг ҳам жиноят иши материаллари билан айбланувчи иштирокидаги танишиб чиқишдан манфаатдор. Чунки бу унга ишнинг барча аспектларига тўла ва чуқурроқ кириб бориш, тўпланган

¹ «Коментарий к УПК РСФСР». Москва 1988 г. Ст 237.

материалларни тўғри баҳолаш, оқловчи ва жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш ва бу билан айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлайди.

Агар айбланувчи иш материаллари билан танишишдан қатъиян бош тортса, лекин ҳимоячидан воз кечмаса, бу ҳолда ҳимоячи барча иш материаллари билан шахсан ўзи танишиши, ишдаги зиддиятларни, тергов камчиликларини ва турли қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда айбланувчининг манфаати йўлида асосли илтимосномалар киритиш зарур.

Агар айбланувчи ҳимоячи таклиф қилишни илтимос қилса ёки унинг иштироки мажбурий бўлса ёхуд ҳимоячи айб эълон қилиш пайтидан бошлаб қатнашаётган ҳолларда терговчи ишнинг барча материалларини айбланувчи ва ҳимоячига бир вақтдаги тақдим этиши зарур. Бунда қонун айбланувчига ўзи танлаган ҳимоячи хизматидан фойдаланиш имкониятини таъминлашни кўзда тутган. Шу мақсадда қонунда иш материаллари билан танишиши ҳимоячи келгунга қадар, лекин 5 (беш) суткадан ортиқ бўлмаган муддатга кечиктирилиши мумкинлиги кўрсатилган. Агар айбланувчи томонидан танланган ҳимоячи кўрсатилган муддатда кела олмаса, терговчи бошқа ҳимоячини чақириш чораларини кўриши зарур. Бу билан қонун айбланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини расман эмас, балки реал таъминлашга эришади.

Ҳимоячи иложи борича иш материаллари билан айбланувчи иштирокида танишишга ҳаракат қилиши зарур. Айниқса, вояга етмаган ёки бирон жисмоний ёки руҳий камчилиги бор айбланувчиларнинг иши бўйича бу ҳолат жуда муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, бу тоифадаги айбланувчиларнинг иш материаллари билан албатта ҳимоячи билан биргаликда танишишлари мажбурийлиги қонунга қоида тариқасида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу айбланувчилар (бошқа аксарият айбланувчилар ҳам) ҳуқуқий терминларни, айбловнинг қонуний мазмунини тушунишга қийналадилар. Бунда ҳимоячи айбланувчига унга эълон қилинган айбловнинг мазмунини, тушунарсиз терминларни, ҳуқуқ нормасини, баъзи тергов ҳаракатлари ва далилларни мазмуни ва аҳамиятини тушунтиради. Бунда айбланувчи ва унинг ҳимоячиси тергов ҳаракатларининг тўлалиги ва сифатига, иш бўйича тўпланган далилларнинг ҳақиқийлигига эътибор берадилар. Иш материаллари билан биргаликда сидқи дилдан, синчковлик билан танишиши кўп ҳолларда асоссиз илтимосномалар киритишни олдини олади, тергов камчилик-

ларини аниқлайди ва алоҳида тергов ҳаракатлари ўтказиш заруратини асослаш имконини беради.

Танишиш учун барча иш материаллари тўлалигича айбланувчи ва ҳимоячига тақдим этилиши зарур. Қонун буни кафолатлаш мақсадида иш материаллари тикилган ва рақамланган ҳолда тақдим этилиши зарурлигини белгилаган. Лекин бизнинг фикримизча, бу қоида терговчи томонидан барча ҳақиқий иш материаллари тақдим қилинганлигига етрали кафолат бермайди. Чунки тикилган ва рақамланган иш материалларининг варақлари ноинсоф терговчи томонидан алмаштирилиши, ўзгартирилиши ва қайтадан тикиб қўйилиши мумкин. Баъзи ҳимоячилар судда жиноят иши материаллари улар танишганларидан сўнг ўзгартирилганлиги ёки алмаштирилганлиги ҳақида баён қилишлари ҳам учраб турадики, бу йўл қўйиб бўлмас ҳолат.

Фикримизча, бундай суистеъмолликнинг олдини олиш учун қонунга «Ҳимоячи ва айбланувчи иш материалларининг ўзлари лозим топган бетларига имзо қўйиб, бу ҳақда иш материаллари билан танишиши ҳақидаги баённомага изоҳ ёзиб қўйишлари мумкин», - деган норма киритиш мақсадида мувофиқ бўлар эди. Бу қоида суд мажлиси баённомаси билан танишиш жараёнига ҳам тадбиқ қилиниши лозим. Қонунга ушбу нормаларнинг киритилиши айбланувчи ва ҳимоячининг ҳақиқий иш материаллари ва суд мажлиси баённомалари билан тўла танишишини реал таъминлаган ва одил судлов манфаатларига хизмат қилган бўлар эди.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. - Т.: Ўзбекистон, 2005.

3. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. 2005 йилда мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль.

4. Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш ша-

роитини яратиш – асосий вазифамиздир. //2006 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи 2007 йил 13 феврал.

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2004.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси. -Т.: Адолат, 2006.

8. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 27 декабрь. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 15 сон, Адолат, 1998.

9. Ўзбекистон Республикаси "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 15 сон, Адолат, 1998.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997 йиллар. 1-2-том. Шарқ, Т. 2002.

11. "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ - 24-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, № 10-11.

12. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида 2005 йил 1августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3641 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005йил. 30-31 сон, 223-модда

13. "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида" 2005 йил 8 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3644 сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2005 йил, 32-33 сон, 242-модда

14. Саломов Б. Адвокатская деятельность в Республике Узбекистан. Учебник. В 2-х томах. -Т.: Консаудитинформ, 2007.

7-МАВЗУ
АДВОКАТ - ЖАБРЛАНУВЧИ, ФУҚАРОВИЙ
ДАЪВОГАР ВА ФУҚАРОВИЙ ЖАВОБГАРНИНГ
ВАКИЛИ

1. Адвокатнинг жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатидаги процессуал функцияси ва процессуал ҳолати.

2. Адвокат жабрланувчининг вакили сифатида амалга ошириши лозим бўлган процессуал ҳаракатлари.

3. Дастлабки терговда жабрланувчининг вакили сифатида адвокатнинг иштироки.

Амалиётда жиноят ишлар бўйича жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида адвокатнинг иштирок этиши бошқа фаолият турларига нисбатан камроқ учрайди.

Қонун ҳужжатларида адвокатни мазкур туркумдаги ишларга вакил сифатида ёллашнинг алоҳида тартиби белгиланган эмас, ушбу масала умумий асосларга кўра ҳал қилинади. Адвокатни вакил сифатида жиноят ишлари бўйича ҳимоячи ёллашдан фарқи уни жисмоний шахслар билан бирга, юридик шахслар ҳам ёллаши мумкинлигидадир. Масалан, содир қилинган жиноят оқибатида муайян корхона, ташкилот, муассасанинг мулкӣ манфаатларига зарар етказилган бўлса, ушбуни дастлабки тергов ва судда ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъвогарнинг вакили сифатида адвокат иштирок этиши мумкин. Фуқаровий жавобгар сифатида юридик шахс эътироф этилган ҳолатларга мисол қилиб, юридик шахсларнинг мулкидан фойдаланган ҳолда ходимни содир қилган жинояти оқибатида фуқаронинг мулкига ёки соғлиғига етказилган зарарни тушуниш мумкин. Фикри-мизни ойдинлаштирсак: агар ҳайдовчи корхонага тегишли автомашинани нотўғри бошқариши оқибатида фуқаронинг ёки юридик шахснинг автомашинаси билан тўқнашиб, автотранспорт ҳодисасини содир қилган бўлса, мазкур айби учун нафақат шахсан ўзи, балки бошқарувидаги автомашинанинг эгаси бўлган корхона ҳам фуқаровий жавобгар бўлиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича адвокатга жабрланувчининг, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этаётганлиги учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шартномасига асосан белгиланган миқдорда хизмат ҳақи тўланади ва ҳимоячи сифатида

қатнашаётган адвокатдан фарқли ўлароқ унга вакиллик қилгани учун ҳақ давлат ҳисобидан ундириб берилмайди. Қонунда жиноят ишлари бўйича фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар ёхуд жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилишда адвокат иштироки шарт бўлган ҳолатлар белгиланган эмас.

ЖПКнинг 62-моддасига мувофиқ жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ўз манфаатларини кўзлаб, адвокатни жиноят иши бўйича вакиллик қилишга таклиф этишлари мумкин. Бу ҳақда улар билан топшириқ шартномаси тузадилар.

Юридик шахс жиноят ишида фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этса, ўзининг ваколати адвокатга берилганлигини тасдиқловчи ишонч қоғозини ташкилот номидан беради. Жабрланувчининг вакилига нисбатан бундай тартиб қўлланилмайди. Шунингдек, вакил сифатида ишда иштирок этаётган адвокат дастлабки тергов ёки суд идораларига ўзи фаолият юритаётган адвокатлик тузилмаси томонидан бериладиган адвокатлик ордерини тақдим қилиши шарт ҳисобланади. Адвокат вакил сифатида иштирок этганда уни мақомини тасдиқловчи ҳужжат, ордер бўлгани сабаб, суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья томонидан унинг вакиллигини эътироф этувчи алоҳида қарор ёки ажрим чиқарилмайди.

Жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили улар билан бирга, шунингдек, уларнинг ўрнида ҳам иштирок этади ва тегишинча жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёхуд фуқаровий жавобгарнинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланади. Бундай ҳолларда адвокат ўзи вакиллик қилаётган шахсларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиши; уларнинг ишончини суиистеъмол қилмаслиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд чақирганда ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни ёлғон гувоҳлик беришга ундаш каби қонунга ҳилоф йўллар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови, суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт. Вакил иш юртишнинг исталган вақтида ўз мажбуриятларини бажаришини давом эттиришидан воз кечишга ҳақлидир.

Вакил бўлиш вазифасини ўз зиммасига олган адвокат иш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг шу мақомга эга бўлганлиги ҳақидаги ҳужжат билан танишиб чиқиши лозим. Жабрланувчига етказилган жисмоний, моддий ва маънавий зиён нимада ифодаланганидан, даъвогар ва жавоб-

гарнинг моддий зиёнга оид талаб ва мажбуриятларидан адвокат вакил сифатида тўла хабардор бўлиши, улар билан мулоқотларда бунга оид масалаларни муҳокама қилиб, иш бўйича қандай талаб ва эътироз билдириш, навбатдаги ва келгусидаги вазифалар қандай усул ва воситалар билан бажарилишини ўзаро келишиб олиши лозим. Жабрланувчи жиноят ишини ярашув тартибида тугатилишига қанчалик мойил эканлиги, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг мулкӣ ундиришларга оид фикрлари ва даъво миқдори ва ундан воз кечиши бўйича адвокат вакилга қай даражада ваколат берилиши ҳам аниқланиши даркор.

Адвокат-вакилнинг юқорида зикр этилган масалалар бўйича ишдаги далиллар билан процессуал қоидага кўра танишиб чиқиши, қўшимча далиллар тўплаш ва такдим қилиш, илтимос ва эътирозлар билдиришга ҳақли. У ўзи ва мижозининг номидан ишдаги қарорларга нисбатан норозилик билдиришга, ишда иштирок этаётганларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишга ҳақли.

Адвокат баъзи ҳолларда жиноят иши бўйича вакилнинг вазифасини бажариши мумкин эмас. Чунончи, ЖПК 79-моддасида кўрсатилгандек, агар у илгари шу иш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, халқ маслаҳатчиси, суд мажлисининг котиби, шунингдек, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки ҳолис сифатида иштирок этган бўлса; ушбу ишнинг терговида ёки судда кўрилишида иштирок этган ёхуд иштирок этаётган судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суд мажлисининг котиби билан қариндош бўлса; юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида у билан шартнома тузган процесс иштирокчисининг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахс билан қариндошлик муносабатларида бўлса; ўз ҳимоясидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёхуд фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига қарама-қарши бўлган шахсга муқаддам юридик ёрдам кўрсатган бўлса, адвокат ишда вакил бўлиб иштирок этишга ҳақли эмас.

ЖПКда бевосита назарда тутилмаган бўлсада, иш бўйича илгари жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этган адвокат жабрланувчининг, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу ҳолислик ва беғаразликка шубҳа туғдирадиган ҳолатдир. Айни вақтда, адвокат ўзаро манфаатлари зид бўлмаган бир неча

жабрланувчининг, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгарнинг вакили бўлишига қонун монелик қилмайди.

Жабрланувчининг, фуқаровий даъвогар ёхуд фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида адвокат улар сўроқ қилинганида ва уларнинг иштирокида тергов ҳаракатлари ўтказилаётганда иштирок этиши лозим.

ЖПК 375-моддасига биноан тергов тамомлангандан сўнг жабрланувчи фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга. Вакил иш материаллари билан танишганда унинг мижози ҳам ҳозир бўлиши мақсадга мувофиқ. Агар уларнинг бирортаси узрли сабаблар билан белгиланган вақтда иш материаллари билан танишиб чиқиш учун кела олмаса, терговчи муддатни беш кунгача узайтириши, башарти бу муддатда ҳам иш материаллари билан танишиши учун вакил келмаса, жабрланувчига, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарга бошқа вакил чақириш учун имконият яратилади. Иш материаллари билан танишгач, вакил ўз мижози билан иш бўйича терговни тўлдиришга оид илтимос ва талаблар билдириши ва уларнинг қаноатлантирилишига эришиши даркор.

У ўз мижозига етказилган моддий, мулкӣ, маънавий зарарнинг миқдори, ҳажми, кўламини аниқлаш ва уларни расмийлаштиришга қаратилган мустақил ҳаракатларни амалга ошириш натижасида тўпланган далилларни дастлабки тергов ва судга тақдим қилиши мумкин. Масалан: жиноят оқибатида олинган тан жароҳати боис жабрланувчи даволаш учун қилган сарф-харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар (дори-дармонлар рўйхати, миқдори, нархи, касаллик варақаси ва тиббий ҳужжатларининг нусхалари, шифокор, ҳамшира ёки бошқа шахслардан олинган гувоҳлик хатлари, эксперт ёки мутахассис фикри, сарфланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва транспорт харажатлари, беморни парвариш қилган қариндоши ишга бормагани учун олинмасдан қолган иш ҳақи ва ҳ.к.)ни «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига асосан тегишли ташкилотлардан талаб қилиб олиши мумкин.

Вакил танишиб чиқишга ҳақли иш материаллари илгариги қонунларда «жабрланувчига етказилган зарарга» ёхуд «фуқаровий даъвога оид» бўлиш билан чекланар эди. Ҳозирда вакил ишдаги барча материаллар билан танишиб чиқиши ва уларни таҳлил этиб, ўз мижозининг манфаатлари нуқтаи назаридан фойдаланиши имкониятига эга. Бунга эришиш учун адвокат иш материаллари жилдларга

тикилган ва рўйхатланган бўлишини талаб этмоғи лозим. Иш материаллари билан танишганлик ҳақида баённомада иш неча жилддан ва неча варақдан иборат эканлиги акс эттирилмоғи лозим.

Жабрланувчининг ва фуқаровий даъвогарларнинг вакили уларга жиноят оқибатида етказилган зиён ва даъво миқдорини ундиришни таъминлаш чоралари кўрилиши, айбланувчининг мол-мулки рўйхатга олинishi ҳақида талаб билдиришга ҳақли.

Вакил иш бўйича тўпланган далилларга баҳо беришда ўз фикрини билдиради. Суд мажлисида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили суд терговидида фаол қатнашиш, судда сўроқ қилинганларга саволлар бериш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари улар тарафларининг музокарасида қатнашиб, ўз миждозларининг қонуний манфаатларини кўзлайдилар. Кези келганда шуни ҳам эслатиш жоизки, илгари процессуал нормалар вакилнинг судланувчи айбли-айбсиз эканлиги, унга жазо белгилашга оид масалаларни қандай ҳал этилиши ҳақида ўзининг музокара нутқида фикр билдиришга ҳақли эмас эди. Ҳозирда бундай чеклаш ЖПК 449-моддасида йўқ. Демак, вакил бу тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини судда билдириш имкониятига эга. Вакил фақат ўз миждозининг манфаатини кўзлаб, бошқа манфаатдор шахсларга нисбатан асоссиз айбловга ружу қилмаслиги керак.

Суд ҳукми устидан норозилик шикоят беришда жабрланувчи билан фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари бир хилда ҳуқуққа эга эмас. Чунончи, жабрланувчи ва унинг вакили худди маҳкум ёки оқланган шахс ҳамда уларнинг ҳимоячилари каби ҳукмнинг барча жиҳатлари бўйича шикоят беришга ҳақли. Фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакили эса ЖПК 497-498-моддаларига биноан ҳукмнинг фақат фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан апелляция ва кассация инстанцияси судига шикоят қилишлари мумкин. Ҳукми назорат тартибида кўриб чиқиш тўғрисида илтимоснома ҳам фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари томонидан фақат ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми бўйича берилиши мумкин. Уларнинг ҳукмдаги бошқа масалаларга оид шикоятлари ишни юқори судда кўриш учун асос бўла олмайди.

Жиноят ишини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш чоғида жабрланувчининг, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили ўз миждозининг манфаатларини кўзлаб далилларни таҳлил этиш, қўшимча далиллар тақдим қилиш, эътирозлар

билдириш, илтимос ва талаблар баён этишда ҳамма вақт қонун талабларига риоя қилиши, ўз вазифасини ҳалол, одилона бажариши шарт.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни. 1996 йил 27 декабрь. Ўзбекистон янги қонунлари. 15 сон, Адолат, 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонуни, 26 декабрь 1997. Ўзбекистон янги қонунлари. 15 сон, Адолат, 1998.

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2004.

4. Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида" ги Қонуни (янги таҳрири). 2000 йил 14 декабрь. -Т.: Адолат, 2001.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-1997 йиллар. 2-том. Шарқ, Т. 2002.

6. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. - Т.: Адолат, 1-2 Т 2000.

7. Тўлаганова Г. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2005.

8. Калачев Е.С., Калачева С.А. Адвокат в уголовном процессе. - М.: ПРИОР, 2001.

9. Научно-практический комментарий к Уголовно – процессуальному кодексу Российской Федерации / Под общ. ред. В.М. Лебедева. -М.: 2002.

10. Савицкий В.М. Права обвиняемого на защиту в уголовном процессе. - М.:Наука, 1983.

8 – МАВЗУ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТИ ВА ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

1. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича ҳимоячининг мажбурий равишда иштирокини таъминлаш.

2. Дастлабки терговда адвокат процессуал ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари.

3. Адвокат ва ҳимояланаётган шахс ўртасидаги муносабатнинг ўзига хос хусусияти.

4. Адвокат томонидан тақдим этиладиган далиллар. Далиллар мақбуллигининг кафолати.

5. Айбланувчининг қонуний вакили ва унинг адвокат (ҳимоячи) билан муносабати.

6. Алоҳида тоифадаги жиноят ишларини суд муҳокамасида кўриб чиқишда ҳимоячининг иштироки.

7. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар юзасидан адвокат иштирокининг мажбурийлиги.

8. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячи иштирок этган пайдан бошлаб унинг ҳуқуқлари.

9. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишда ҳимоячи иштирокининг ўзига хос хусусиятлари.

Жиноят-процессуал қонунчиликда айбланувчининг ўзи истак билдирмаганда ҳам ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар белгиланган. Ҳимоячининг ишда иштирок этиши шарт бўлган ҳолатларнинг қатъий рўйхатини қонунда белгилаб қўйилиши муайян ҳолатларга кўра қўшимча кафолатларга муҳтож шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадини кўзлайди.

Вояга етмаганлар жиноят ишларини кўришда ЖПКнинг 51-моддасига кўра ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Ҳимоячи вояга етмаганлар ишлари бўйича айблов эълон қилиш вақтида ва айбланувчини сўроқ қилишда иштирок этиши, айбланувчига саволлар бериши, ўтказилган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиши ва гувоҳга, экспертга, мутахассисларга саволлар бериши, ўзи қатнашган тергов ҳаракатларининг юритилиши хусусида ёзма муло-

ҳазалар бериши (ЖПКнинг 53, 550, 552, 553-моддалари) мумкин. Вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳимоячининг айблов эълон қилиш вақтидан бошлаб иштирок этиши ҳақидаги қонун талабига риоя қилмаслик жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши ҳисобланади.

Агарда юқорида кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи томонидан ёки уларнинг илтимосига кўра ёхуд розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчи, прокурорнинг ёки суднинг талаби билан суриштирувда, дастлабки терговда ёки ишни судда муҳокама қилишда иштирок этиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт. 1985 йил 29 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Пекин қоидаларида вояга етмаганлар ишлари бўйича адвокат қатнашиши назарда тутилган. Шунинг учун бу тоифадаги ишларда юқори касб малакасига эга бўлган адвокатларнинг иштироки мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаганларнинг жиноят ишларини кўришда адвокатнинг иштироки мажбурий бўлиб, у ҳимоячининг процессуал ҳолатини эгаллайди ва ҳимояни ташкил этиш учун қонунда назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фойдаланади.¹

Улар қуйидагилардир:

- ҳимоячи манфаатларини ҳимоя қилаётган вояга етмаганнинг нимада гумон қилинаётганлигини ёки айбланаётганлигини билиш;
- ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилганлиги тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш;
- гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда, унга нисбатан айблов эълон қилинаётганда, шунингдек бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Вояга етмаган айбланувчига дастлабки тергов тамомланганлиги эълон қилиниб, унга иш материаллари кўрсатилаётганда ҳам ҳимоячи иштирок этишга ҳақли.

Ҳимоячи вояга етмаганларнинг иши бўйича материалларини ҳар тарафлама баҳолашга асосланган ички ишонч билан ўз процессуал нуқтаи назарини қонунга ва ҳуқуқий онгига таянган ҳолда мустақил белгилайди. Албатта, ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахс билан маслаҳатлашади, унинг далиллари ва мулоҳазаларини эътиборга

¹ Ларин А.М., Мельникова Э.Б., Савицкий В.М. Уголовный процесс России. –М.: БЕК. 1997. –Б.302.

олади, лекин мустақил равишда узил-кесил қарорга келади ва бунинг учун тўлиқ жавобгар бўлади.

“Баъзи ҳолларда судлар вояга етмаганлар ишларини кўришда судда уларнинг қонуний вакиллари иштироки билан чегараланиб, бу ҳолда ҳимоячини ишга жалб қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар.

Амалиётда кўпинча вояга етмаганнинг ўтиш ёши ҳақида баҳслар юзага келади. Чунки баъзида вояга етмаган пайтда жинойт содир этган шахслар дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида вояга етиб қоладилар. Баъзи терговчи ва судьялар бу масалага жиддий ёндошмасдан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «вояга етмасдан жинойт содир этган лекин ишни судда кўриш даврида вояга етган шахсга нисбатан суд содир этилган жинойтнинг характерини, иш ҳолатларини, айбланувчининг шахсини ҳисобга олиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жинойтларга оид қонун талабларидан келиб чиқиб, ҳимоячининг иштирокини мажбурий деб топиши мумкин», деган тушунчани ҳисобга олмайдилар. Баъзан ҳимоячилар тергов материалларида, тиббий хулосаларда айбланувчиларнинг ёши тўғрисида тахминий ёзилган маълумотларга ишониб қоладилар, бу ҳолатни жиддий текширмайдилар. Оқибатда субъект ёшини белгилашда хатога йўл қўйилиб, шахсни ғайриқонуний жавобгарликка тортиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Криминалистика ва бошқа юридик фанларни чуқур билмайдиган адвокат ҳуқуқий соҳаларда тўла малакали маслаҳатчи бўла олмайди, вояга етмаганларнинг жинойт ишларида эса улар ўз ҳимояси остидаги шахсга самарали юридик ёрдам кўрсата олмайди¹.

Баъзан эса ҳимоячилар вояга етмаган шахсларга айб эълон қилиш пайтида қатнашганда, уларнинг руҳиятини эътибордан четда қолдирадилар. Биринчи марта жинойт содир қилишда айбланаётган вояга етмаганлар ўзлари учун нотаниш бўлган ҳолатда ўзларини йўқотишлари, адашишлари, ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмаса ҳам айбловнинг барча бандларига рози бўлиш ҳоллари учрайди. Бу ерда ўсмир билан зарур алоқа ўрнатиш, уни очик гапиришга ундаш, айбланувчи тақдири учун унинг тўла, тўғри кўрсатувларининг аҳамиятини тушунтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ишда иштирок этаётган ҳимоячи қонуннинг сўроқ кундуз куни ўтказилиши ҳақидаги талаби бажарилишига эътибор қилиши зарур. Чунки айбланувчиларни, айниқса вояга етмаганларни заруратсиз

¹ Еникеев Р.З. Некоторые процессуальные и криминалистические аспекты участия адвоката - защитника в доказывании по делам несовершеннолетних // Актуальные вопросы уголовного процесса современной России: Межвузовский сборник научных трудов. - Уфа: РИО БашГУ, 2003. - Б.32-33.

тунда сўроқ қилиш, терговчи томонидан турли суиистеъмолликларга ва қонун бузилишига олиб келиши мумкин. Ҳимоячи терговчи томонидан вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда қонуннинг ушбу тергов ҳаракатига оид талаблари сўзсиз бажарилишига эътибор бериши лозим. Айбланувчини сўроқ қилишда бирон бир ғайриқонуний чора қўллаш, таҳдид қилиш, ёлғон ваъдалар бериш ва бошқаларга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун айбланувчининг эълон қилинган айбловга муносабатини аниқлаш, зарур факт ва ҳолатларни ойдинлаштириш, эълон қилинган айбловнинг мазмунини тушунтириш, унинг шахсига оид маълумотларни аниқлаш мақсадида айбланувчининг ҳимоячи билан яккама-якка учрашувини ташкиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаганларнинг ёши хусусиятларини ҳисобга олиб, қонунда 16 ёшга тўлмаган айбланувчини сўроқ қилишда педагог ёки психологнинг иштирок этишини кўзда тутган. Белгиланган тартибда ақлан ривожланишда орқада қолган деб топилган 16 ёшга тўлмаган вояга етмаган шахсни сўроқ қилишда ҳам педагог иштирок этиши мумкин (ЖПК 554-модда).¹

Ўсмирларни сўроқ қилишида педагогнинг, ўсмирлар руҳияти бўйича мутахассиснинг қатнашиши, улар ҳаракатининг асл мотивини аниқлашда уларнинг тергов билан боғлиқ ҳолатларда реакциясига баҳо беришида муҳим аҳамиятга эга. Бу иш юзасидан тўғри кўрсатув олишни таъминлайди.

Жиноят процессуал ҳуқуқи соҳасидаги мутахассисларнинг фикрларига кўра, дастлабки терговда иштирок этаётган педагог нафақат сўроқ қилинувчининг ўсмирлик ва ёшлик ҳолати психологиясини ҳисобга олган ҳолда саволлар беришга ёрдам беради, балки уларнинг онги шаклланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Психолог вояга етмаганнинг руҳий камчиликлари мавжудлигини, айниқса криминал ҳолатда ўз ҳаракатларининг жамият учун хавфли эканлигини англаганлиги масалаларини тўғри баҳолаши лозим.²

Вояга етмаганларнинг ҳимояси манфаатларида болалар психологияси бўйича мутахассиснинг қатнашиш масаласи назарий жиҳатдан деярли ўрганилмаган.

Шунинг учун юристлар, руҳшунослар билан биргаликда педагог, психиатрларни суд ва терговда қатнашиши қоидаларини ишлаб чиқсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

¹ Ирсалиев А. Вояга етмаган жиноятчи? // Ҳаёт ва қонун. – 2002. -№1. –Б. 51.

² Сафуанов Ф. Психолого-психиатрическая экспертиза несовершеннолетнего обвиняемого.// Российская юстиция. -1997. -№7. –Б.29.

Ҳимоячининг айбланувчини вояга етмаганлар иши бўйича комиссияга топшириш муносабати билан жиноят ишининг тугатилиши ҳақидаги масалани ҳал қилишда аҳамияти каттадир. Ҳимоячи шу ўринда вояга етмаганнинг тарбияси, яшаш шароитлари ва жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, жиноят содир этилишига кўмаклашганларнинг таҳлилини беради, ҳуқуқбузарнинг чин кўнгилдан пушаймон эканлигини таъкидлайди ва жиноят ишини тугатиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида ҳамда уни вояга етмаганларни иши бўйича комиссиясига топшириш кераклиги ҳақида хулоса беради.

Жиноят судлов иш юритишнинг тарбиявий ва профилактик таъсирини оширишни таъминлашга ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўшимча кафолатлар шулардан иборат.

Дастлабки терговда айбланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳимоячининг асосий бурчидир. Ҳимоячи процессуал фаолиятининг асосий мазмуни айбланувчини асосланмаган айбловдан ҳимоя қилишдан, суриштирувчига, терговчига, прокурорга, судга айбловни рад қилувчи далилларни тақдим қилишдан, айбланувчини оқловчи, унинг жавобгарлигини истисно қилувчи ҳолатларни аниқлашдан, айбланувчига юридик ёрдам кўрсатишдан иборат.¹

Айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш деганда, айблов асоссизлиги муносабати билан жиноят ишини бекор қилишга; иш ҳолатларига биноан жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида квалификацияни, тегишли асослар бўлган ҳолда эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга; жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга эришиш ва каби ҳаракатлар тушунилади. Бошқача айтганда, айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айбсиз шахсни судланиш ёки жавобгарликка тортилишини бартараф қилиш, адолатсиз тарзда оғир жазо белгиланишининг олдини олиш, барча енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуасини ҳисобга олишини ўз ичига олади.

Ҳимоячининг дастлабки терговда ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишдаги аҳамиятини англаш учун унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрганиш лозим. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддасида ҳимоячининг қуйидаги ҳуқуқлари белгиланган:

-манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлигини ёки айбланаётганлигини билиш;

¹ Саркисянц Г.П. Участие защитника в уголовном процессе. –Т.: Ўзбекистон, 1971. –Б.9.

-ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилганлиги тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш;

-Гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ва гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳлар, экспертлар, мутахассисларга саволлар бериш;

-суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш;

-ўзи қатнашган тергов ҳаракатларининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш;

-илтимоснома бериш ва рад этиш;

- далиллар тақдим қилиш;

-давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар сўраб олиш;

-гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлганидан кейин эса, жинойт ишига доир барча материаллар билан танишиш ва улардан керакли маълумотларни ёзиб олиш;

-агар ҳимояни амалга ошириш зарурияти тақозо қилса, давлат сирлари, тижорат сирлари ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш;

-суриштирувчи, терговчининг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш;

-иш бўйича келтирилган шикоятлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш.

Ҳимоячи гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаши ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиши; ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибда риоя қилиш каби мажбуриятларга эга.

Тергов ҳаракатлари вақтида ҳимоячининг ҳозир бўлиш ҳуқуқи икки гуруҳга бўлинган қуйидаги ҳолларни қамраб олади:

а) башарти ҳимоячининг айблов эълон қилинган пайтдан бошлаб ишда иштирок этишига йўл қўйилган бўлса, у нафақат ҳимоячи ёки айбланувчининг илтимосномалари бўйича бажариладиган тергов ҳаракатларини ўтказишда, балки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳам ҳозир бўлишга ҳақли;

б) башарти ҳимоячи тергов тугаган пайтдан бошлаб ишга қўйилган бўлса, у терговчининг рухсати билан ҳимояси остидаги шахсни сўроқ қилиш ва ҳимоячининг ёки айбланувчининг илтимоси бўйича ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлишга ҳақли.¹

Жиноят ишида иштирок этиши ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан (ордер олинган) бошлаб адвокат айбланувчи, гумон қилинувчининг ҳимоячиси ҳисобланади ва бу вазифани бажаришни рад этишга ҳақли эмас.²

Ҳимоя қилиш учун имконият йўқлигини сабаб қилиб, қабул қилинган ҳимоя қилиш вазифасини бажаришни рад қилишга йўл қўйилмайди, бу адвокатнинг касбий бурчига зид ҳолат ҳисобланади. Янги топшириқ қабул қилиниши ёки ҳимоя остидаги шахс хизмат ҳақини тўламагани сабабли қабул қилинган ҳимоя қилиш вазифасини бажаришни рад қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳимоячи хизматидан фойдаланиш бу гумон қилинувчи, айбланувчининг хоҳишига боғлиқ бўлиб, улар исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишлари мумкин. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминладиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Ҳимоячидан воз кечиш кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос бериш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бунда адвокат ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди ва бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи иштирокида суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади.

«Ҳимоячи айбланувчининг ҳар қандай манфаатларини эмас, балки айнан қонуний манфаатларини фақат қонуний усул ва воситалар билан ҳимоя қилади. Шунинг учун ҳимоячининг қонунда кўрсатилмаган усул ва воситалардан фойдаланиши, айбланувчи-нинг ноқонуний манфаатларини ҳимоя қилишга уриниши қатъиян рад этилиши

¹ Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РФ. / Под ред. В.Т.Томина. -М.: Юрайт-М, 2001. – Б. 815.

² Қаранг: Серков П. Имеет ли суд право на право? // Российская юстиция. -2002. -№2. –Б. 54; Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами. 1-жилди. –Т.: Шарқ, 1997. –Б.86.

лозим»¹. Ҳимоячи ҳимояси остидаги шахснинг эътиборини қозониши учун суриштирув, тергов, прокуратура ва судни онгли равишда чалғитиб, ҳар қандай усуллар билан уни ҳимоя қилиши мумкин эмас. Иш юритишни била туриб, асоссиз илтимосномалар бериш орқали узайтиришга, шубҳали ва сохта далиллар тақдим этишга, фактларни бузиб кўрсатишга, ҳимояси остидаги шахсни чалғитишга қаратилган усулларга умуман йўл қўйилмайди. Чунончи, дастлабки тергов камчиликларини тўлдиришга доир илтимосномалардан суд мажлисига қадар тактик мақсадда воз кечиш шундай усуллар жумласига киради.

Ҳимоячининг процессуал ҳолати жиноят процессида тенг ҳуқуқли мустақил субъекти сифатида унга берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан аниқ белгиланган. Ҳимоячининг мустақиллиги у умуман ҳимоясидаги шахснинг ихтиёри ва талаби билан ҳисоблашмасдан фаолият кўрсатиши лозим деган маънони англатмайди. Ҳимоячи айбланувчининг ноқонуний уринишларига эргашмаслиги лозим, лекин у ўз ҳимоясидаги шахснинг қонун билан асосланган талабларини ҳисобга олиши шарт ва бу маънода ҳимоячининг мустақиллиги мутлоқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига асосан, адвокат ўз касбий фаолиятини амалга оширишда юридик ва жисмоний шахсларнинг топшириғига кўра уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли масалани ҳал қилиш, судларда ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги ишларни кўрувчи органларда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган фактлар ҳақида маълумотлар тўплаш, зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларини давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасалардан талаб қилиб олиш, мижознинг розилиги билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан экспертнинг ёзма хулосалари, мутахассисларнинг маслаҳат-маълумотларини талаб қилиб олиш, унга ваколат берган ёки ҳимоясида бўлган шахсга оид ишни юритаётган суд ва бошқа давлат органига тупланган ҳужжатларни тақдим қилиш ҳамда улардан асослантирилган ёзма жавоб олиш, қонунда кўрсатилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.²

Дастлабки терговда ҳимоячи ва ҳимоя қилинувчи шахс позициясидаги процессуал адабиёт ва амалиётда мунозарага сабаб бўлаётган баъзи бир муносабатларга тўхталиб ўтамиз. Айбланувчи ўз айбини инкор қилиб турган ҳолда ҳимоячининг позицияси масаласи анча мунозарали ҳисобланади.

¹ Савицкий В.М. Права обвиняемого на защиту в уголовном процессе. –М.:Наука, 1983. –Б.78.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура, Нотариат тўғрисидаги қонунлари. –Т.: Адолат, 1997.

Агар айбланувчи ўз айбини инкор қилиб, тегишли важлар келтираётган бўлса, ҳимоячи бунга асослар бўлган тақдирда, ҳимоячи айбланувчи ўзини оқлаш учун келтираётган важларини текшириш учун барча чораларни кўриш шарт. Ҳимоячи иш мазмунига эътибор қаратмай, ўзини қийнамаслик учун айблов билан келишиши ҳимоянинг мутлақ нотўғри усулидир.

Шунингдек, биз баъзи бир адвокатларнинг ўз ҳимоя нутқларида судланувчининг айбсизлигини асослаб, иккинчи томондан, суд уни айбли деб топса, енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, тегишлича енгилроқ жазо тайинлашни сўраш амалиётини ҳам йўл қўйиб бўлмайдиган хато деб ҳисоблаймиз. Бу масалаларда муқобиллик бўлиши мумкин эмас. Чунки юқоридаги ҳолат мазмунан ҳимоядан воз кечганликни англатади.

Айблов ва унга асос қилиб олинган далилларни инкор қилиш мумкин бўлмаган, яъни айбланувчининг важлари мутлақо асоссиз бўлган ҳолда ҳимоячининг позицияси қандай бўлиши керак? Баъзилар бу ҳолда ҳимоячи айбланувчига унинг тутган йўли мақсадга мувофиқ эмаслигини тушунтириши ва тўғри кўрсатув беришига ундаши лозим, деб ҳисоблайдилар.¹ Бу фикр билан келишиб бўлмайди. Чунки, айбланувчининг важлари бўш ва айблов далиллари мустаҳкам бўлиб кўринса-да, фақат суд ҳукми билан айбланувчини айбдор деган ҳулосага келиш мумкин. Ҳимоячи ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан айбловни тан олиб, тўғри кўрсатув беришга ундаши, юқорида айтганимиздек, амалда ҳимоядан воз кечишни билдиради. Бу эса қонун бўйича ҳам, адвокатлик этикаси нуқтаи назаридан ҳам мумкин эмас.

Адвокат–ҳимоячи одоб-ахлоқ ва этика нормаларини бузмасликка интилиши керак². Ҳар қандай ишончли бўлиб кўринган айблов далилларининг ҳам вақти келиб асоссизлиги аниқланиб қолиши мумкин.

Юқоридаги ҳолда ҳимоячи қонунда кўрсатилган усул ва воситалар билан айбланувчига айбни инкор қиладиган асосли важлар топиш, уни тергов ёки суд органига тақдим қилишга ёрдам бериши керак. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳимоячи айбланувчи ўз айби-

¹ Волков В., Подольный А. Как гарантировать квалифицированную юридическую помощь? // Российская юстиция. -2000. -№9. -Б.18-21; Эзрохи Э.И. Возможности защиты расширены.// Гражданин и право. -2000. -№5. -Б.42.

² Жамиева Р.М. Теория принятия и реализации решений в тактике профессиональной защиты / Тактика, методика и стратегия профессиональной защиты. Сб. статей. -Екатеринбург: 2002. -Б.16 - 39.

ни инкор қилиб турган ҳар қандай шароитда ҳам айбсизлик презумпцияси нуқтаи назаридан келиб чиқиб иш тутиши керак¹.

Агар ҳимоячи айбловни инкор қиладиган важларни топишда ёрдам бера олмаслигига кўзи етса, у айбланувчига ҳимоя позицияси унга тўғри келмаслигини, шунинг учун бошқа ҳимоячи олиши мумкинлигини билдириши лозим. Лекин айбланувчи мазкур ҳимоячидан воз кечмаса, ҳимоячи айбловнинг бўш томонларини ҳисобга олиб, ҳимояни давом эттириши лозим.

Баъзан амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, айбланувчи шахсий сабабларга кўра, у ёки бу оқловчи далилдан ҳимоя манфаатлари йўлида фойдаланишни истамайди. Масалан, айбланувчининг яқин кишисининг обрўси тўқилиши, оила шаънини сақлаш ва бошқа сабаблар туфайли². Бу ҳолда ҳимоячи айбланувчининг сабаблари асосли ёки асоссиз эканлигини, унинг ахлоқий томонларини ўрганиши ва яна бир бор уни оқлаш ёки жавобгарлигини енгиллаштириш учун бу далиллар қанчалик муҳим эканлигини тушунтириши лозим. Агар кўрсатилган далиллардан фойдаланмаслик асоссиз судланиш ёки жазони оғирлаштиришга олиб келадиган бўлса, ҳимоячи айбланувчининг қонуний манфаатларидан келиб чиқиб, ҳимояси остидаги шахснинг ихтиёрига зид бўлса ҳам ушбу далилларни судга ёки тергов органига тақдим қилиши керак. Лекин бу ҳолатда ҳимоячи айбланувчини ҳимоячидан воз кечиш ҳукуқи борлигини ҳисобга олиб, бу ҳақда айбланувчини олдиндан хабардор қилиб қўйиши зарур.

Юқоридаги ҳолатлар ҳимоячининг процессуал ҳолатига қуйидагича баҳо бериш имконини беради: ҳимоячи ҳимояси остидаги шахс билан биргаликда ҳаракат қилувчи, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқловчи ва мақсадларининг йўналиши жиноят судлови вазифаларига жавоб берувчи, ҳимоя функциясини фаол бажарувчи жиноят процессининг мустақил иштирокчисидир.

Ҳимоячининг процессуал ҳолатини қонунга биноан тўғри тушуниш унинг жиноят процессида иштироки билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни таъминлайди.

Ҳимоячининг дастлабки терговдаги иштироки унга ўз касбий бурчини юксак тушуниш мажбуриятини юклайди. «Ҳар бир ижтимоий аҳамиятли фаолият сингари адвокатлик фаолияти учун ҳам

¹ Қаранг: Петрухин И.Л. Контроль над преступностью и права человека / Рассказывают адвокаты / Отв. ред. Резник Г.М. -М.: 2000. -Б.218-219.

² Савицкий В.М. Право обвиняемого на защиту в уголовном процессе. -М.: Наука, 1983. -Б.127.

ахлоқ кодекси принципи замирида ётадиган касбий этика хосдир»¹. Дастлабки терговда ҳимоячи ўз касбий мажбуриятларини бажаришда қонунларга риоя қилинишига фаол кўмаклашиш, ўзининг фуқаролик, ижтимоий, касбий бурчини юксак тушуниши, одил судлов органларига, адвокатура органлари обрўсига чуқур ҳурмат билан қараш, адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат қилганларга диққат билан қарашини танлаш ва олиб боришга сидқи дилдан ёндашиши, ҳимоя билан боғлиқ фаолиятида қатъийлик, ҳаққонийлик, софдиллик, ўз касбий маҳоратини оширишга астойдил ҳаракат қилиш, иш материалларини, далилларни ўрганишда ва уларга баҳо беришда объективлик ҳимоя қилинувчи шахс ва процесснинг бошқа иштирокчиларига ўзаро ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳимоя билан боғлиқ сирларни сақлаш каби этика нормаларига амал қилиши керак. Е.Ю.Львова адвокатлар учун мўлжалланган амалий қўлланмасида дастлабки терговда ҳимоячи «этика нормаларига қатъий амал қилиш», «айбсизнинг айбини тан олмаслик», «гуруҳли ишлар бўйича ўтаётган бошқа шахсларни ўрнини бўрттириб кўрсатиш ҳисобига ҳимояси остидаги шахснинг айбини камайтирмаслик (коллизия)» каби ҳимоя принципларига таяниши керак, деб ҳисоблайди.² Машҳур адвокатлардан бўлган Г.Падванинг фикрича, ҳимоячи ахлоқий жиҳатдан жиноятдан жабр кўрган шахсга нисбатан хайрихоҳлик билдириши шарт. Ҳимоячининг олий касб бурчи адвокатнинг фуқаролик, инсонлик виждони билан зиддиятга киришмаслиги лозим.³ «Адвокатура мактаби» китобининг муаллифи бўлган Р.Гаррис адвокатлик ахлоқи ҳақида шундай ёзган: «Мижозга хизмат қилиш ҳимоячининг «энг олий, шак-шубҳасиз бурчи» бўлса ҳам, барибир умид қилиш керакки, бу бурчни адо этиш учун у ўзининг инсоний мажбуриятларини ёддан чиқармаслиги ва ҳаққоний воситалар ёрдамида ютиб чиқиши мумкин бўлмаган ишни олиб боришдан воз кечишга ўзида куч топа олиши лозим.»⁴

Ҳимоячи ўз билим ва касбий маҳоратини доимо ошириб бориши зарур. Унинг фаолиятида касбий маҳорат, юксак маданият, босиқлик ўта муҳим аҳамиятга эга. Ҳимоячининг ташқи кўринишидаги, ўзини тутишидаги, илтимосномаларининг мазмуни ва шаклидаги, уларни қонун тартибига мос расмийлаштириш ва тузишдаги ҳар қандай

¹ Баршевский М.Ю. Адвокатская этика. -М.: 2000. -Б. 135.

² Львова Е.Ю. Позиция по делу / Защита по уголовному делу: Пособие для адвокатов / Под ред. Е.Ю. Львовой. - М.: 2000. -Б.38-39, 202.

³ Падва Г. Этика и тактика допроса потерпевшего защитником обвиняемого // Советская юстиция. -1987.-N 7. - Б. 26.

⁴ Гаррис Р. Школа адвокатуры. -Тула: 2001. -Б. 210.

камчиликлар арзимас деб ҳисобланмаслиги лозим. Бу масалада ҳар бир нарсага диққат билан қараш керак.

Ҳимоячи кўпинча ўз ҳимояси остидаги шахснинг манфаатлари бошқа айбланувчиларнинг манфаатларига зид келиб қолган ҳолатларга дуч келади. Албатта, бу ҳолда ҳимоячи мазкур жиноятни содир этишда айбланувчининг роли, иштирок этиш даражаси, ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун ҳимоянинг қонунда кўрсатилган барча усул ва воситаларини ишга солиши керак. Лекин шу билан бирга айбни асоссиз равишда иш бўйича ўтаётган шахсларнинг зиммасига юкламаслиги керак, яъни айбловчининг позициясига ўтмаслиги керак.

Тергов маълумотларини барвақт эълон қилиш ишни олиб боришни қийинлаштириши мумкин. Ҳимоячи шуни ёддан чиқармаслиги керакки, бу маълумотларни бевақт ошкор қилиш ҳимояга муҳтож шахснинг манфаатларига жиддий зиён келтириши, унинг обрўсига путур етказиши (чунки, у кейинчалик айбсиз деб топилиши мумкин), гувоҳлар кўрсатувларига таъсир қилиши мумкин.

Ҳимоячи ҳимоя қилинувчи шахснинг зарарига ҳаракат қилиши мумкин эмас. Мана шунинг учун ҳам ишонч билдирган шахс сирларини сақлаш ҳимоячи жиноят процессидаги фаолиятининг энг асосий шартларидан ҳисобланади.

Шу ўринда бир мунозарали ҳолат мавжуд. Маълумки, амалиётда айбланувчилар дастлабки терговда ўз айбларини тан олиб, суд мажлисида эса терговчи унга нисбатан терговнинг ноқонуний усулларини қўллагани, зўравонлик ишлатганлиги учун ўз айбини тан олиб, кўрсатув берганлигини, аслида эса айбдор эмаслигини билдирадилар. Бундай ҳолат дастлабки терговда сўроқ пайтида ҳимоячи қатнашган ишлар бўйича ҳам учраб туради. Хўш, суд бунда ҳақиқатни аниқлаш учун қандай иш тутиши лозим? Бизнингча, қонунга «суд ҳимоячини бошқа иш ҳолатлари бўйича эмас, балки айнан судланувчининг дастлабки терговда ноқонуний усуллар қўлланилганлиги ҳақидаги важи юзасидан сўроқ қилиниши мумкин», деган қонун қўшимча қилиб киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Агар иш ҳолатлари адвокатга ҳимоя функцияларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган, балки юридик ёрдам кўрсатиш жараёнида маълум бўлган бўлса, бу ҳолда у дастлабки терговда кўрсатув беришдан бош тортишга ҳақли эмас.

Қонуний вакилнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Жиноят процесси иштирокчиларидан бири бу гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакилидир.

Қонуний вакил ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун жалб қилинади. Ишда қонуний вакил сифатида ота-оналар, фарзандликка олинганлар, васийлар, ҳомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига ҳомийлик қилувчи муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қонуний вакили ишда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили эса жабрланувчи билан бирга, шунингдек, унинг ўрнида ҳам иштирок этади.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчининг манфаатлари қонуний вакилнинг манфаатлари билан ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим билан адвокат тайинланади.

Қонуний вакиллик фуқаролик ва жинойт процессидаги вакиллик умумий институтидан фарқли ўлароқ, вакиллик қилинаётган ҳуқуқий муносабат субъекти алмаштирилишини англатмайди. Қонуний вакил вакиллик қилаётган шахс ўрнига эмас (биргаликда ҳам эмас), балки у билан бирга ўз қарамоғидаги шахснинг ҳуқуқлари ҳимояси ва қонуний манфаатларининг амалга оширилишига, у томонидан ўз процессуал мажбуриятларини бажаришга ёрдам беради.

Қонуний вакилнинг процессуал ҳолатининг муҳим белгиси шундан иборатки, у исботлашнинг субъектларидан бири бўлиб, исботлашнинг мустақил субъекти сифатида иштирок этади, унинг манфаатлари ҳар доим ҳам у вакиллик қилаётган шахс манфаатлари билан бир хилда бўлавермайди.¹

Амалиётда фуқароларнинг қонуний вакили тариқасида иштирок этишда йўл қўйилаётган хатолар (масалан, иш материаллари билан танишишда, ҳимоячини танлаш ҳақидаги масалани ҳал этишда, шикоят ва аризалар беришда ва ҳ.к.) қонуний вакилнинг фикрини вакиллик қилинаётган шахс қабул қилишига мажбур қилиш, қонуний вакилнинг ўзи вакиллик қилаётган шахс ўрнига эмас, балки у билан бирга, ўз шахси номидан иштирок этаётганини тушуниб етмаслик ва

¹ Рыжаков А.П. Субъекты уголовного процесса. -М.: Юрист, 1996. -Б. 54.

у шикоят бериш, ариза бериш, ҳимояни амалга ошириш бўйича ўз фикрига эга бўлиши мумкинлигини тушуниб етмасликдан келиб чиқади.

Ўз навбатида ишда қонуний вакилнинг иштироки ўзи вакиллик қилаётган шахснинг процессуал ҳуқуқларини чеклаб қўймайди, балки уларнинг тўла ва самарали равишда амалга оширилишига ёрдам беради. Ушбу шахс ҳар хил турдаги ариза ва шикоятлар бериш каби мақсадларда ўз қонуний вакилининг розилигига мухтож эмас. У ўз қонуний вакилининг ҳолатидан фарқланадиган ҳолатни эгаллаши мумкин.¹

Қонуний вакилнинг процессуал ҳолати, аввало, у процессдаги қайси иштирокчининг манфаатларини кўзлаб вакиллик қилаётгани билан белгиланади ва амалдаги жиноят-процессуал қонунчилик шундан келиб чиқиб, қонуний вакилларга жуда кенг ваколат беради. Бу ваколат улар вакиллик қилаётган шахсларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуига яқинлашади ёки тенг бўлади.

Қонуний вакилнинг ҳуқуқлари мазмунан у ўзи вакиллик қилаётган шахснинг ҳуқуқларидан келиб чиққанлиги сабабли, шунга мувофиқ равишда у ўзи вакиллик қилаётган гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг жиноят ишларини юритиш мобайнида кўрсатилган ҳуқуқлари келиб чиқади ва ЖПКда кўрсатилган барча процессуал воситалар, рад қилиш ва аризалар беришдан шикоят қилишгача бўлган воситаларнинг қўлланишига асосланади.

ЖПКнинг 61-моддасига мувофиқ, қонуний вакил:

- ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга чақирилганидан хабардор бўлиш;
- суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати билан шу шахснинг сўроқ қилинишида иштирок этиш;
- ўзи вакиллик қилаётган қамоқдаги шахс билан ҳоли учрашиш;
- ўзи вакиллик қилаётган шахснинг ушбу Кодексга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Қонуний вакил суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш, ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик, ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиш каби мажбуриятларга эга.

¹ Уголовный процесс.(Общая часть)Учебник под ред. Никифоровой Е.Н. -Т.: Адолат, 2000. –Б. 64.

Қонуний вакил гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек, ҳимоячи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда қонуний вакил юқорида айтиб ўтилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамасида ҳимоячи иштироки мажбурийлиги иши кўрилаётган шахсларнинг ўз ҳуқуқларини ўзлари эркин равишда амалга ошира олмасликлари, ўзларининг руҳий касалликлари сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш борасида қўшимча кафолатларга муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсади ҳамда суд мажлиси вақтида прокурорнинг қатнашаётганлиги билан асослантирилади.¹

Ҳимоячи сифатида адвокатлардан ташқари жамоат бирлашмаларининг вакиллари, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек, улар томонидан таклиф қилинган бошқа шахслар ҳам қатнашиши мумкинлиги ЖПКнинг 49-моддасида белгилаб қўйилган. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда ҳимоячининг иштироки мажбурийлигидан мақсад бундай шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтиришдир.

Фикримизча, бундай ишлар бўйича фақат адвокатлар ҳимоя функциясини амалга ошириши лозимлиги ЖПКнинг 571-моддасида белгилаб қўйилиши керак. Чунки юқорида айтиб ўтилган шахслар махсус тайёргарликка эга бўлмаганлари сабабли, ҳимоя функциясини етарли даражада амалга ошира олмасликлари мумкин. Бу эса ЖПКда алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзларга эга деб эътироф этилаётган ақли норасо шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келади.

Ҳимоячининг фаолияти бундай шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ҳимоя қилишга қаратилган. Бундай ишларни юритишда суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақидаги қарор чиқарилган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши ЖПКнинг 571-моддасида белгиланган. Фикримча, шу тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячининг иштирокига шахсда руҳий касаллик ҳолатига шубҳа туғилган пайтдан бошлаб йўл қўйиш керак. Бундан ташқари, ушбу ҳолат аниқлангандан кейин қанча муддат ичида экспертиза тайинлаш

¹ Шаҳобиддинов Н. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритишда ҳимоячининг иштироки. // Ўзбекистон Республикасида адвокатурани такомиллаштириш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.148.

тўғрисида қарор чиқариш ҳамда экспертиза ўтказишга юборишнинг аниқ муддатини қонунда белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Суд-психиатрия экспертизаси дастлабки терговнинг сўнгида ўтказилса, бундай шахсларга нисбатан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш амалда таъминланмайди. Шу сабабли “дастлабки терговда тиббий ҳужжатлар асосида шахсда руҳий касаллик мавжудлигининг аниқланиши ишда ҳимоячи иштирок этишига имкон бериши керак”.¹ Ушбу пайтдан бошлаб тергов ҳаракатлари ҳимоячи иштирокисиз ўтказилиши мумкин эмас. Бу эса ақли норасо шахсларнинг процессуал ҳуқуқларини кўшимча кафолати бўлиб хизмат қилади. Айниқса, бу ҳолат дастлабки тергов ҳаракатларида бемор соғлигининг ёмонлиги туфайли иштирок этаолмаган, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор билан шахс руҳий касаллиги таъсирида таниша олмайдиган ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга оширолмайдиган ҳолларда юқори самара беради. Шунинг учун шахснинг руҳий соғлигига шубҳа туғдирувчи ҳужжатлар мавжуд бўлган захоти, яъни суд-психиатрик экспертизаси тайинлашдан олдин ҳимоячининг ишда иштирок этиши бундай шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Тадқиқотчилар томонидан ўрганиб чиқилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши билан боғлиқ бўлган 37 жиноят ишининг фақатгина биттасида ҳимоячи суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор билан шахсни экспертизага юборишдан олдин таништирилган, қолган жиноят ишлари бўйича ҳимоячи ушбу қарор билан дастлабки тергов тамомлангандан кейин барча иш материаллари билан бирга таништирилган. Шундай экан, жиноят-процессуал қонунга ҳимоячининг суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини экспертизага юборишдан олдин таништирилиши тўғрисидаги қонуннинг киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолларда ҳимоячилар ўзларининг қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларидан фойдаланиш имконидан маҳрум бўлмоқдалар ва уларни амалиётда процессуал бузилиш деб баҳолаш мумкин.

Шахсда руҳий тушкунлик ҳолати аниқланганда ҳимоячи таклиф этилиши ҳам, тайинланиши ҳам мумкин. Шахснинг ақли норасолигига асосли шубҳа туғилгач, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи томонидан ёки уларнинг

¹ Гускова А.П. Теоретические и практические аспекты установления данных о личности обвиняемого в уголовном процессе. -М.: 1997. –Б. 63.

розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф этилган-этилмаганини аниқлайди. Акс ҳолда адвокатлар ҳайъати орқали ишда ҳимоячи иштирок этишини таъминлаш чорасини кўради.

Ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида қарор чиқарилмайди. Бундай шахсга нисбатан эҳтиёт чораси танланмайди ва у иш материаллари билан танишмайди, иш бўйича айблов хулосаси тузилмайди.

Жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка дучор бўлган шахсларга айб эълон қилиш ва уларга нисбатан эҳтиёт чораси танлаш истисно этилмайди. Шахснинг жиноят содир этгандан сўнг ақли норасо деб топилиши бошқа процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари амалга оширилишига таъсир кўрсатади. Масалан, руҳий касалнинг ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги фуқаровий даъво ушбу ишда кўрилмайди, балки фуқаровий суднинг иш юритуви тартибида кўриб чиқилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишни юритишда суд-психиатрия экспертизасини тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Ишга киришган вақтдан бошлаб ҳимоячи, башарти ҳимояси остидаги шахснинг соғлиғи тўсқинлик қилмаса, у билан учрашишга ҳақли.

Терговчи ёки суд суд-психиатрия экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажримни ижрога юборишдан олдин ҳимоячини таништириши ва унинг қуйидаги ҳуқуқларини таъминлаши лозим; тайинланган экспертни ёки умуман экспертиза муассасасини рад этиш; муайян шахсни эксперт қилиб тайинлашни илтимос қилиш; экспертнинг олдига қўшимча саволлар қўйиш; экспертиза ўтказишда қатнашишга рухсат сўраш. Ҳимоячининг бу ҳуқуқларини бажариш асносида суд ёки терговчи қарор ва ажримларга ўзгартиришлар киритиши лозим.

Суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра, шахс жиноят содир этганидан сўнг руҳий касал ёки ақли норасо бўлиб қолган бўлса ёхуд унинг ақли расолигини истисно этмайдиган, аммо ўзини ҳимоя ҳуқуқини мустақил амалга оширишда қийинчилик туғдирадиган руҳий камчиликлари бўлса, ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Кейинчалик суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси асосида шахс ақли расо ва руҳий соғлом деб топилса, ишда ҳимоячининг иштироки масаласи умумий тартибда ҳал қилинади.

Ҳимоячи ишда иштирок этишга жалб қилинган вақтдан бошлаб унинг ҳимоясида бўлган шахс иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомалари билан танишиш имкониятига эга. Кейинчалик у манфаатларини ҳимоя қилаётган шахс иштирокида ўтказилаётган барча процессуал ҳаракатларда иштирок этади.

Инсон ҳуқуқлари мамлакатимизда олий қадрият деб эълон қилинганлигининг тасдиғи сифатида 2001 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганидан сўнг янги институт - жиноят ҳуқуқида ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ва жиноят процесси соҳасида эса ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш тартиби жорий этилди.

Ярашув институти юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги маърузада: “Жабрланувчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади. Хўш, бу ерда гап нима ҳақда бормокда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирилган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган, деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриш учун сарфланадиган муддатлар қисқаради. У узоғи билан уч ҳафтагача чўзилиши мумкин», ¹ деб таъкидладилар.

Ярашув институти ҳалқаро ташкилотлар томонидан тан олинган бўлиб, ҳар хил ҳуқуқий ҳужжатларда ва тавсияларда ўз ифодасини топган, жумладан, 1995 йилда қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ювенал юстициясининг минимал стандартлаштириш тўғрисидаги XI Низоми ва 1987 йилда қабул қилинган 20-сонли Европа Кенгаши тавсияларида кўрсатиб ўтилган.

Мазкур институтнинг жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессида қайд этилиши ЖКнинг 66¹-моддасида ўз ифодасини топди. Унда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳолати илк бор қайд этилган эди. Мазкур моддага биноан ЖК

¹ Каримов И.А. Адолат - қонун устуворлигида // Халқ сўзи. -2001. -30 авг.

105-моддасининг 1-қисми, 106-моддаси, 107-моддаси, 108-моддаси, 109-моддаси, 110-моддасининг 1-қисми, 111-модда, 116-моддасининг 1 ва 2-қисмлари, 117-моддасининг 1-қисми, 122-моддаси, 123-модда, 136-модда, 139-моддасининг 1 ва 2-қисмлари, 140-моддасининг 1 ва 2-қисмлари, 149-модда, 167-моддасининг 1-қисми, 168-моддасининг 1-қисми, 169-моддасининг 1-қисми, 170-моддасининг 1-қисми, 172-модда, 173-моддасининг 1-қисми, 192-модда, 260-моддасининг 1-қисми, 266-моддасининг 1-қисми, 268-моддасининг 1-қисми, 298-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар ўз айбига иқроф бўлса, жабрланувчи шахс билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги қайд этилди. Шу билан жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессида юқоридаги жиноятларни қисман декриминаллаштириш учун ҳуқуқий асос юзага келтирилди.

2004 йил 27 август куни қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ЖКга қуйидаги згартиришлар киритилди: 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг 1 ва 2-қисмларида (таносил касаллигини тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомилисини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг 1 ва 2-қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг 1-қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддаси 1-қисми (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш), 122-моддасида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддаси 1-қисми (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-моддаси 1 ва 2-қисмлари (туҳмат), 140-моддаси 1 ва 2-қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки

ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддаси 1-қисми (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 168-моддаси 1-қисми (фирибгарлик), 169-моддаси 1-қисми (ўғирлик), 170-моддаси 1-қисми ҳамда 2-қисмининг "б" ва "в" бандларида (алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкӣ зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни қўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги белгиланди.

Шунингдек, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги таъкидланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган авралги 26 жиноят таркибидан ЖК 66¹-моддасида 30 та жиноятга нисбатан ярашганлик институти қоидалари қўлланилиши қонунда белгиланди ва бундай жиноятлар доираси 15,3% га кўпайганлигидан далолат беради.¹

Дунёнинг ривожланган давлатлари суд амалиётида тўлиқ синовдан ўтган, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида инсонпарварлик ва адолат тамойилларига батамом мос келадиган ярашув институти миллий қонунчилигимиз учун мутлақо янгилик эмас. Жиноят содир этган шахс билан жабрланувчининг ўзаро келишуви ҳалқимиз тарихида кенг қўлланилган. Бунда жиноят содир этган шахс жабрдийдага товон тўлагани учун жабр кўрган тараф уни кечириб, суддан айбдорни жазодан озод қилишини талаб қилишга

¹ Абдурасулова Қ., Саҳадинов С. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ярашув институтини такомиллаштириш муаммолари. //Инсон ҳуқуқларини суд ва суддан ташқарида ҳимоя қилиш муаммолари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2005. –Б.140.

ҳақли бўлган. Жумладан, Бурҳониддин Марғилонийнинг «Ҳидоя» асарида товон ҳақи жазо сифатида қўлланилгандан сўнг уни айбдор уч йил мобайнида тўлаши лозим, деб кўрсатилган. Ислон қонунчилигида бу институт товон тўлаш деб аталган. Агар жабрланувчи ярашувга рози бўлмаса, айбланувчига нисбатан қасос олиш ҳолати мавжуд бўлган, рози бўлса, хун (дийа) тўлаши лозим бўлган. Тўкилган қон учун 6 турдаги хунни тўлаш вазиятлари бўлган, яъни 6 ёшдан ошган 100 туя, ёки 200 хўкиз, ёки 1000 қўй ёки 1000 мисқол олтин ёки 1000 (кумуш) дирҳам пул тўлаш талаб қилинган. Жиноят иши жабрланувчининг оғзаки аризасидан бошланиб, қози жабрланувчининг жараёнда бевосита иштирок этишини талаб қиларди.¹

Шўролар ҳукумати Ўзбекистонда ўз ҳокимиятига эга бўлган пайтдан бошлаб, маҳаллий аҳолини қози судларидан ажратиш ва бу судларни умуман йўқ қилиш сиёсати натижасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида муайян салбий ўзгаришлар юз берган.

Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилда қабул қилинган Жиноят кодексининг 271-272-моддаларига назар ташласак, унинг мазмунида жабрланувчи ёки унинг қариндошлари томонидан жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш мақсадларида хунни (жиноятдан кўрилган мулкӣ зарарни тўлов воситаси (пул) асосида қоплаш) ёки баримтани (мулкни ёки қора молни) олиши, жиноятдан жабр кўрган шахсни ўзини ёки унинг қариндошларини жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлганини шоҳиди бўламиз. Хун олгани учун жабрланувчига тўланган хунни ташкил этган пул миқдори мусодара қилиниб, жабрланувчи шундай миқдордаги пул жаримаси билан жазоланар эди. Баримтани олгани учун жабрланувчи олти ойга мажбурий аҳлоқ тузатиш ишлари билан ёки 500 рубл жарима билан жазоланар эди.² Бундай ҳол мусулмон ҳуқукида мавжуд бўлган ярашув институтини йўқ бўлишига олиб келибгина қолмай, балки қози судларининг барҳам топишига ҳам сабаб бўлган.

Туркистон Ҳалқ Комиссарлари Кенгашининг 1919 йил 17 июнда чиқарган 66-сонли буйруғи билан қози судларининг фаолияти тахтатилган бўлсада, аҳолининг мазкур судларга бўлган ижобий муносабатини ҳисобга олиб, ҳукумат 1919 йил 2 августда 97-сонли буйруқни чиқаришга мажбур бўлган ва унда судлар томонидан шариат нормаларини қўллашга руҳсат этилган. 1921 йилдан бошлаб Ўзбекистонда қози судларини тиклаш жараёни вужудга келган ва бу ҳолат 1922 йил

¹ Қаранг: Ҳидоя. Комментарий мусульманского права. Перевод с англ. Под ред. Н.И.Гродекова. -Т.: 1993.-Б.65.

² Қаранг: СУ УзССР, 1926, № 11-12.-Ст.54; СУ УзССР, 1929,№21.-Ст.72.

25 июлдаги Мусулмон судлари тўғрисидаги Низомнинг қабул қилиниши билан мустаҳкамланган эди. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керакки, мустабид тузум барибир мазкур судлар ва айниқса, улар томонидан қўлланган ярашув институтига қарши бўлган ва ўзининг давлат-ҳуқуқий сиёсатини маҳаллий аҳолининг ҳаётий манфаатларини ақс эттирган суд органларига нисбатан курашни давом эттирган ва коллективлаштириш жараёнида бу судлар 1928 йил 18 февралда батамом суд тизимидан чиқариб ташланган.

1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР ЖПКнинг 5-моддасида жиноят ишлари қўзғатилмайдиган ҳолатларни қайд этган бўлиб, унинг 6-банди «жабрланувчи ушбу Кодексида назарда тутилган ҳолларда айбланувчи билан ярашганда» деган асос кўрсатилган бўлсада, унинг процессуал жиҳатдан амалга оширилиши қонун чиқарувчи орган томонидан қайд этилмаган эди. Мазкур асоснинг қўлланиши учун процессуал тартибнинг йўқлиги уни амалиётда қўллаш қийин бўлган институтга айлантирган эди.

Демак, ярашув мунособати билан жиноят ишининг тугатилиши миллий қадриятларимизга тўла мос келади. Таассуфки, бу соҳада шу вақтгача бирон бир тадқиқот ўтказилмаган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида воситачилик (медиация) қилиш масалалари илк бор Б.Т.Акрамходжаев томонидан тадқиқ этилган. У Америка Қўшма Штатларида мавжуд бўлган медиация¹ институтини ўрганиб, АҚШда жиноятдан жабр кўрган ва жиноятчи ўртасида воситачилик Ассоциацияси мавжудлигини кўрсатган эди. Миллий қадриятларимиз авлоддан-авлодга ўтиб, ҳамма замонларда болалар, аёллар ва кексаларга меҳр-оқибат кўрсатиб келинган. Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда ҳам масаланинг ана шу муҳим жиҳатларига алоҳида эътибор берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, муайян жиноятларни содир этишда гумон қилинган шахс, айбланувчи ва судланувчининг иш бўйича жабрланувчи билан ярашуви тергов-суд амалиётида доимо ижобий баҳоланган. Узоқ йиллар давомида жиноят процессуал

¹ Медиация - (mediale - воситачилик қилиш дегани)-инглиз-саксон ҳуқуқининг анъанавий институти бўлиб хизмат қилади, аммо у охириги пайтларда кўпгина Европа мамлакатларида қўлланилади. Жиноят процессида вужудга келган баҳсларни ечиш учун хизмат қилади ва унда бетараф шахсни (медиатор)ни- воситачилигида зиддиятда иштирок этувчи тарафлар ўртасида ҳар бирининг манфаатларини қондирадиган келишув бўйича тегишли битим тузилади ва суд муҳокамасини ўтказиш зарурияти бартараф этилади. Қаранг: Носьева Е. Посредничество в урегулировании правовых споров: опыт США // Государство и право. -1997. -№5.-Б.109-111; Акрамходжаев Б.Т. Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии: Дисс. ...канд. юрид. наук.-М.:1992. -212 б.

қонунчиликда амалда бўлган хусусий айблов деб номланган бир қанча жиноят ишлари фақат жабрланувчи ва унинг қонуний вакиллари шикоят аризаси берган тақдирда қўзғатилган ҳамда улар ўз аризаларидан воз кечганларида тугатилган. Бундай жиноят ишлари бўйича айбланувчи ва судланувчининг қисмати батамом жабрланувчининг фикрига боғлиқ бўлган. Албатта, жабрланувчи жиноят ишини қўзғатиш-қўзғатмаслик ёхуд тугатиш-тугатмаслик масаласини ҳал этишда асосан ўз рақибининг феъл-атвори, узр сўраши, етказган зарарни қоплаши каби ҳолатларни инобатга олган. Лекин айбланувчи жабрланувчи билан ярашмаган, ҳатто унга эълон қилинган айбга иқрор бўлмаган ҳолларда ҳам жабрланувчи айбловдан воз кечишга ҳақли эди.

Инсон ҳуқуқларининг қадр-қимматини таъминлаш борасида суд тизимини ҳамда жиноят-процессуал, маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилиш жамиятимиз тараққиётида ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, миллий маънавиятимиздаги энг ажойиб хусусият ҳаётнинг барча мушкулотларини кечиримлилик ва ярашув йўли билан ҳал қилишдир. Гина, хусумат, адоват барча замонларда қораланган.¹ Агар шахс биринчи марта жиноят содир этган бўлса ва айбига иқрор бўлиб, зарарни тўлиқ қопласа, чин дилдан пушаймон бўлиб кечирим сўраса, жабрланувчи ҳам унинг қилмишини кечириб, ярашиш истагини билдирса, бундан ҳар икки томон манфаатдордир.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши тўғрисидаги қонун амалиётга жорий этилган 2001 йилнинг охириг икки ярим ойида 1233 нафар, бугунги кунга қадар эса 26000 га яқин айбланувчи жабрланувчилар билан ярашганлиги туфайли жиноий жавобгарликдан озод этилдилар.² 2001 йилнинг сентябридан бошлаб 2003 йил 1 январигача бўлган давр ичида суд орқали давлат бюджетига келиб тушган пул сармояси 7 млрд. сўмни ташкил қилди. Мазкур сармоя бевосита жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилганлиги сабабли, ўзига хос жамғарма вазифасини бажарди. Бу инсонпарварлик тамойилининг тўғри қўлланилиши билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган кишиларга ҳар бир қадамини ўйлаб босиш, қилмишларини обдон ўйлаш, ҳақ йўлига тушиб олиш имконини беради.

¹ Қаранг: Абдулазиз Мансур. «Қуръони Карим» маъноларининг таржимаси. –Т.: Ислон Университети, 2001.

² Ҳуқуқ газетаси. – 2003. -№31. - 6 авг.

“Ярашув институтининг яна бир аҳамияти шундаки, жиноят иши соддалаштирилган тартибда тезкорлик билан қисқа муддатларда дастлабки терговдан ўтказилади, сўнг судда мазмунан кўрилиб, шу босқичда қонуний ниҳоясини топади, натижада ортиқча сансалорлик барҳам топади. Энг асосийси инсон тақдирига судланганлик тамғаси босилмайди”.¹

Ҳозирда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш жорий қилинган экан, унинг ўзига хос хусусиятларини мукаммал ўрганиш ва амалиётга татбиқ қилиш тартибини белгилаб олиш зарур. Ярашувчилик муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишлари жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси босқичларини ўз ичига олади.

Суриштирув ва дастлабки терговда қуйидагилар исботланиши шарт:

а) гумон қилинувчи, айбланувчининг муқаддам судланган ёки судланмаганлиги;

б) жиноят ҳақиқатан ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан содир этилганлиги;

в) ихтиёрий равишда етказилган барча турдаги зарарни қопланганлиги;

г) жабрланувчи жиноий қилмишни содир этган шахсни кечириб, ярашув тўғрисида ариза берганлиги.

Жиноят ишларини ҳал этишнинг ярашув шакли унча оғир бўлмаган жиноятни содир этиш билан боғлиқ, давлат (айбловчи ёки жабрланувчи сифатида) ва уни содир этган шахс ўртасида, унинг вакили - ҳимоячиси ўртасида ўзаро келишув асосида амалга ошириладиган жараёндир. Кейинчалик бу жараён судья томонидан қонунийлаштирилади. Расмий судловдан ташқари тўқнашувларни ҳал қилишнинг ярашув шакли қуйидаги алоҳида хусусиятларга эга:

- ярашув институти фақат унча оғир бўлмаган жиноятларни кўришда татбиқ этилади;

- ярашувга айблов ва ҳимоянинг ўзаро келишуви, ярашиши мавжуд бўлган ҳолатларда йўл қўйилади;

- ярашув жараёни амалдаги қонунчиликка зид бўлмаслиги ҳамда ишнинг ҳал қилиниши малакали судья иштирокида амалга оширилиши лозим.

¹ Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессуал қонунини либераллаштириш - давр талаби. //Суд-ҳуқуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт мавзусида халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Т.: 2001. –Б.62.

Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг барча босқичларда адвокат иштирок этиб, ўз навбатида қонунийликка риоя этилишини таъминлайди.

Ҳимоячининг бу ҳаракатларни амалга оширишдаги ўрни унинг одатдаги одил судлов жараёнларида иштирокидан тубдан фарқ қилади. Ҳимоячи аввало ўз ҳимояси остидаги шахс жиноий қилмишни ҳақиқатан ҳам содир этганлигини аниқлаши лозим. Агар ҳимоячи мижозининг жиноятни содир этмаганлиги тўғрисида қўшимча далилларга эга бўлса, ушбу далилларни суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим этиши ва ҳимояси остидаги шахс ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилишини олдини олиш учун барча чора-тадбирларни кўриши лозим. Аммо ярашувчилик тўғрисидаги ишларда у ўз ҳимоясидаги шахснинг айбдор эканлигини билса, уни ўз айбини тан олишга даъват қилади, чунки бунда жабрланувчи билан ярашув шартномасини тузиш енгилроқ кечади. Ҳимоячи айбланувчи билан биринчи учрашувда далиллар етарли бўлган тақдирда айбига иқдор бўлишни маслаҳат бериши керак. Бу ўз навбатида вақт ва сармояни тежашга олиб келади. Агар айбланувчи бунга рози бўлса, уни бундай йўлга бошлаш, музокаралар ўтказиш, айбига иқдор бўлишга тайёрлашда ҳимоячининг ўрни беқиёс.

Шуни назарда тутиш керакки, ҳимоячи ярашув музокараларининг барча босқичларида мижози билан бирга бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳимоячи бошқа тоифадаги ишларда иштирок этганда, айбланувчининг айбини тан олишига интилмайди.

Ярашувчилик тўғрисидаги ишлар кўрилишида жабрланувчига устунлик мавқеи берилади,¹ чунки ЖПКнинг 583-моддасига кўра, фақат жабрланувчининг розилиги билан ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин. Мазкур қоидага риоя қилмаслик жиноят оқибатида жабрланган шахслар конституциявий ҳуқуқларининг жиддий бузилишига олиб келади. Ярашувни тасдиқлашдаги энг муҳим ва асосий мезон жабрланувчининг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан ярашишга рози бўлишидир. Агар жабрланувчи жиноят содир этган шахс билан ярашиш истагини билдирмаса, аниқроғи, ярашиш тўғрисидаги таклифни қабул қилмаса, томонларнинг ярашуви ноқонуний ҳисобланади. Яъни жабрланувчи ярашувни бирон-бир тазйиқсиз, ихтиёрий равишда қабул қилиши шарт. Ҳимоячи эса бу шароитда айбланувчини айбига иқдор бўлишга даъват этиш билан бирга

¹ Қаранг: Виноградова О.Б. К вопросу о конкретизации процессуального статуса участников уголовного судопроизводства при прекращении уголовного дела в связи с применением сторон. // Российский следователь. -2003. -№1. -Б.14.

музокараларда жабрланувчига ҳимояси остидаги шахснинг ўз қилмишидан пушаймонлиги, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўла қоплашга тайёрлигини холисона тушунтириши керак.

Моддий ва маънавий зарарнинг қопланиши - ярашув шартномасини тузишнинг асосий шартларидан биридир. Бу ҳаракатларнинг айбланувчи ёки судланувчи томонидан бажарилиши айблов томони билан ҳимоянинг яқинлашувига ва шартноманинг имзоланишига ижобий таъсир қилади. Зарарни қоплаш турли шаклларда, жумладан, нақд пул кўринишида бўлиши мумкин. Қопланган зарар миқдори жиноятни содир этган шахс нуктаи назаридан эмас, балки жабрланувчи нуктаи назаридан етарли бўлиши керак. Ҳимоячи бу ўринда айбланувчига зарарни қопламаслик оқибатларини тушунтириши, ярашув шартномаси тузилмаса, қонунда белгиланган қандай жавобгарликка тортилиши мумкинлигини уқтириши лозим. Бундан ташқари, ҳимоячи жабрланувчига етказилган моддий зарар миқдорини аниқлашда ҳам иштирок этиб, аниқланган сумма ҳақиқатга мос келишини, агар бу миқдор сунъий тарзда жуда юқори кўрсатилган бўлса, уни камайтириш йўллариини излаши керак.

Жиноят ишини ярашув шартномаси билан боғлиқ ҳолда тугатиш тўғрисидаги қарор суриштирувчи, терговчи томонидан прокурор розилиги билан, ҳамда прокурорнинг ўзи томонидан дастлабки терговнинг, судья томонидан эса у маслаҳатхонага киргунча суд муҳокамасининг исталган босқичида чиқарилиши мумкин. Суд муҳокамасига иш материаллари, терговчининг прокурор розилик билдирган ярашув тўғрисидаги қарори, жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаси топширилади.

Суд мажлисида тарафларнинг биринчи томонини - прокурор ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг вакиллари, иккинчи томонини эса гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг ҳимоячиси ташкил этади.

Агар дастлабки терговда ярашув тўғрисидаги битимга келишилмаган бўлса, суд маслаҳатхонага киргунга қадар жабрланувчи ярашув тўғрисидаги аризани топшириши керак.

Ярашув жараёнини қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Ярашув жараёнини амалга ошириш. Ярашув жараёнини амалга оширишда айбланувчи, унинг ҳимоячиси, жабрланувчи ва унинг қонуний вакилларида ташқари, суриштирув, тергов, прокуратура ва суд иштирок этиши шарт.

2. Ишнинг таҳлили. Ярашув жараёнини амалга оширишда иш мукамал даражада таҳлил қилиниши керак. Бунда ҳуқуқбузарнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, айбига иқрорлиги, жабрланувчи билан ярашишга ва етказилган зарарни қоплашга тайёрлиги, содир этилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасида кўрсатилганлиги, жиноятнинг жамиятга хавф туғдирмаслиги, жабрланувчининг ҳам ярашувга мойиллиги каби ҳолатлар таҳлил этилади.

3. Ҳуқуқбузар ва жабрланувчи билан суҳбат. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ишни ўз юритувига қабул қилгач, жабрланувчи ҳамда ҳуқуқбузар билан алоҳида суҳбат ўтказди. Мазкур суҳбат орқали иккала томоннинг ярашувга розилигини, айбланувчининг жиноятга алоқадорлиги, унинг айбига иқрорлиги, шунингдек етказилган зарарни қоплашга тайёрлиги аниқланади. Суҳбат давомида иккала томон ҳам диққат билан тингланади. Кўп ҳолларда тарафлар ўз ҳуқуқларни билмаслик ва кўрқув оқибатида ишда қатнашишдан бош тортишлари мумкин. Ҳимоячи шу ўринда тарафларга ярашувчиликнинг афзаллик томонларини, ярашув туфайли айбланувчи томон жинойи жавобгарликдан озод бўлиши ва жабрланувчига ҳеч қандай хавф етказилмаслиги, ўзига етказилган зарарнинг ундирилишига эришишини тушунтиради. Жиддий жиноятларга алоқадор ишлар бўйича ярашувчиликни қўллашда ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасида кўпроқ суҳбат ўтказиб туриш юқори самара беради.

4. Ярашув жараёнидаги учрашувлар. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор тарафларнинг ўз ихтиёрлари билан ярашишида уларни юзлаштиради, ўзининг дахлсизлигини, ярашув жараёнини, суҳбат қоидаларини (бир-бирини гапини бўлиш, сўқиниш ва ҳурматсизликка йўл қўймаслик) ва бўлиб ўтган суҳбатни бошқа шахсларга ошкор этмасликни тушунтиради ҳамда ҳар иккала томонни қониктирадиган қарор чиқаради. Ҳимоячи ҳам айбланувчига мазкур учрашувдан илгари ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақида тушунтириш бериши керак.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жабрланувчидан фақат бўлган воқеани эмас, балки содир этилган жиноят унинг ҳаётига қандай таъсир этганини батафсил сўзлаб беришга рухсат беради. Айбланувчидан нима сабабдан ушбу жиноятни содир этгани ва ушбу жиноят содир этаётган вақтда нима ҳақида ўйлаганини сўрайди. Хатоларга йўл қўймаслик мақсадида айбланувчи ҳимоячи билан бу тўғрида маслаҳатлашиб олиши керак. Кўп ҳолларда ҳуқуқбузар жабрланувчидан кечирим сўрайди, жабрланувчи эса унинг кечиримини

қабул қилмайди. Сўнг жабрланувчи ва ҳуқуқбузарга бир-бирларига савол беришга руҳсат этилади. Ишни юритаётган шахс ўзаро савол-жавоб вақтида уларни холи қўяди, лекин зарур вақтда уларнинг суҳбатларига аралашishi мумкин. Ҳар икки томон ўз муносабатларини тушунтирганидан сўнг, иш юритаётган шахс етказилган зарарни қоплаш масаласини муҳокама қилишни маслаҳат беради ва суҳбатни тинглагандан сўнг, жабрланувчидан унга етказилган зарар қай тарзда - нақд пул тўлаш йўли билан ёки бошқа тарзда қопланиши маъқуллигини сўрайди. Охири бир тўхтамга келгач, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўртасида шартнома тузилади ва ушбу шартномага тарафлар имзо чекиб, бир нусхасини ўзларига олиб қўйишади. Тарафларнинг кейинги учрашуви муддати уларнинг розилиги билан аниқланади ва унда шартнома шартлари бажарилиши муҳокама қилинади. Ҳимоячи бу муддатда шартномадаги шартларнинг айбланувчи томонидан бажарилишини текшириши, белгиланган муддатларда мажбуриятларни бажармасликнинг ҳуқуқий оқибатларини унга тушунтириб бориши лозим.

5. Ярашув шартномасини тарафлар томонидан бажарилаётганини текшириш. Шартноманинг барча бандларидаги шартлар бажарилгандан сўнг, ярашув жараёни поёнига етган ҳисобланади (бунда пулларнинг ўз вақтида тўланиши, тиббиёт муассасаларига (наркодиспансер, психодиспансер) ўз вақтида бориб даволаниш назорат қилиб турилади). Агар иккала тараф ҳам шартнома шартларининг бажарилишидан қониқсалар, бу иш тугатилган деб ҳисобланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)нинг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчи, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юборади. ЖПКнинг 585-моддасида кўрсатилишича, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячилари, прокурор иштирок этади. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттиришдан бошланади. Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогар) содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги кўрсатувларини тинглайди. Суд ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини; гумон

қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлиги; жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйик бўлган-бўлмаганлигини; етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни аниқлайди.

Шундан сўнг суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшитади. Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича ишни дастлабки терговга қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Судланувчи ҳамда айбланувчи ўзларига қўйилган айбга иқрор бўлиб, етказилган зарар қопланган бўлсалар, томонларга ярашув шартномаси тузиш учун музокарага киришиш ҳуқуқи берилади. Аммо бу ҳуқуқдан суд маслаҳатхонага киргунга қадар фойдаланиш керак. Агар айбланувчи ёки унинг ҳимоячиси томонидан бундай илтимос тушса, судья муҳокамани тўхтатади ва тарафларга ярашув шартномаси тузиш имкониятини тушунтиради. Судья музокараларда иштирок этмайди. Ярашув шартномасини тузишда жабрланувчи ва унинг вакили муҳим ўрин тутаяди, уларнинг розилигисиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Агар жабрланувчи ярашувни рад этса, ҳимоячи яна музокарага киришади, бунда ярашув шартлари ўзгартирилмайди. Шартномада айбланувчи қандай жиноятни содир этишда айбига иқрорлиги, моддий ва маънавий зарарни қоплаш масаласи кўрсатилади. Шартнома прокурор, жабрланувчи, ҳимоячи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг вакиллари томонидан имзоланади. Шартнома имзолангач, судья томонидан тасдиқланади. Агар жабрланувчи ярашувни қатъиян рад этса, ишни дастлабки терговга қайтариш билан тугаллашга тўғри келади.

Ҳимоячининг айбланувчи ёки судланувчини ҳимоя қилишдаги ҳаракатлари бир вақтнинг ўзида бир-бирига узвий боғлиқ бўлган уч масалани ҳал этишга йўналтирилиши лозим: айбланувчига иш унинг шахсий манфаатлари йўлида юритилаётганини тушунтириш; айбни исботловчи далиллар етарли бўлса, миқдори ўз мағлубиятига кўниктириш; процессуал нормаларга қатъий амал қилган ҳолда иш юритиш. Ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда бу масалаларни муваффақиятли ҳал эта олган, юқори касб маҳоратига эга бўлган ҳимоячи қатнашган томон устунликка эришади.

Ярашув институтини амалиётга янада кенгроқ татбиқ этиб, ЖК 66¹-моддасига ижтимоий хавфи катта бўлмаган барча жиноят таркибларини, шунингдек эҳтиётсизлик орқасида содир этилган, қонунда 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган жиноятларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида айбланувчига ўз хатосини тузатиш, судга эса жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маъросимда қилган маърузаси. // Халқ сўзи. 2006 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. —Т.: Ўзбекистон, 2004.
4. "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПК - 24-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005 йил, № 10-11.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари тўплами. 1-жилди. -Т.: Шарқ, 1997.
6. Рустамбаев М.Х., Никифорова Е.Н. Правоохранительные органы. Учебник. -Т.: ТГЮИ, 2003.
7. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик //Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонкулов, Ж.Камолходжаев, В.В.Қодирова. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004.
8. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. - Т.: Адолат, 2000.
9. Тўлаганова Г. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2005.
10. Норбоев А. Ҳодиса жойини кўздан кечириш. -Т.: 1999.
11. Варфоломеева Г.В. Криминалистика и профессиональная деятельность адвоката. -М.: Вмшшая школа, 1987.
12. Гаврилов С.Н. Адвокат в уголовном процессе. М, 1997.

13. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для юридических вузов и факультетов. Изд. 6-е. перераб. и доп. /Под ред. К. Ф. Гуценко. - М.: ЗЕРЦАЛО-М, 2001.

14. Калиновский К.Б., Смирнов А.В. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу Российской Федерации // Под общ. ред.: А.В.Смирнова. - СПб.: Питер, 2004.

ХУЛОСА

Мустақил республикамызда юртбошимиз И.А. Каримов бошчилигидаги ҳуқуқий демократик давлат қурилишига пойдевор қўйиш жараёнида демократик институтларни такомиллаштириш, уларни татбиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади. Ҳудди шу қатори шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни реал қафолатлашда жиноят процессуал қонунчиликда профессионал ҳимоячининг иштироки, унинг ролини ошириш муҳим ўрин тутди. Бу жиноят процессидаги энг муҳим институтлардан биридир.

Юртимизда адвокатура ва адвокатлик фаолияти айниқса жиноят процессига оид ҳуқуқий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Узоқ йиллар давомида ҳимоячиларга жиноятчиликка қарши курашга, ҳақиқат ва адолат ўрнатишга ҳалақит берувчи касб эгалари, ҳуқуқшуносларнинг паст табақаси сифатида қаралган. Аммо бундай муносабат йил сайин ислоҳ қилиниб, мустақиллик шарофати билан эса бу тоифадаги ҳуқуқ ҳимоячилари тобора кадрланаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Жиноят ишларини судда кўриш жараёнида ҳимоячининг мавқеи айбловчи прокурор билан тенглаштирилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг йўлланмалари бунинг яққол далилидир. Ҳар бир адвокат ўзининг ана шу мавқеига мос фаолият юритиши ва касбий малакасини муттасил такомиллаштириб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Амалий йўналишдаги мазкур қўлланма жиноят ишида адвокатнинг, айниқса ҳимоячи тарзида амалиётни амалга ошириш учун кўмаклашишга мўлжалланган. Айни вақтда жиноят процессининг барча босқичларида ҳимоячининг иштироки янада фаолроқ бўлишига қаратилган бир қанча илмий масалалар таҳлил қилинган ва бу борада муайян таклиф-мулоҳазалар билдирилган. Аввало, ўқув қўлланма ҳимоячининг фаолияти самарали бўлишига хизмат қилади ва ҳар бир ҳимоячини тегишли қонунларимизни такомиллаштириш ҳақида ўқув қўлланмадан жой олган ёки ифодаланмаган долзарб муаммолар ҳақида фикр юритишга чорлайди, деган умиддамиз. Фикримизча, ҳимоячининг кўп фаолият қирралари ҳали чуқур тадқиқ этилмаган ва ҳуқуқшунослигимизда етарлича ёритилмаган. Хусусан, қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

-Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясида назарда тутилган фуқаровий жамиятга хос кўнгилли, касбий бирлашма

тарзидаги мустақил институт бўлиб, унинг фаолияти фуқароларга, корхона, муассаса, ташкилотларга малакавий юридик хизмат кўрсатишдан иборат. Давлат адвокатурани ўз ҳомийлигига олиши, унинг фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиши ва имтиёзлар бериши лозим. Жиноят процессида адвокат гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумнинг (баъзи ҳолларда оқланган шахсларнинг) ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши лозим.

-Ҳимоячи ўз миждозларининг манфаатларини кўзлаб, қонунда тақиқланмаган ҳар қандай усул ва воситалардан фойдаланишга ҳақли. Шу мақсадда у тортишув принципига ва касбий ахлоқ нормаларига суянади. Айни вақтда ҳимоячи ўз миждозининг фикрини инобатга олиши ва унинг талабларига зид позицияни эгаллаши мумкин эмас. У миждозини ҳимоя қилишдан воз кечолмайди, унинг айбсизлиги ёхуд айби енгил эканини исботлаш учун ҳар қандай фактик маълумотлардан, ҳатто тўғрилиги тўла ишончли бўлмаган маълумотлардан ҳам фойдаланиши мумкин. Ҳимоячининг иш бўйича ҳимоя йўли бошқаларга ғайриқонуний зарар етказмаса ва умумбашарий ахлоқ-одоб нормаларига зид бўлмаса бас.

-Ҳимоячи ўз миждози билан холи (конфиденциал) учрашиши ва у ишониб билдирган воқеликлар, ҳолатлар ва муносабатларга оид маълумотларни сир сақлаши, уларни фақат миждознинг розилиги билан ошкор қилиши мумкин. Миждоз манфаатларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан ҳимоячи ўзини тийиши шарт.

-Ҳимоячи унга қонун билан берилган барча ҳуқуқлардан тўла ва оқилона фойдаланиши лозим. Айниқса ўз миждозининг манфаатларини кўзлаб, зарур маълумотлар излаш, топиш ва тегишлича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга далиллар тақдим қилиш ҳуқуқидан самарали фойдаланиши керак.

-Суриштирув ва дастлабки тергов босқичида гумон қилинувчи ва айбланувчи айниқса ҳимояга муҳтож. Ҳимоячининг вазифаси ўз миждозига унинг барча ҳуқуқлари ва имкониятларини тушунтириш, улардан фойдаланиш усуллари ва воситаларидан хабардор қилиш, амалда унга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат. Миждознинг иштирокида ўтказилаётган барча тергов ҳаракатларида ҳимоячи бевосита иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Миждознинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатлари (тинтув, олиб қўйиш, кўздан кечириш, гувоҳлантириш, экспертиза учун намуналар олиш ва бошқалар) ҳам ҳимоячининг эътиборидан четда қолмаслиги лозим.

-Айбланувчи тариқасида жиноят ишига иштирок этиши тўғрисида қарорни шахсга эълон қилиш ва уни сўроқ қилиш жуда муҳимлиги жиҳатидан ҳимоячининг иштирокида ўтказилиши лозим. Айбланувчи ушбу қарорга муносабати ва тушунтиришини ҳимоячидан маслаҳат олмасдан терговчига билдириши мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, масала терговни атайлаб чалғитиш, бошқа йўналишга буриш эмас, одатдаги терговнинг бирёқламалиги ва айбловга мойиллигини эътиборга олиш билан боғлиқ. Баъзи муаллифларнинг терговчи ҳам айблаш, ҳам ҳимоя қилиш вазифаларини гўё бирдай бажаради, деган фикрлари амалиётга мос келмайди. Ҳимоячи барча оқловчи далиллар ва тусмолларни ишга солиши ва улар ишда акс эттирилишига эришиши лозим, токи тергов натижалари беғараз, холисона тусда бўлсин.

Шу мақсадларда ҳимоячи айбловга асос бўлган далилларни терговчидан сўраб билиши ва уларни ўз миқдори ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиши шарт. Шу жумладан, турли тергов ҳаракатларининг баённомалари билан танишиши, улардаги шубҳали ёзувларни танқид кўзи билан баҳолаши зарур бўлади. Шу асосда ҳимоячи айблов формулировкасига ўзгартиш киритиш тўғрисида талабнома тузиши лозим.

-Юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаларида бир-бирига зид ҳолатларга ва уларнинг сабабларига эътибор бериш жуда зарур. Кўздан кечириш, эксперимент, олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш баённомаларида нарсалар ва ҳужжатларнинг алоҳида белгилари нақадар батафсил кўрсатилгани, улар қай тарзда ўралиб муҳрлангани ҳам диққатга молик. Баъзан ана шу нарса ва ҳужжатлар дахлсиз сақлангани, ўзгартирилмагани ёки алмаштириб қўйилмагани ҳам ишонарли бўлиши жиддий аҳамиятга эга. Шу сабабли иш материаллари билан тергов тўхтатилгани ёхуд тугалланганида ҳеч бир истисносиз танишиш, уларни миқдор билан муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ. Фақат шундагина терговчи чиқарган якуний қарор ёки айблов хулосасини иш материаллари билан таққослаб таҳлил қилиш имконияти туғилади.

-Ҳимоячи суд мажлисига тайёргарлик кўриши ва ўз миқдори билан барча масалаларни батафсил режалаштириши шарт. Суд мажлисининг ҳар бир иштирокчисига бериладиган саволлар ва жавоблар асосида ҳимоячи қўшимча талабномаларни судга тақдим қилиши, суд музокарасида ўз мулоҳазаларини аниқ ва асослантириб баён этиши зарур. Ҳимоячи судланувчининг музокара нутқи ва охириги сўзи

жозибали, таъсирчан, ишонарли ва мантиқан равон бўлишига кўмаклашиши лозим. Ҳимоя нутқида иш бўйича тўпланган далиллар айбланувчининг ҳимояси нуктаи назаридан таҳлил этилиб, суд жараёнининг моҳияти, жиноятнинг квалификацияланиши, жазо чораси ва бошқа масалалар бўйича фикр ва мулоҳазалар ифода қилинади.

-Суднинг апелляция, кассация ва назорат тартибида ҳукм ва бошқа қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканини текширишга оид масалаларда ҳимоячининг ўрни ўта муҳим. У шикоятни ўз номидан ҳам беришга ҳақли. Лекин бу ҳақда маҳкум этилган шахс, шунингдек иши қўшимча терговга ёхуд қайтадан судда кўриш учун қайтарилган шахс хабардор қилиниши зарур. Прокурор протести ёки жабрланувчининг шикояти муносабати билан юқори судда иш қайта кўрилиши олдидан ҳимоячи уларга ўз эътирозларини билдириши ва шу йўл билан ўз миждозининг манфаатларини ҳимоялаши мумкин. Бундай эътирозлар худди шикоятлар каби асослантирилган бўлиши талаб этилади.

-Ҳимоячи ҳукмни ижро этиш босқичида ҳам маҳкумга юридик хизмат кўрсатиши, жазони ижро этишни кечиктириш, бошқа жазо билан алмаштириш, жазони ўташдан шартли озод қилиш каби масалаларни ҳал этиш ҳақида илтимосномалар билан жазони ижро этувчи органлар ва судга мурожаат қилиши мумкин.

-Ҳимоячиларнинг алоҳида тоифадаги ишлар, жумладан вояга етмаганларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга оид ишлар бўйича иштирокига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки бу хил ишларда вояга етмаган ва ақли норасо шахслар ҳимояга кўп жиҳатдан муҳтождир.

- Дастлабки терговда ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар қаторига «Саводи етарли бўлмаган, интеллектуал даражаси паст бўлган шахсларнинг жиноят ишлари бўйича ҳам ҳимоячининг иштироки шарт» лиги ҳақида норма киритиш (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 51-моддасига);

- Вояга етмаганлар, жисмоний ва руҳий камчилиги бор айбланувчилар иш материаллари билан фақат ҳимоячи билан биргаликда ва бир пайтда таништирилиши шарт эканлигини белгилаш. (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 375-моддасида)

- Дастлабки терговда иш материаллари билан танишишида айбланувчи ва ҳимоячи ўзлари лозим, деб топган иш ҳужжатлари варақларига имзо чекиб бу ҳақда иш материаллари билан танишиш баённомасига изоҳ киритиши мумкинлиги тўғрисидаги қондани

қўшимча қилиб киритиши. (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 375-моддасига)

- Суд мажлиси баённомаси билан танишишда айбланувчи ва ҳимоячи ўзлари лозим, деб топган баённоманинг варақларига имзо чекиб, бу ҳақда суд мажлиси баённомасига изох қилиб киритиш тўғрисидаги қондани қўшимча қилиб киритиш (Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 426-моддасига).

- ЖПК 22-моддасининг матнига кўра, дастлабки терговдаги айблов ва ҳимоя функциялари прокурор ва терговчининг ваколатларида жамланган бўлиб, улар иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни, шу жумладан айбланувчини ҳам фош этадиган, ҳам оқлайдиган ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқишлари керак. Фикримизча, бир-бирини инкор этувчи (ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган) ваколатларни амалга ошириш эса халқаро стандартларга мос равишда, яъни жиноий таъқиб институти доирасида жиноят судлов ишларини ташкил этиш имкониятларини минимал даражага олиб келади. Шунинг учун, терговчи ва прокурорга фақат айбланувчини айбини фош қилувчи далилларни тўплаш, ҳимоячига эса айбланувчининг айбини енгиллаштирувчи, уни оқловчи далилларни тўплаш мақсадида «параллел» тергов олиб бориш ҳуқуқи берилиши мақсадга мувофиқдир.

- Қонунга суриштирувчи ва терговчининг ишга ҳимоячи жалб этилгунга қадар гумон қилинувчи ёки айбланувчига кўрсатув бермаслик тўғрисида тушунтириш бериши, бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилиши лозимлиги ҳақида қоида киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки кўрсатув бериш уларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади.

- Жиноят судлов ишларини юритишда ҳимоячи иштироки мажбурийлиги ҳолатлари доирасини кенгайтириши айбланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқини ҳақиқатдан амалга оширилишининг қўшимча кафолати бўлиб ҳисобланади. Шунинг эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддасидаги дастлабки терговда ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолатлар қуйидаги икки қоида билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- саводи етарли бўлмаган, интеллектуал даражаси паст бўлган шахсларнинг жиноят ишлари бўйича;

- терговда ва судда фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили, айниқса бу вакил сифатида юрист маслаҳатчи ёки адвокат иштирок этаётган ҳолатларда.

- Амалдаги қонунчиликка кўра айбланувчи фақат дастлабки тергов тамомлангандан кейингина йиғилган барча далиллар билан танишиш ҳуқуқига эга бўлади, уларга бу ҳуқуқлари тушунтирилаётганда танишиш учун берилган жиноят ишининг барча материаллари тикилган ва рақамланган кўринишда бўлади. Гумон қилинувчига келсак, унга бундай ҳуқуқ умуман берилмаган. У иш материаллари билан фақат айбланувчи деб эътироф этилса, тергов тугаганидан кейин танишиши мумкин.

Шу ўринда ҳимоя доираларини кенгайтиришга хизмат қилувчи, гумон қилинувчиларнинг айблов эълон қилингунга қадар, айбланувчиларнинг айблов эълон қилинганидан кейин жиноят ишининг барча материалларини танишиши тўғрисидаги қонуннинг амалдаги ЖПКда мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир. Гумон қилинувчи ёки айбланувчига ўзининг асосланмаган ва ноқонуний қамоққа олинганлиги устидан шикоят қилиш имконияти яратилади ва улар шикоятларнинг кўрилиши натижасидан қатъи назар, қамоққа олинишига қадар йиғилган жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга бўладилар.

- Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 375-моддасида вояга етмаганлар, жисмоний ва руҳий камчилиги бор айбланувчилар иш материаллари билан фақат ҳимоячи билан биргаликда ва бир пайтда таништирилиши шарт эканлигини ҳақидаги қоида билан тўлдирилиши лозим.

- Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 375-моддасига дастлабки терговда иш материаллари билан танишишда айбланувчи ва ҳимоячи ўзлари лозим деб топган иш ҳужжатларининг варақларига имзо чекиб, бу ҳақда иш материаллари билан танишиш баённомасига изох киритиши мумкинлиги тўғрисидаги қонун қўшимча тарзида киритилиши кейинчалик иш материаллари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган турли зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

- Айбланувчининг ҳимоячиси ишнинг барча материаллари билан танишиш, улардан ҳар қандай маълумотларни ҳар қандай ҳажмда ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Илмий-техника воситаларидан фойдаланиш иш материаллари билан танишишни тезлаштириши билан бирга, ҳимоячига мутахассислардан керакли маслаҳатларни олиш имкониятини яратади. Бизнингча, Тожикистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган суриштирув ва дастлабки тергов вақтида ҳимоячининг овоз ёзиш ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида бизнинг ЖПКга ҳам киритилиши мақсадга мувофиқдир.

- Ҳар бир ҳимоячи иш материалларидан ёзиб олинадиган маълумотлар ҳажмини турлича аниқлайди. Бизнингча, иш материалларидан эълон қилинган айблов ёки гумонга бевосита ёки билвосита тегишли бўлган қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари олиниши шарт:

- жинойт ишини қўзғатиш, ушлаб туриш, айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш, эҳтиёт чорасини қўллаш, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарорлар;

- айблов хулосаси;

- ушлаб туриш, тинтув ва мулкни хатлаш ҳаракатлари баённомалари, қимматбаҳо буюмлар олиб қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- ҳимоя остидаги шахсинг, бошқа айбланувчилар, жабрланувчилар, гувоҳлар, юзлаштириш баённомалари, экспертиза хулосаси;

- гувоҳлантириш, ҳужжатлар, ашёвий далиллар, ҳодиса жойини кўздан кечириш, ўтказилган эксперимент баённомалари;

- ҳимоя остидаги айбланувчининг шахсига оид маълумотномалар (судланганлик, касаллик, оилавий аҳвол ва бошқалар тўғрисида).

- Ҳеч ким қийноққа солиниши, унга нисбатан мажбурий ва илмий экспериментлар ўтказилиши мумкин эмас. Шунинг учун жинойт-процессуал қонунчилиқни Конституция нормаларига мос бўлиши учун, ЖПКнинг экспертиза ўтказиш тўғрисидаги 181-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир: «Кўрсатилган услубларни қўллашга фақатгина улар шахсинг соғлиғига таъсир кўрсатмаслигини тасдиқловчи тиббий кўрикдан сўнг рухсат этилади».

- Дастлабки тергов босқичини тартибга солувчи қонун нормаларида ҳимоячи томонидан келтирилган илтимосномалар-нинг кўриб чиқиш муддатлари белгиланмаган. Кўпчилик ҳолатларда келтирилган илтимосномалар терговчи томонидан рад этилади. Шуларни ҳисобга олиб, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси томонидан келтирилган илтимосномаларни кўриб чиқиш механизмининг яратиш зарурати мавжуд. Бизнингча, келтирилган барча илтимосномаларнинг зудлик билан кўриб чиқилиши шартлиги тўғрисидаги қоида қонундан ўрин олиши керак.

Шундай қилиб, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жинойт процессида ҳимоячи иштироки институтини ривожлантириш, такомиллаштириш одил судлов манфаатларига хизмат қилади ва демократик ҳуқуқий давлат тамойилларига тўлиқ мос келади, деб ўйлаймиз.

АДВОКАТНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРИ

Самарқанд вилояти судининг раисига

Даъвогар: Вохидов Акмал

Жавобгарлар Раджабов Аскар, Самарқанд шаҳар Тижорат бозори ҳиссадорлик жамияти ҳамда Самарқанд вилоят давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига нисбатан кимошди савдоси ва мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини ҳақиқӣ эмас деб топиш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича даъвогар вакили Н.Рахмонов томонидан

И Л Т И М О С Н О М А

Ҳурматли К.Тошпўлатов!

Бизларга даъвогар Вохидов А.нинг жавобгарлар Раджабов А. Самарқанд шаҳар тижорат бозори ОХЖ ва Самарқанд вилояти давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасига нисбатан кимошди савдоси ва мулкӣ ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордерини бекор қилиш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича Қарши шаҳар судининг 2000 йил 25 август кундаги ҳал қилув қарори ва Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2000 йил 13 октябрдаги ажримларини бекор қилиш ҳақида вилоят суди Президиумига протест киритилганлиги ҳақида эшитдик.

ЎзР ФПКнинг 355-моддасида “тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларнинг иши бўйича келтирилган протестнинг нусхаси юборилиши, зарур ҳолларда, тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиниши, протест нусхалари ишни иштирок этувчи шахсларга суд томонидан юборилиши, ёзма эътирозлар бериш имкониятига эга бўлиши ҳисобга олинishi” белгиланган.

Лекин, Вилоят суди Президиумига протест келтирилганлиги ҳақида даъвогар Вохидов А.га хабар берилмаган, протест нусхаси берилмаган.

Қонуннинг ушбу талабига асосан даъвогарнинг вакили сифатида қонуний манфаатларимизни ҳимоя қилиш мақсадида киритилган протестдан нусха беришингизни сўрайман.

Илова: 1.Ордер.

Адвокат Р. Акрамова

Марғилон шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судига

Даъвогар: Пойафзал ва спорт моллари
жамоа корхонаси Марғилон шаҳар Ипакчи
кўчаси 28 уйда жойлашган

Жавобгарлар: 1. Марғилон шаҳар
хокимлиги Марғилон шаҳар Ўзбекистон
кўчаси 25- уйда жойлашган.

2. Марғилон шаҳар “Капитал қурилиш”
корхонаси Марғилон шаҳар Ипакчи кўчаси
306-уйда жойлашган.

ҚЎШИМЧА ДАЪВО АРИЗАСИ

(маҳаллий давлат ҳокимият органининг қарорини ҳақиқий
эмас деб топиш ҳақида)

Марғилон шаҳар "Пойафзал ва спорт моллари" жамоа корхонаси жавобгарлар Марғилон шаҳар Капитал қурилиш корхонаси, ва Ғаниева Мохираларга нисбатан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаси ҳамда мол-мулкларни қайтариб олиш, бинони олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган бўлиб, мазкур фуқаролик иши судда кўрилиши жараёнида жавобгар Марғилон шаҳар Капитал қурилиш корхонаси Марғилон шаҳар Халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитасининг 1989 йил 20 июнь кунидаги 160 0/7-сонли қарорини тақдим этиб, низоли бинони ўзига ажратилганлиги ҳақида важ келтирмоқда.

Марғилон шаҳар Ижроия қўмитаси томонидан 1989 йилда чиқарилган қарор суд жараёнида маълум бўлиб, унга кўра “Марғилонстрой”га қарашли РСҲ қурилиш-таъмирлаш бошқармасининг эски биноси Марғилон шаҳар "Строитель" кооперативига берилиши кўрсатилган. Ваҳоланки, низода бўлган бино Марғилон шаҳар Халқ депутатлари кенгаши ижроия қўмитасининг 1966 йил 20 август кунидаги 213/8-сонли қарори билан собиқ “Ўзспортсавдо” бирлашмасига қарашли 32-сонли хўжалик ҳисобидаги савдо дўкони балансига берилган бўлиб, мазкур савдо дўкони 1993 йилда Фарғона вилоят Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 1923-сонли давлат ордерига асосан жамоа корхонасига айлантирилган. Яъни, жавобгар Капитал қурилиш гуёки Марғилонстрой бирлашмасидан қабул қилиб олган эски бино Марғилон шаҳар Ижроия қўмитасининг қарори чиққан пайтда “Ўзспортсавдо” бирлашмасига қарашли 32-сонли савдо дўкони балансида бўлиб, ҳеч қанақа “Марғилонстрой” бирлашмаси бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг балансида турган бино топшириғига, ўз ўрнида Марғилон шаҳар Ижроия қўмитаси хўжалик ҳисобидаги савдо дўкони балансида турган бинони тасарруф этишга ҳақли эмас эди.

1964 йил 1 январда амалга киритилган УзР Гражданлик Кодексининг 164-моддаси, УзР Фуқаролик Кодексининг 166, 197, 199-моддалари талабларига мутлақо зид бўлиб, УзР ФК нинг 116-моддаси талабига биноан Марғилон шаҳар Ижроия қўмитасининг 1989 йил 20 июль кунидаги 160 0/7-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки, Марғилон шаҳар Ижроия қўмитасининг ушбу қарорида ғайриқонуний равишда ўзганинг мулки тасарруф этилиб, жавобгар Капитал қурилиш корхонасига ўтказилиши назарда тутилган. Бундан ташқари, мазкур қарорда эски РСҲ биноти жойлашган манзили, унинг баланс қиймати кўрсатилмаган. Шунингдек, Марғилон шаҳрида 1989 йилда бир нечта “Строитель” кооперативлари бўлиб, бино қайси бир кооперативга олиб берилиши ҳам кўрсатилмаган.

Юқоридагиларга кўра, Марғилон шаҳар Ижроия қўмитасининг 1989 йил 20 июль кунидаги 160 0/7–сонли қарорини ғайриқонуний деб ҳисоблаймиз.

Баён қилинганларга кўра

С Ў Р А Й М А Н:

1. Марғилон шаҳар халқ депутатлари кенгаши Ижроия қўмитасининг 1989 йил 20 июль кунидаги 160 0/7 – сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишингизни;

2. Низоли маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарори суд жараёнида маълум бўлганлигини ҳисобга олиб, даъво муддатини тиклашингизни.

Илова: 1. Давлат божи тўланганлиги ҳақида маълумотлар.

2. Даъво аризаси нусхалари.

**Марғилон шаҳар “Пойафзал
ва спорт моллари” жамоа
корхонаси бошлиғи**

К.Муродов

Андижон вилоят судининг
Фуқаролик ишлари бўйича судлов
Хаётига Асака шаҳар судининг 01.08.2000
йилдаги ҳал қилув қарори юзасидан
жавобгар К.Икромова вакили А.Тухтаев ва
Асака шаҳар 3-сонли Давлат Нотариал
идораси томонидан берилган кассация
шикояти бўйича
Даъвогар Б.Рахмонованинг вакили
Адвокат О.Холиков томонидан

Э Ё Т И Р О З Н О М А

Асака шаҳар суди даъвогар Б.Рахмонованинг жавобгарлар Асака шаҳар 3-сонли Давлат нотариал идораси ва фуқаро К.Икромова, Шохида Хожиматоваларга нисбатан ўзига тегишли мол-мулкдан воз кечиш ҳақидаги нотариал тартибида расмийлаштирилган аризани ва шу ариза асосида мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишганлигини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан кўзғатилган фуқаролик ишини куриб, даъвони тулик қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Мазкур ҳал қилув қарори адолатли ва қонун доирасида чиқарилган ва суд ишни ҳар томонлама тўғри ва ҳолисона кўриб ҳал қилди деб ҳисоблайман, шу боис жавобгарлар томонидан келтирилган кассация шикояти қуйидаги асосларга кўра қаноатлантирилмасдан қолдирилиши лозим.

Иш ҳолати бўйича К.Икромова ва Ш.Хожиматовалар мерос қабул қилиб олиш муддатларини узирсиз сабабларга кўра ўтказиб юбориб, орадан 11 йил вақт ўтгандан кейин даъвогар К.Икромованинг ҳам улушини ҳисоблаб, жавобгар Асака шаҳар 3-сонли Давлат нотариал идораси орқали васиятнома асосида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилган ва суд томонидан ушбу гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган. Чунки ЎзР Олий Мажлиснинг 29.08.1996 йилдаги «Фуқаролик кодексининг амалга киритиш тўғрисида»ги қарорининг 12-бандини тўғри талқин этиб, қонуний хулосага келган.

Ҳақиқатдан ҳам кассация шикоятида кўрсатилганидек ЎзР ФКнинг 1112-1157 моддалари меросхўрларнинг ҳеч бири томонидан эгалланмаган тақдирда қўлланилиши кўрсатилган, ваҳоланки иш ҳолати бўйича мерос 01.03.1997 йилга қадар даъвогар К.Икромова томонидан ушбу ҳолатда амалда бўлган ФКни эмас, балки эски таҳрирдаги ЎзР ФКнинг талабларини тўғри қўллаган.

Бундай ҳолатда жавобгарлар томонидан ўтказилиб юборган муддатни номаълум сабабларга кўра суд тиклаш имкониятига эга эмас эди.

Шунинг учун ҳам суд ушбу гувоҳномани қисман бекор қилишга ҳам ҳақли эмас эди.

Суд ўзининг ҳал қилув қарорида кассация шикоятида келтирилган бошқа важларига ҳам тўлиғича ўз хулосасини бериб ўтган ва шу боис қонуний тухматга келган деб ҳисоблайман.

Шу асосларга кўра жавобгарлар томонидан келтирилган кассация шикоятини қаноатлантирилмасдан, ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш лозим бўлади деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларга кўра Асака шаҳар судининг 01.08.2000 йилдаги мазкур иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришини, кассация шикояти эса қонунни нотўғри талқин қилишдан иборат бўлганлиги сабабли, қаноатлантирмасдан қолдиришни сўрайман.

Даъвогар К.Икромованинг
қонуний вакили адвокат :- О.Хошимов.

Ҳимоя нутқи

Ҳурматли суд, мухтарам суд ҳайъати аъзолари!

Мана биз бир неча кундан буён менинг ҳимоям остидаги Гулямов Фахриддин Патихкамаловичнинг ишини кўриб, унга яқин яшаш арафасидамиз. Гулямов Ф.П.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмини «а» ва «в» бандлари, 209-моддаси 2-қисмини «а» ва «б» бандлари билан айблов эълон қилинган эди. Дастлабки терговда Гулямов Ф.П. ўзига қўйилган айбга иқрор бўлмади, сабаби унга қўйилган айб нотўғри эканлиги суд терговда ҳам, дастлабки терговда ҳам, иш материаллари билан танишилганда маълум бўлди. Унга нисбатан қўйилган айбловга ҳеч қандай асослар ва далиллар йўқ. Тергов бир томонлама, айблов йўсинида олиб борилган ва Гулямовнинг ҳатти-ҳаракатлари тергов органлари томонидан нотўғри малакаланган.

Менинг ҳимоям остидаги Гулямов Фахриддин Патихкамаловичнинг меҳнат фаолиятига тўхталадиган бўлсак, у Тошкент шаҳрида жойлашган «Паста–Камола» Қўшма корхонасида ишлаб чиқариш цехи бошлиғи лавозимида ишлаган. Корхона томонидан тасдиқланган касбий йўриқномага асосан (должностная инструкция) Гулямов Ф.П. ишлаб чиқариш технологияси, меҳнат интизоми, техника хавфсизлиги, ҳом ашёнинг сифатига масъул бўлган. У раҳбарият томонидан белгиланган ишлаб чиқариш режасига асосан омбордан керакли миқдордаги ҳом ашёларни олган ва бу ҳом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳужжат орқали тайёр маҳсулотлар омборига мастер орқали топширган ва шу билан унинг вазифаси тугаган. Дастлабки терговда жиноий иш бўйича «Паста-Камола» корхонасининг ҳужжатлари аудитор томонидан қайта тафтиш қилинганда, аудитор хулосасига биноан бухгалтерия ҳужжатлари билан ишлаш, миқдорлар билан ҳисоб-китоблар, маҳсулотларни миқдорларга жўнатиш ишлари корхона томонидан чиқарилган касбий йўриқномага асосан унинг меҳнат фаолиятига тааллуқли эмаслиги кўрсатилган. Бу ишлар билан умуман шуғулланмаган. Гувоҳлар ҳам ўз кўрсатувларида тайёр маҳсулотларни кирим-чиқим қилиш ва бу ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекиш унинг вазифасига кирмаслигини, юқ хатларига умуман алоқаси йўқлигини, ҳеч қаерда Гулямовнинг имзоси йўқлигини таъкидлаганлар, чунки Гулямов моддий жавобгар шахс бўлмаган. Ишлаб чиқариш цехида ҳеч қачон ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарилмаган.

Иш материаллари билан танишиб чиқиб, шунга ишонч ҳосил қилиш мумкинки, унинг бу жиноят ишлари бўйича ўтаётган ҳужжатларга алоқаси йўқ.

Маҳсулотни сотиш ёки уни қабул қилишга Гулямов Ф.П.нинг ҳеч қандай алоқаси бўлмаган. «Паста-Камола» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган «Бантон» печеньелари сифатли, ўз вақтида буюртмага асосан ишлаб чиқарилган ва тайёр маҳсулот мастер орқали ордер билан Ашуров Нодир

томонидан тайёр махсулотлар омборига топширилган. Тайёр махсулотлар омборида Измаилбаев С махсулотларни Ашуров Нодирдан қабул қилиб олган.

Гулямов Ф.П.га ишониб топширилган махсулот унинг томонидан ўзлаштирилмаган, растрата қилинмаган. Махсулот тайёр ҳолда ҳужжат орқали цехдан чиқарилиб, омборга топширилган.

Иш материалларида қайд этилган 15.047.875сўмлик мулкка Гулямов Ф.П.нинг алоқадорлиги масалалари тергов ҳаракатлари давомида ўзининг исботини топмади. 19 декабрь 2003 йилда ўтказилган ревизия актига асосан бошқа сумма кўрсатилган. Ишнинг 3-жилди, 6,10 варақлари, ишнинг 3-жилди, 11-13 варақлари, ишнинг 3-жилди, 13-16 варақлари, ишнинг 1-жилди, 122-123-варақлари, ишнинг 3-жилди, 14-54-155 варақлари, ишнинг 1-жилди, 145-147 варақлари, ишнинг 5-жилди, 70-73-варақлари, ишнинг 5-жилди 188-189 варақлари, ишнинг 5-жилди 190-191 варақлари, ишнинг 2-жилди, 7-13 варақлари, ишнинг 4-жилди, 2-32 варақлари, ишнинг 4-жилди, 208-215 варақларидаги махсулот чиқим қилинганлиги ҳақидаги сохта ҳужжатлар Гулямовга дахлдор эмаслиги, ҳеч қайси ҳужжатда унинг имзоси йўқлиги ревизия актида ҳам кўриниб турибди.

Айблов ҳулосаси ҳам терговчи томонидан нотўғри тузилган, деб ҳисоблайман. Масалан, ишнинг 1-жилди, 14-147 варақларида жумладан шундай дейилади: «...қўшма корхонага Маликов Тохир Кодирович раҳбар, Абдуллаев Зиядулло корхона қошидаги «Фуд Сервис» шўба корхонаси раҳбари, Гулямов Ф.П. печенье ва чипси ишлаб чиқариш цехи бошлиғи лавозимларига тайинланганларидан кейин уларнинг кўрсатмаси билан». Иш материаллари билан тўла танишиб чиқиш давомида шу нарсани аниқладимки, айблов ҳулосасидаги Гулямовга тегишли жумлалар асоссиз равишда қўшиб қўйилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасидаги ҳар қандай корхонада махсулотлар юк хатлари билан олиб чиқиб кетилади ва бу юк хатларига директор ёки унинг ўринбосари, бош бухгалтер ва омбор мудир(юкни қўйиб юборганлиги тўғрисида) имзо чекади ва бу ҳақда корхонада алоҳида буйруқ чиқарилади. Ҳеч қайси корхонада цех бошлиғи юк хатига имзо қўймайди ва бу унга ваколатли эмасдир. Айблов ҳулосасида келтирилган «кўрсатмасига биноан» деган жумла тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳатто директорнинг ҳар қандай оғзаки кўрсатмаси ҳам юкни қўйиб юборилишига асос бўла олмайди. Бунинг учун юк хати тузилиши, унга корхонада буйруғида кўрсатилган шахслар имзо чекиши ва шундан кейин қўриқлаш хизмати томонидан имзолар ҳақиқийлиги текширилиб, юк ташқарига чиқарилиши мумкин. Измаилбаев С. билан Гулямов Ф.П.ни 21 январ 2004 йилда юзлаштириш ўтказилган ва бу тергов ҳаракатининг натижалари ҳам Гулямовнинг ҳеч қандай кўрсатма бермаганлигига ишора қилади. Суд ҳам ўз навбатида бу фактга ўзининг баҳосини беради деб ўйлайман.

Суд муҳокамасида кўриб ўтилган масалаларга келсак, суд мажлисига чақиртирилган гувоҳлар Измаилбаев С «Паста-Камола» корхонасида тайёр махсулотлар омбори мудир(юкни қўйиб юборилишига асос бўла олмайди) қўшма корхонада ишлаб чиқарилган печенье ва чипсилар унга цехдан ҳужжат орқали топширилиб, у харидорларга олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин

хужжат орқали чиқим қилиб келганлигини, 2002 йил апрель ойининг охирларида қўшма корхонада Маликов Тохир Кодировичнинг кўрсатмасига ва имзосига биноан, бош хисобчи Шакурова Н.лар имзолагандан кейин Измаилбаев ҳам имзо чекиб, махсулотни чиқариб юборганлигини билдирди. Гулямовнинг ҳеч қачон кўрсатма бермаганлигини, фақат директорнинг кўрсатмасига мувофиқ бажаришини, бу тайёр махсулотларига ва юк хатларига алоқаси йўқлигини ўз кўрсатмасида айтиб ўтди. Иш материалларининг 1-том, 188-193 иш варағи.

Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Исаев Дилшод «Паста-Камола» қўшма корхонасида чипси ишлаб чиқариш цехи устаси бўлиб ишлаганлигини, буюртма бўйича хом ашёларни хужжат орқали олиб, ундан ишлаб чиқарилган чипси махсулотини хужжат орқали тайёр махсулотлар омбори мудир Измаилбева С.га топшириб келганлигини, Гулямовнинг техник хисоботларни кўриб чиқишини, махсулот сифатини назорат қилишини, олиш-сотиш хужжатларига дахли йўқлигини кўрсатиб ўтди.

Суд залига чақиртирилган гувоҳ Ашуров Н.О, айблов хулосасида «Паста-Камола» қўшма корхонасининг чипси ишлаб чиқариш цехи устаси деб нотўғри ёзилган, лекин у печенье ишлаб чиқариш цехи устаси лавозимида ишлаб келганлиги, қанча миқдорда печенье ишлаб чиқариш кўрсатилган буюртма бўйича хом ашё омборидан керакли хом ашёни хужжат орқали олиб, ундан ишлаб чиқарилган печенье махсулотини ордер орқали тайёр махсулотлар омбори мудир Измаилбаев С.га топшириб келганлигини кўрсатиб ўтди.

Бундан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш цехида ортиқча махсулот ишлаб чиқарилмаган. Кўрсатилган юк хатлари бухгалтерия ва рахбарият томонидан сохталаштирилган. Гулямов Ф.П. расмий хужжатлар билан умуман шуғулланмаган.

Қўшимча гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Шехаметов «Паста-Камола» корхонасида технолог бўлиб ишлаган. У ўзининг кўрсатувларида Гулямов ишчиларни назорат қилиши, станокларни ишлаётганлигини текшириши, моддий жавобгар шахс эмас, техника созлиги учун жавобгарлигини кўрсатиб ўтди.

«Паста-Камола» корхонасининг ҳозирги директори Парманов Пулат Саттарович Гулямовга нисбатан корхонанинг молиявий ва моддий жиҳатдан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, Гулямовнинг касб йўриқномасига мувофиқ тайёр махсулотларни сотиш ишларига, моддий жавобгар шахс бўлмаганлиги, 2003 йилда тузилган хужжатларга алоқаси йўқлиги, бундай ваколатларга эга бўлмаганлиги, корхонага ҳеч қандай моддий зарар келтирмаганлиги, ўз ишига виждонан ёндошганлиги хусусида айтиб ўтди.

Бухгалтер Полетаева ҳам 28 августда ўтказилган хужжатли бухгалтерия тафтишлари давомида ва якуний далолатномаларда, шунингдек бухгалтерия хисоботлари бўйича корхонада камомад ва моддий зарар аниқланмаганлигини кўрсатиб ўтди.

Айблов хулосасида кўрсатилаган гувоҳлар рўйхати яъни, Умаров Р., Исматов А., Махмудов Б. кўрсатувларига асосан, хусусий тадбиркор Сарихаджаев Ш.Ш.дан тайёр махсулот, яъни печенье ва чипсини

олганликларини, Сарихаджаев маҳсулотларни жуда катта партияди «Паста-Камола» корхонасидан ҳужжат орқали олиб чиқиб кетиб, ўзининг дўкониди сотолмаганлиги туфайли, бозорга олиб чиқиб сотганлигини ва бу сотилган маҳсулотга ҳужжат бўлмаганлиги сабабли, сохта ҳужжатларни бухгалтерия томонидан олган. Бу ердан шу нарса аён бўладики, ҳужжатлар мавжуд бўлмаган маҳсулотга олинган. Натижада унинг сотиб олган печеньелари яна қайтадан бозорда сотилган.

Прокуратура қошидаги Солиққа оид департамент томонидан корхонада тафтиш ўтказилганда камомад аниқланмаган Тафтиш натижалари ҳам шуни кўрсатади Иш материалларидаги тафтиш актлари билан танишиб, Гулямовга қўйилган айбловнинг дахли йўқлигига яна бир бор амин бўласиз. Чунки Гулямов Умаров Р., Исматов А. , Махмудов Б.ларнинг бирортасини танимайди ва умуман билмайди.

Гулямов Ф.П.нинг шахсига тўхталадиган бўлсак, у олий маълумотли, зиёли хонадоннинг фарзанди. Қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор. Унга меҳнат коллективидан ва у истиқомат қиладиган маҳалладан берилган маълумотномаларда Гулямов Ф.П.нинг ҳалол ва пок инсонлиги, жамоа орасида обрў-эътиборга эга эканлиги қайд этилган.

Ҳурматли прокурор! Менинг химоям остидаги Гулямов Ф.П.га нисбатан Жиноят процессуал кодексининг 409-моддасига биноан қўйилган айбловдан воз кечишингизни, воз кечиш асосларини судга баён қилишингизни сўрайман.

Ҳурматли судья! Менинг химоям остидаги Гулямов Ф.П.ни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 83-моддасининг 3-қисмига асосланган ҳолда Гулямовни айбсиз деб топиб, ЖПКнинг 464-моддасининг 3-қисмига биноан оқлов ҳукмини чиқаришингизни илтимос қиламан.

Химоячи

Тўраев Р.Т.

Мундарижа

Кириш	3
1-мавзу. Жиноят процессида адвокат иштирокининг умумий қоидалари	7
2-мавзу. Судга қадар иш юритувида адвокатнинг иштироки	19
3-мавзу. Биринчи инстанция судида адвокатнинг иштироки	44
4-мавзу. Суд муҳокамасидаги адвокатнинг ҳимоя нутқи ва унинг нотиклик маҳорати	51
5-мавзу. Жиноят ишлари бўйича апелляция ва кассация тартибида иш юритилишида адвокатнинг иштироки	78
6-мавзу. Адвокатнинг назорат тартибида иш юритувида ва жиноят процессининг бошқа босқичларида иштироки	101
7-мавзу. Адвокат - жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили	111
8-мавзу. Вояга етмаганлар жинояти ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ишлари бўйича адвокатнинг иштироки	117
Хулоса	148
Адвокатнинг процессуал ҳужжатлари.....	155

**Г.З.ТЎЛАГАНОВА
С.Р.БАЗАРОВ**

ЖИНОЯТ ИШЛАРИДА АДВОКАТНИНГ ИШТИРОКИ

Ўқув - қўлланма

Муҳаррир: *С.Рахманова.*
Техник муҳаррир: *А.Боймаматов.*
Компьютерда саҳифаловчи: *Т.Аширов.*

Босишга рухсат этилди:
Ҳажми: б.т. Адади: . Буюртма: №
ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.
Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ, 35.